

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ**  
**ТЎПЛАМИ**

**36-сон**  
**(848)**  
**2018 йил**  
**10 сентябрь**

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:*

*биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;*

*иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари эълон қилинади;*

*учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;*

*тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;*

*бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.*

**МУНДАРИЖА**

*Иккинчи бўлим*

722. «Халқ таълимини бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 сентябрдаги ПФ–5538-сон Фармони
723. «Ўзбекистон Республикасида крипто-биржалар фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 сентябрдаги ПҚ–3926-сон қарори
724. ««Рақамли ишонч» рақамли иқтисодиётни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш жамғармасини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 сентябрдаги ПҚ–3927-сон қарори
725. «Ишлаб чиқариш майдонларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 сентябрдаги ПҚ–3928-сон қарори
726. «Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги тармоғини бошқариш тизимини

такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 сентябрдаги ПҚ–3929-сон қарори

727. «Корпоратив, лойиҳа бошқаруви ва давлат харидлари соҳасида кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 сентябрдаги ПҚ–3930-сон қарори
728. «Халқ таълими тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 сентябрдаги ПҚ–3931-сон қарори

#### *Учинчи бўлим*

729. «Бутунжаҳон Интернет тармоғида ахборот хавфсизлигини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 5 сентябрдаги 707-сон қарори

#### *Бешинчи бўлим*

730. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг 2018 йил 6 июлдаги 47, 20, 101, 5-сон «Қишлоқ хўжалиги экинларини оқилона жойлаштириш, ер балансига риоя этиш, қишлоқ хўжалиги экинларининг оқилона жойлаштирилиши бузилганлиги учун фермер хўжаликлари ва мансабдор шахсларнинг масъулиятини ошириш, етиштирилган маҳсулот сотилишининг ҳисобини юритиш, шартнома мажбуриятларининг бажарилишини таъминлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 5 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3064*)
731. Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт вазирининг 2018 йил 9 июлдаги 10-мқ-сон «Умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчиларидан иборат спорт жамоалари ўртасида (спорт турлари бўйича) ушбу муассасалар, туман (шаҳар)лар, вилоятлар ва республика даражасида оммавий спорт тадбирларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 5 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3065*)
732. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 28 июлдаги 26/6-сон «Кўп валютали бухгалтерия ҳисоби тизимида Ўзбекистон Республикаси банклари балансининг актив ва пассивларидаги валюта ҳисобварақлари қолдиқларини қайта баҳолаш қоидаларининг II бўлими I-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори

*(Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 5 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 535-2)*

733. Ўзбекистон Республикаси электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси бошлиғининг 2018 йил 26 июлдаги 10-сон «Реактив қувват компенсацияси бўйича ишларни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи *(Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 5 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1864-2)*
734. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2018 йил 30 июлдаги 26, 115, 2018-59-сон «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳузуридаги тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга кўмаклашиш бўйича маслаҳат маркази намунавий низомининг 6-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори *(Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 5 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2499-2)*
735. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Молия вазирлигининг 2018 йил 1 августдаги 256-ум, 119-сон «Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг ФХДЁ бўлимлари фаолиятини молиялаштириш учун махсус ташкил қилинадиган шахсий газна ҳисобварағига йўналтирилган маблағлардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори *(Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 5 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3066)*
737. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2018 йил 5 сентябрдаги 442-мх-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи *(Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 5 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1019-2)*
738. Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази, Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2018 йил 7 августдаги 2018-7, 02/28-10/32-сон «Устав капитали 500 миллион сўмдан ортиқ бўлган акциядорлик жамиятларини фонд биржасида мажбурий листингга қўйиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори *(Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 6 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1801-3)*
739. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 18 августдаги 27/7-сон «Тижорат банклари томонидан банк кафолатларини бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги қарори *(Ўзбекистон Республикаси Адлия ва-*

*зирлиги томонидан 2018 йил 6 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2364-5)*

740. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 18 августдаги 27/13-сон «Банкка алоқадор бўлган шахслар билан тузиладиган битимлар тўғрисидаги низомга қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 6 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2706-2)*)
741. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 18 августдаги 27/12-сон «Тижорат банклари томонидан қимматли қоғозлар билан ўтказиладиган операцияларга ва уларнинг бошқа корхоналар устав капиталида қатнашишига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 6 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1894-3)*)
742. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 18 августдаги 27/17-сон «Бир қарз олувчи ёки бир-бирига дахлдор қарз олувчилар гуруҳи учун таваккалчиликнинг энг кўп миқдорлари тўғрисидаги низомнинг 8-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 6 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2707-3)*)
743. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг 2018 йил 31 июлдаги 36-сон «Қимматбаҳо металл ва қимматбаҳо тошлар билан боғлиқ бўлган операцияларни амалга оширувчи шахслар учун жинойӣ фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруққа ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 6 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2034-3)*)
744. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 3 августдаги 116, 2018-50, 315-В-4-сон «Улгуржи савдо корхоналари томонидан ягона солиқ тўловини бўнак тўловларини ҳисобга олган ҳолда тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 6 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2065-4)*)
745. Ўзбекистон Республикаси парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғининг 2018 йил 30 июлдаги 118-Н-сон «Ўзбекистон Республикаси фуқаро ва экспериментал авиацияси аэродромларини сертификатлаш қоидалари»га (ЎзР АҚ-160) ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазир-*

*лиги томонидан 2018 йил 6 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1734-7)*

746. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2018 йил 6 сентябрдаги Б-55-сон «Назорат қилувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ўтказиладиган текширувларни келишиш ва ўтказиш тартиби ҳақидаги вақтинчалик низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 7 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3067)*
747. Ўзбекистон Автомобиль транспорти агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Касб-хунар таълими маркази, Ички ишлар вазирлигининг 2018 йил 15 августдаги 70, 8/ққ, 56-сон «Ўзбекистон Республикасида автомобилотransпорт воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш билан шуғулланувчи таълим муассасаларини битирган ҳайдовчиликка номзодларга бериладиган ягона намунадаги гувоҳномани бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 7 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1652-2)*
749. Ўзбекистон Республикаси парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлигининг 2018 йил 15 августдаги 121-Н-сон «Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиациясининг ҳаво кемалари экипаж аъзоларининг иш вақти ва дам олиш вақтини нормалаштириш» авиация қоидаларига (ЎЗР АҚ-94) ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 7 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2141-2)*

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2018 йил 5 сентябрдан 7 сентябргача бўлган маълумот

## ИККИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

## **722** Халқ таълимини бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида\*

Халқ таълими тизимини бошқаришнинг самарали механизмларини жорий этиш ўсиб келаётган ёш авлодни маънавий-ахлоқий ва интеллектуал ривожлантиришни сифат жиҳатидан янги bosқичга кўтаришнинг энг муҳим шarti ҳисобланади, шунингдек, ўқув-тарбия жараёнида таълимнинг инновацион шакллари ва усулларини қўллашга кўмаклашади.

Шу билан бирга, ушбу соҳадаги ишлар ҳолатини танқидий таҳлил қилиш халқ таълими тизими бошқарувини ташкил этиш, давлат умумий ўрта таълим муассасаларининг (кейинги ўринларда умумтаълим муассасалари деб юритилади) фаолиятини амалий жиҳатдан мувофиқлаштириш, уларнинг моддий-техник ҳолатини яхшилаш бўйича тадбирларни молиялаштиришда бир қатор муаммолар ва камчиликлар мавжудлиги аниқланди. Жумладан:

биринчидан, жойларда умумий ўрта ва мактабдан ташқари таълим соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш, умумтаълим муассасалари раҳбарларини танлаш ва жой-жойига қўйиш масалаларини ҳал этиш, идоравий мансуб ташкилотларнинг мулкидан самарали фойдаланишда халқ таълими бошқарув органлари ролининг етарли даражада эмаслиги;

иккинчидан, умумтаълим муассасалари раҳбарлари зиммасига уларга хос бўлмаган вазифалар ва функцияларни юклаш, муассаса директори ва унинг ўринбосарлари ўртасида ваколатларнинг аниқ тақсимланмаганлиги, улар фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг аниқ мезонлари ва параметрлари мавжуд эмаслиги;

учинчидан, умумий ўрта таълимнинг долзарб масалалари ва уларнинг натижаларини амалиётга татбиқ этиш бўйича чуқур илмий тадқиқотларнинг мавжуд эмаслиги, ўқув-тарбия жараёнини услубий таъминлаш масалаларида халқ таълими бўлимлари ва умумтаълим муассасалари ўртасида ўзаро ҳамкорлик даражасининг пастлиги;

тўртинчидан, раҳбарлар, ўқитувчилар ва умумтаълим муассасалари бошқа ходимларининг касбий фаолиятига асоссиз равишда аралашувдан ҳимоя қилиш механизмларининг самарасизлиги, назорат қилувчи ва бошқа давлат органлари томонидан мактабларни текшириш ҳаддан зиёд кўпайиб кетганлиги;

---

\* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 6 сентябрда эълон қилинган.

бешинчидан, таълим сифатини таъминлаш, ўқитувчиларнинг билим даражасини ва педагогик маҳоратини ошириш масалаларида умумтаълим муассасалари фаолиятидаги очиклик ва шаффофлик даражасининг етарли даражада эмаслиги, ўқув-тарбия жараёни устидан самарали жамоатчилик назоратининг мавжуд эмаслиги;

олтинчидан, халқ таълими тизими муассасаларини молиялаштириш ва моддий-техник таъминлаш механизмнинг мукамал эмаслиги, уларнинг фаолиятига замонавий меъморий ечимлар, инновацион ишланмаларни ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш даражасининг пастлиги.

Ўқув-тарбия жараёнига бошқарувнинг янги механизмларини ва сифат стандартларини жорий этиш, жамиятда ўқитувчи касбининг нуфузини ошириш, умумтаълим муассасаларининг моддий-техник ҳолатини яхшилаш орқали халқ таълими тизимини янада такомиллаштириш мақсадида:

1. Қуйидагилар халқ таълими тизимини ислох қилишнинг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

умумий ўрта ва мактабдан ташқари таълимни сифат жиҳатидан янги даражага кўтариш, ҳар томонлама камол топган авлодни тарбиялаш, ўқувчиларнинг маънавий-ахлоқий ва интеллектуал ривожланишини таъминлаш;

ушбу соҳада ягона давлат сиёсатини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг (кейинги ўринларда — Вазирлик) мувофиқлаштирувчи роли ва масъулиятини кучайтириш, шунингдек, вазирликлар, идоралар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг мазкур йўналишдаги вазифалари, функциялари ва ваколатларини аниқ белгилаш ва тартибга солиш;

рахбар ва педагог ходимларни танлаш, тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг илғор ва шаффоф ташкилий-ҳуқуқий механизмларини татбиқ этиш йўли билан халқ таълими тизимида кадрлар сиёсатини шакллантиришнинг замонавий тамойилларини жорий этиш;

халқ таълими муассасаларини бошқариш тизимига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, шаффоф ва самарали жамоатчилик назоратига эришиш, шу жумладан барча муассасаларнинг телекоммуникация тармоқларига уланишини таъминлаш, барча фойдаланиши мумкин бўлган маълумотлар манбасини яратиш, уларнинг фаолиятини баҳолашнинг электрон рейтинг тизимини жорий этиш;

халқ таълими муассасалари ходимларини моддий рағбатлантиришни ва ижтимоий муҳофаза қилишни яхшилаш, уларнинг самарали ишлаши учун муносиб шароитларни яратиш;

зарур ташкилий-ҳуқуқий ва техник-иқтисодий шароитларни яратиш йўли билан умумий ўрта ва мактабдан ташқари таълим соҳасида нодавлат хизматларни кўрсатишга оид фаолият билан шуғулланувчи юридик шахслар (кейинги ўринларда — нодавлат умумтаълим ташкилотлари) тармоғини янада ривожлантириш, ушбу соҳага давлат-хусусий шерикликнинг турли шакллари самарали жорий этиш;

халқ таълими тизимига илғор хорижий тажрибани, ўқув-тарбия жараёнига замонавий педагогик технологияларни, шу жумладан таълим беришнинг инновацион усулларини жорий этиш, ўқув ва ўқув-услубий адабиётларнинг янги авлодини яратиш, фундаментал ва амалий илмий тадқиқотларни амалга ошириш.

## 2. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

умумий ўрта таълим давлат таълим стандартлари ва мактабдан ташқари таълимга қўйиладиган давлат талаблари умумий ўрта таълимни молиялаштириш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларида назарда тутилган маблағлар ҳисобга олинган ҳолда Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири томонидан тасдиқланади;

Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазирлиги, вилоятлар халқ таълими бошқармалари ва Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси раҳбарлари, туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари, шунингдек, Вазирликка идоравий мансуб бошқа ташкилотлар ва муассасалар бошлиқларини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод этиш маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари билан келишилмасдан Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири томонидан амалга оширилади;

муваффақиятли фаолият юритаётган мактаблар негизида тармоқли мактабларни ташкил этиш, ушбу тармоққа юқламаси паст коэффициентли мактабларни киритиш ҳақидаги қарор Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири томонидан қабул қилинади;

2019 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси томонидан (кейинги ўринларда — Давлат инспекцияси) туманлар ва шаҳарлар кесимида танлаш асосида умумтаълим муассасалари фаолияти самарадорлиги бўйича рейтинги (кейинги ўринларда — рейтинг) тузилади;

рейтинг яқунлари оммавий ахборот воситаларида ва Давлат инспекциясининг веб-сайтида кейинги ўқув йили бошланишидан кечиктирмай жойлаштирилади;

2019 йил 1 январдан бошлаб умумтаълим муассасалари ходимлари бўлган пенсионерларга, уларнинг ушбу муассасалардаги фаолияти асосий иш жойи ҳисобланган тақдирда, пенсия тўлиқ миқдорда тўланади;

2019 йил 1 мартдан бошлаб давлат умумтаълим муассасаларига болаларни Давлат хизматлари марказлари ёки Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали қабул қилиш тартиби босқичма-босқич жорий этилади.

Вазирлик Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги билан биргаликда икки ой муддатда туманлар ва шаҳарлар кесимида болаларни умумий ўрта таълим мактабларига қабул қилиш Давлат хизматлари марказлари ёки Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали амалга ошириладиган умумий ўрта таълим муассасалари рўйхатини шакллантирсин.

3. Белгилаб қўйилсинки, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари халқ таълими муасса-



саларини қўллаб-қувватлаш ва уларнинг инфратузилмасини ривожлантириш масаласида ҳар томонлама кўмаклашиш, хусусан:

тегишли ҳудудда умумтаълим муассасаларига ёрдам кўрсатишни ташкил этиш ва мувофиқлаштириш, шу жумладан ўқитувчилар ва ушбу соҳа ходимларининг мақомини яхшилашга ва оширишга ёрдам бериш;

халқ таълими муассасаларига кўмаклашиш масалалари бўйича вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотларнинг ҳудудий бўлинмалари раҳбарларининг ҳисоботларини белгиланган тартибда эшитиш;

нодавлат умумий ўрта таълим ташкилотларига бериш учун бўш ер участкалари (ҳар бир ҳудудда йилига 50 лотдан кам бўлмаган) рўйхатини тасдиқлаш ва улардан доимий фойдаланиш ҳуқуқини «E-IJRO AUKSION» ягона электрон савдо майдончасида реализация қилиш;

халқ таълими муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш, капитал ва жорий таъмирлаш, уларга туташ ҳудудларни ободонлаштириш, инфратузилмани (тротуарлар, йўллар ва бошқалар) зарур ҳолатда сақлаш бўйича буюртмачи функциясини амалга ошириш;

халқ таълими муассасаларини электр энергияси, табиий газ, ичимлик суви, зарур санитария-гигиена шароитлари ва бошқа коммунал хизматлар билан узлуксиз таъминлаш;

туманлар (шаҳарлар) комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича сектор раҳбарлари билан биргаликда халқ таълими муассасаларини ўқув йилига ва куз-қиш мавсумига ўз вақтида ва самарали тайёрлаш тadbирларини амалга ошириш;

умумтаълим муассасаларининг хавфсизлигини таъминлаш, шу жумладан ҳудудлар атрофини ўраш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича инспекторларни бириктириш, видеокузатув камералари, ёнғинга қарши сигнализация тизимларини, кириш йўлларида қоидабузарликларни қайд этувчи қурилмаларни ўрнатиш чора-tadbирларини кўриш;

халқ таълими муассасалари ҳудудининг ва кўчмас мулкнинг бутунлигини ҳамда дахлсизлигини белгиланган тартибда таъминлаш;

умумтаълим муассасаларини ривожлантириш учун инвестицияларни ва ҳомийлик ёрдамини жалб қилишга кўмаклашиш;

халқ таълими муассасаларидаги мавжуд муаммоларни тез ва самарали ҳал қилиш бўйича бошқа чоралар кўрилишини ташкил этиш учун шахсан жавоб беради.

#### 4. Вазирликнинг:

2018 йил 1 октябрдан бошлаб умумтаълим муассасаларининг васийлик кенгашларини тугатиш;

таркибига муассаса фаолиятига жиддий ҳисса қўшишга кодир энг фаол ота-оналар, битирувчилар, ҳомийлар ва бошқа шахслар киритиладиган, юридик шахс мақомисиз умумтаълим муассасаларининг кузатув кенгашларини ташкил этиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

Қўйидагилар умумтаълим муассасаси кузатув кенгашининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

Вазирлик томонидан тавсия этилган номзодлардан умумтаълим муасса-

саси раҳбарини сайлаш, шунингдек, белгиланган тартибда уни эгаллаб турган лавозимидан озод этиш ҳақида таклифлар киритиш;

умумтаълим муассасасини ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилаш;

умумтаълим муассасаси раҳбарининг муассаса фаолиятини такомиллаштириш, молиявий-хўжалик ҳолати, даромадлар ва харажатлар, бюджет, бюджетдан ташқари, ҳомийлик ва бошқа маблағлардан фойдаланиш бўйича кўрилган чора-тадбирлар тўғрисида ҳисоботларини вақти-вақти билан тинглаш;

умумтаълим муассасаси раҳбарининг тақдимномаси бўйича йиллик молиявий режаларни, кўрсатилаётган пуллик хизматлар нархининг миқдорларини ва муассаса мулкидан фойдаланганлик учун ижара ҳақи миқдорини, шу жумладан аукциондаги бошланғич нархни кўриб чиқиш ва тасдиқлаш;

ўқувчилар учун яратилган шароитлар устидан тизимли равишда мониторинг ўрнатиш;

ўқувчилар ва улар ота-оналарининг мурожаатларини кўриб чиқиш, умумтаълим муассасасининг педагог ва раҳбар ходимлари фаолияти тўғрисида ижтимоий сўровларни ўтказиш;

таълим муассасасининг фаолиятини ташкил этишга тааллуқли бошқа масалаларни ҳал қилишда иштирок этиш.

Вазирлик Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан биргаликда бир ой муддатда Умумтаълим муассасасининг кузатув кенгаши тўғрисидаги низомни ва унинг намунавий таркибини тасдиқласин.

5. Давлат инспекцияси Вазирлик билан биргаликда 2019 йил 1 январга қадар муддатда:

тегишли фанни ўқитиш бўйича билим ва кўникма даражасини — педагоглар малакасини аниқлашнинг асосий мезони сифатида белгилаб, умумтаълим муассасаларининг педагог кадрларини аттестациядан ўтказиш тартибини қайта кўриб чиқсин;

педагогик маҳорат ва билим даражасини доимий ошириб боришга кўмаклашувчи илғор хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда, халқ таълими тизими ходимларининг билим даражасига оид малака тоифалари ва талабларини такомиллаштириш бўйича аниқ таклифлар киритсин;

умумтаълим муассасалари рейтингини тузиш мақсадида уларнинг фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонлари тасдиқлансин;

ўқувчиларнинг билим даражасини баҳолаш бўйича халқаро дастурлар ва тадқиқотларда (PISA, TIMSS, PIRLS ва бошқалар) умумтаълим муассасалари ўқувчиларининг иштирокини ташкил этсин.

6. Вазирлик, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамда Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2018 йил 1 октябрдан бошлаб қуйидаги тартибни жорий этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин:

халқ таълими муассасаларининг кўчмас мулкни ижарага беришдан тушган маблағнинг 1 фоизи Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг ҳудудий бўлинмалари

хузуридаги давлат мулки ижара марказларига, қолган қисми эса электрон савдо майдончаси операторига тўланган тўлов чегирилгандан кейин — халқ таълими муассасаларини ривожлантиришнинг бюджетдан ташқари жамғармаларига йўналтирилади;

умумтаълим муассасаси раҳбарига халқ таълими муассасаларини ривожлантириш бюджетдан ташқари жамғармаси маблағларини эркин тасарруф этиш, шу жумладан жамғарма даромадларининг жами суммасидан 10 фоизини ўз моддий рағбатлантириши учун йўналтириш ҳуқуқини тақдим қилган ҳолда халқ таълими муассасалари учун жамғарма маблағларидан устувор равишда уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш учун фойдаланиш тўғрисидаги талаб бекор қилинади.

Вазирлик Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишган ҳолда икки ой муддатда халқ таълими муассасаларини ривожлантиришнинг бюджетдан ташқари жамғармалари маблағларини шакллантириш ва фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

7. Давлат инспекцияси Бош прокуратура, Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ой муддатда умумтаълим муассасалари фаолиятини текширишга ваколатли органларнинг қатъий рўйхатини, текширув тайинлаш ва ўтказиш мезонлари ҳамда ҳуқуқий асосларини назарда тутган ҳолда текшириш тартибини белгилайдиган ҳукумат қарори лойиҳасини ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Бунда умумтаълим муассасалари фаолиятини назорат қилувчи органлар томонидан текшириш даврийлиги уларнинг рейтингда эгаллаб турган ўрнига боғлиқ бўлиши белгилансин.

8. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси айбдор шахсларга нисбатан қонун ҳужжатларига мувофиқ қатъий жавобгарлик чораларини қўллаган ҳолда умумтаълим муассасалари фаолиятини ноқонуний текширишга йўл қўймаслик устидан назоратни кучайтирсин.

Назорат қилувчи органлар маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан биргаликда умумтаълим муассасалари фаолиятини текшириш давомида аниқланган қонунбузилиши ҳолатларини бартараф этиш ва келгусида йўл қўймаслик ишларида ҳар томонлама кўмаклашсин.

9. Вазирлик:

а) Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2019 йил 1 февралга қадар муддатда Ўзбекистон Республикасида 2030 йилга қадар умумий ўрта ва мактабдан ташқари таълимни тизимли, минтақавий ва мақсадли ривожлантиришнинг устувор йўналишларини, шунингдек, уни амалга ошириш бўйича «йўл харитасини» ўз ичига олган Халқ таълими тизимини ривожлантиришнинг узоқ муддатли концепциясини Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

б) Қурилиш вазирлиги, Молия вазирлиги, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси билан биргаликда етакчи лойиҳа институтларини жалб қилган ҳолда, умумтаълим муассасаларини қуришнинг халқаро тажрибасини ўргансин ва 2019 йил 1 январга қадар муддатда Ўзбекистон Республикаси

Вазирлар Маҳкамасига қуйидагиларни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Замонавий мактаб» Давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори лойиҳасини киритсин:

экологик жиҳатдан тоза материаллар ва энергиянинг муқобил манбаларидан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқилган намунавий лойиҳалар асосида замонавий мактаблар куриш;

мактабларни, шу жумладан ўқув синфлари ичини янги қулай мебеллар, замонавий ўқув ва лаборатория ускуналари, дарсликлар ва ўқув-услубий материаллар, компьютер ва мультимедиа техникаси, видеокузатув тизимлари билан жиҳозлаш;

в) уч ой муддатда ўқув режалари ва дастурларини оптималлаштириш, инновацион, шу жумладан, масофавий педагогик усуллардан кенг фойдаланиш, ушбу жараённинг самарадорлигини бутунлай оширишни назарда тутган ҳолда умумтаълим муассасаларининг раҳбар ва педагогик ходимлари малакасини ошириш тартиби ва тизимини тубдан қайта кўриб чиқсин.

10. Давлат инспекцияси, Молия вазирлиги, Вазирлик ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда 2018 йил 1 ноябрга қадар муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таълим сифатини таъминлашда Давлат инспекциясининг ролини кучайтириш, унинг ташкилий-штат тузилмасини такомиллаштириш, ходимларини моддий рағбатлантириш ва ижтимоий ҳимоясини яхшилаш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳасини киритсин.

11. Вазирлик Адлия вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

12. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А. Абдувахитов, Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М. Мавлонов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.А. Абдуҳақимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 5 сентябрь,  
ПФ–5538-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**723 Ўзбекистон Республикасида крипто-биржалар фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида\***

Рақамли иқтисодийтни ривожлантириш ва крипто-биржалар фаолиятини ташкил этиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 июлдаги «Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодийтни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–3832-сон қарорига мувофиқ:

1. Маълумот учун қабул қилинсинки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 июлдаги «Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодийтни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–3832-сон қарорига мувофиқ:

крипто-активлар айланмаси махсус норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинади;

юридик ва жисмоний шахсларнинг крипто-активлар айланмаси билан боғлиқ операциялари, жумладан норезидентлар томонидан амалга оширилган операциялар солиқ солинадиган объект ҳисобланмайди, мазкур операциялар юзасидан олинган даромадлар эса солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича солиқ солинадиган базага киритилмайди;

крипто-активлар айланмаси соҳасидаги фаолиятни амалга ошириш учун белгиланган тартибда лицензия олган шахслар томонидан ўтказиладиган крипто-активлар айланмаси билан боғлиқ валюта операцияларига валютани тартибга солиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари нормалари татбиқ этилмайди.

2. Белгилаб қўйилсинки:

крипто-активларни айирбошлаш, сотиб олиш ва сотиш учун электрон майдонча тақдим этадиган ташкилот крипто-биржа ҳисобланади;

блокчейндаги қийматга эга ва эгаси бўлган қайдлар мажмуаси крипто-актив ҳисобланади;

крипто-активлар айланмаси бўйича фаолиятга ва крипто-биржалар фаолиятига қимматли қоғозлар, биржалар ва биржа фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари татбиқ этилмайди;

крипто-биржа фаолиятини амалга ошириш учун лицензия фақат чет эл юридик шахсларига Ўзбекистон Республикаси ҳудудида шўъба ёки бошқа корхоналарни очиш орқали берилади;

крипто-биржалар фаолиятини уларнинг жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этиши қисмида назорат қилиш функциялари крипто-биржалар фаолиятини лицензияловчи органга ва тегишли ваколатли давлат органларига юкланади;

саноат майнингини амалга ошириш учун (ойига 100 кВт/с дан ортиқ

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 3 сентябрда эълон қилинган.

фойдаланиш) ер участкалари «Ўзбекэнерго» АЖ ва «Ўзбекгидроэнерго» АЖ томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги, тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари билан келишилган ҳолда белгиланадиган махсус ҳудудларда электрон аукцион ўтказмасдан берилади.

3. Кripto-биржалар фаолиятини амалга ошириш учун қўйидаги асосий лицензия талаблари ва шартлари белгилансин:

а) ариза берилган санада пул маблағи шаклида энг кам ойлик иш ҳақининг камида ўттиз минг баравари миқдорида шакллантирилган устав жамғармаси мавжудлиги, шундан йигирма минг баравари Ўзбекистон Республикасининг тижорат банкида алоҳида ҳисобварақда захирага қўйилади;

б) Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган серверларга жойлаштирилган ҳамда Кripto-биржалар фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомда назарда тутиландиган талабларга жавоб берадиган ишлаб турган электрон крипто-биржа савдо тизими мавжудлиги;

в) қўйидагилар акс эттирилиши шарт бўлган крипто-биржа савдо қоидаларининг мавжудлиги:

иштирокчиларга крипто-биржа савдоларида иштирок этишга рухсат бериш тартиби;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларининг бажарилишини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар;

крипто-активларни муомалага қўйиш ва муомаладан чиқаришга рухсат бериш тартиб-таомиллари;

крипто-активлар билан операцияларни амалга ошириш ва уларни рўйхатдан ўтказиш тартиби;

битимлар тузишда крипто-биржа савдолари иштирокчилари ўртасида ўзаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш тартиби;

крипто-биржа хизматидан фойдаланганлик учун тўлов миқдори ва уни белгилаш тартиби;

крипто-биржаларда нархлар манипуляцияси ва махфий ахборотдан ноқонуний фойдаланишнинг олдини олиш чоралари;

крипто-активлардан ғайриқонуний мақсадларда фойдаланишни тақиқлаш;

г) крипто-активларни котировкалашни уларга бўлган талаб ва таклиф асосида амалга ошириш;

д) мижозларнинг крипто-активлар билан операциялари тўғрисидаги ахборотни, шунингдек, уларнинг идентификация маълумотларини ва мижозлар билан ўзаро муносабатлар бўйича материалларни, жумладан иш ёзишмаларини беш йил давомида сақлаш.

4. Кripto-биржаларга:

кўрсатилган хизматлар учун, шу жумладан крипто-активлар шаклида мукофот олиш, унинг миқдорини ва уни савдолар иштирокчилари (мижозлар)дан ундириш тартибини белгилаш;

Ўзбекистон Республикаси резидентлари ва норезидентлари билан крипто-активларни миллий ва хорижий валютага сотиб олиш ва (ёки) бегоналаштиришга, шунингдек, крипто-активларни бошқа крипто-активларга айирбошлашга қаратилган биржа битимларини ташкил этиш ҳуқуқи берилсин.

5. Белгилаб қўйилсинки:

крипто-биржалар фаолиятини амалга оширишга лицензия бериш учун давлат божи миқдори ва уни тўлаш тартиби лицензияловчи орган томонидан белгиланади;

крипто-биржалар фаолиятини амалга оширишга лицензия беришдан тушадиган давлат божининг барча суммаси лицензияловчи органнинг ҳисоб-рақамига ўтказилади.

6. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги бир ой муддатда:

Крипто-биржалар фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомни белгиланган тартибда тасдиқласин ва амалга киритсин;

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан биргаликда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида белгиланган тартибда таклифлар киритсин.

7. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги директорининг биринчи ўринбосари Д.Р. Ли ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М. Мавлонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 2 сентябрь,  
ПҚ-3926-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**724 «Рақамли ишонч» рақамли иқтисодиётни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш жамғармасини ташкил этиш тўғрисида\***

Рақамли иқтисодиётни ривожлантиришнинг энг устувор йўналишларида инвестициявий, молиявий ва бошқа ресурсларни бирлаштириш мақсадида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 июлдаги «Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–3832-сон қарорига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлигининг (кейинги ўринларда Агентлик деб юритилади) давлат муассасаси шаклидаги «Рақамли ишонч» рақамли иқтисодиётни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш жамғармасини (кейинги ўринларда — Жамғарма) ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. Қуйидагилар Жамғарманинг асосий вазифалари этиб белгилансин: рақамли иқтисодиётни ривожлантириш соҳасидаги, шу жумладан «блокчейн» технологияларини жорий этиш билан боғлиқ лойиҳаларни давлат-хусусий шериклик шартларида амалга ошириш учун инвесторларнинг маблағларини жалб этиш ва бирлаштириш;

давлат-хусусий шериклик шартларида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш, шу жумладан крипто-активлар айланмаси ва крипто-биржалар фаолияти соҳасидаги энг истиқболли ва стратегик муҳим лойиҳаларни амалга ошириш, шунингдек, «блокчейн» технологияларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш соҳасида кадрлар тайёрлаш бўйича ўқув тадбирлари ва бошқа тадбирларни ўтказиш;

рақамли иқтисодиётни, шу жумладан «блокчейн» технологияларини жорий этиш ва крипто-активлар айланмаси учун платформалар ташкил этиш ҳисобига янада ривожлантириш борасидаги, айниқса, ёшларнинг ташаббуслари (стартаплари)ни қўллаб-қувватлаш;

крипто-активлар айланмаси ва «блокчейн» технологиялари соҳасида етакчи хорижий ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни ташкил этишда, шу жумладан юқори малакали чет эл мутахассисларини жалб этишда техник кўмакни таъминлаш.

3. Қуйидагилар Жамғарма маблағларини шакллантиришнинг манбалари этиб белгилансин:

Агентлик ва унинг бўйсунувидаги ташкилотларнинг Агентлик директори томонидан белгиланадиган миқдордаги ажратмалари;

халқаро молия ташкилотлари ва институтларининг грантлари ва кредитлари;

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 5 сентябрда эълон қилинган.



жисмоний ва юридик шахслар, шу жумладан чет эл жисмоний ва юридик шахсларнинг хомийлик хайриялари;

юридик шахслар устав капитали (устав фонди)да Жамғармага тегишли акциялар (улушлар, пайлар) бўйича олинадиган даромадлар;

давлат-хусусий шериклик шартларида лойиҳаларни амалга оширишдан олинадиган даромадлар;

Жамғарманинг вақтинча бўш турган маблағларини банкларга жойлаштиришдан олинадиган даромадлар;

конун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа даромадлар.

4. Белгилаб қўйилсинки, Жамғарманинг маблағларидан қуйидаги мақсадларда фойдаланилади:

рақамли иқтисодиётни ривожлантириш соҳасидаги, шу жумладан «блокчейн» технологияларини жорий этиш, крипто-активлар айланмасини ва крипто-биржалар фаолиятини ташкил этиш бўйича лойиҳаларни давлат-хусусий шериклик шартларида молиялаштириш;

рақамли иқтисодиётни ривожлантириш соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш доирасида тузиладиган юридик шахсларнинг, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг устав капитали (устав фонди)даги акция ва улушларни сотиб олиш;

рақамли иқтисодиётни ривожлантириш соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш учун зарур бўлган товарлар (ишлар, хизматлар), кўчмас мулк объектлари, транспорт воситалари ва бошқа мол-мулкни сотиб олиш;

рақамли иқтисодиётни ривожлантириш соҳасидаги ташаббуслар (стартлар)ни молиялаштириш ва қўллаб-қувватлашни ташкил этиш учун грантлар ва кредит линияларини ажратиш;

рақамли иқтисодиётни ривожлантириш соҳасида, шу жумладан хорижда ўтказиладиган ўқув тадбирлари, конференциялар, семинарлар ва бошқа тадбирларни ташкил этиш ва уларда иштирок этиш билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш, шунингдек, иқтидорли талабалар ва ёш мутахассисларни қўллаб-қувватлаш учун стипендия ва грантлар ажратиш;

Жамғарма ижро этувчи дирекциясини моддий-техник таъминлаш, унинг ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни моддий рағбатлантириш;

Жамғарма томонидан рақамли иқтисодиётни ривожлантириш соҳасида амалга ошириладиган лойиҳалар доирасида жалб этиладиган юқори малакали чет эл мутахассислари харажатларини (меҳнатга ҳақ тўлаш, транспорт харажатлари ва бошқалар) улар билан тузиладиган шартномалар (контрактлар) асосида молиялаштириш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорларига асосан республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш билан боғлиқ бошқа мақсадлар.

5. «Рақамли ишонч» рақамли иқтисодиётни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш жамғармасининг кенгаши (кейинги ўринларда — Кенгаш) 1-иловага\* мувофиқ таркибда ташкил этилсин.

Кенгаш бир ой муддатда Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш бўйича, шу жумладан «блокчейн» технологиялари-

---

\* 1-илова «Конун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ни қуйидагиларда босқичма-босқич жорий этишни назарда тутган ҳолда «йўл харитасини» ишлаб чиқсин ва тасдиқласин:

марказлаштирилган манбалар ҳисобидан молиялаштириладиган давлат ва ҳудудий дастурларнинг инвестиция лойиҳалари амалга оширилишини мониторинг қилишда;

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига маблағлар тушиши ва уларнинг сарфланишини, давлат органларида тўлов интизомига риоя этилишини назорат қилишда;

соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот, таълим ва маданият соҳаларида ижтимоий хизматлар кўрсатишда, шунингдек, ажратилаётган бюджет маблағларининг тақсимланишини мониторинг қилишда;

давлат органлари фаолиятини ташкил этишда, шу жумладан идоралар-аро ҳамкорликда, давлат харидларини амалга оширишда, давлат хизматларини кўрсатишда, шахс тўғрисидаги маълумотларни верификация қилишда;

давлат кадастрлари, реестрлари, классификаторлари ва бошқа маълумотлар базаларини юритишда, шу жумладан уларга киритилган ахборотнинг долзарблигини таъминлаш ва ундан фойдаланишда;

устав капитали (устав фонди)да давлат иштироки юқори бўлган йирик тижорат ташкилотларида, шу жумладан бизнес жараёнларини такомиллаштириш, ишлаб чиқариш, маъмурий ва операция жараёнларни оптималлаштириш, шунингдек, замонавий менежмент ва ресурсларни бошқаришни жорий этиш мақсадида корпоратив бошқаришда;

банк ва молия секторларида транзакция операцияларини, шу жумладан клиринг операциялари, электрон тўловлар, суғурталаш, савдони молиялаштириш (аккредитив) ва лойиҳаларни кредитлашни мониторинг қилишда.

#### 6. Белгилаб қўйилсинки:

Жамғарма ўзининг мустақил балансига, Ўзбекистон Республикасининг тижорат банкларида миллий ва хорижий валютадаги ҳисобрақамларига, Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи ёзилган муҳрга эга;

инвесторларни танлаш мезонлари, шунингдек, рақамли иқтисодиётни ривожлантириш соҳасидаги лойиҳаларни амалга оширишда давлат-хусусий шериклик шартлари Кенгаш томонидан белгиланади;

Жамғарманинг маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби Кенгаш томонидан тасдиқланади;

Жамғарманинг маблағларини жойлаштириш бўйича барча операциялар Агентлик билан келишилган ҳолда амалга оширилади;

Жамғарманинг жорий фаолиятига раҳбарлик Агентлик директори лавозимга тайинлайдиган ва лавозимдан озод қиладиган директор раҳбарлигидаги ижро этувчи дирекция томонидан амалга оширилади;

Жамғарма томонидан жалб этиладиган грантларга техник қўмаклашиш маблағлари ҳисобига амалга ошириш учун назарда тутиладиган лойиҳа таклифларини ишлаб чиқиш ва келишиш тартиби татбиқ этилмайди;

Жамғарма маблағларининг мақсадли фойдаланилиши устидан назорат Агентлик томонидан амалга оширилади.

## 7. Жамғармага:

товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчилар ва уларнинг расмий дилерлари (дистрибьюторлари) билан «блокчейн» технологияларини жорий этиш ва амалга ошириладиган лойиҳалар учун зарур ускуналар, техника ва материаллар, эҳтиёт қисмлари, дастурий маҳсулотлар, бутловчи буюмларни етказиб бериш бўйича энг яхши таклифларни танлаб олиш асосида шартномалар тузишга;

юқори малакали чет эл мутахассисларини ишга қабул қилиш ва уларга Агентлик билан келишилган миқдорда эркин конвертация қилинадиган валютада иш ҳақи ва бошқа тўловлар белгилашга;

хорижий олий таълим муассасаларини тамомлаган тегишли йўналишдаги мутахассисларга нисбатан хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчилар касбларининг классификаторини ишга қабул қилишда ходимлар маълумотининг энг паст даражаси, ишчилар касблари бўйича малака разрядларини белгилаш юзасидан қўлламасликка рухсат берилсин.

## 8. Агентлик (Д.Р. Ли):

икки ҳафта муддатда Жамғарманинг таъсис ҳужжатлари, ижро этувчи дирекцияси тузилмаси ва штатлар жадвалини тасдиқласин;

бир ой муддатда Жамғарманинг фаолиятини ташкил этиш, шу жумладан мебель, компьютер техникаси, алоқа воситалари ва бошқа зарур моддий-техника ресурслари билан таъминлаш чораларини кўрсин;

икки ой муддатда Жамғарма ижро этувчи дирекциясининг зарур назарий билим ва амалий кўникмаларга эга, Жамғармага юклатилган вазифаларни профессионал даражада бажаришга қодир юқори малакали мутахассислар билан тўлдирилишини таъминласин.

## 9. Қуйидагилар 2021 йил 1 июлга қадар муддатга:

Жамғарма ягона ижтимоий тўловлардан ташқари барча турдаги солиқлар ва мажбурий тўловлар тўлашдан;

Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмаётган, Жамғарма томонидан унинг зиммасига юклатилган вазифаларни амалга ошириш доирасида, шунингдек, ўз эҳтиёжлари учун белгиланган тартибда шакллантириладиган рўйхатлар бўйича олиб келинадиган товарлар божхона тўловлари тўлашдан (божхона расмийлаштируви учун йиғимлардан ташқари) озод қилинсин.

Белгилансинки, Жамғарма томонидан ўз фаолияти, шу жумладан амалга оширадиган лойиҳалар доирасида юридик ва жисмоний шахсларга беғараз асосда бериладиган товарлар (ишлар, хизматлар) уларни олувчи томонда юридик шахсларнинг фойда солиғи, ягона солиқ тўлови ва жисмоний шахслар даромадидан олинадиган солиқ бўйича солиққа тортиш объекти ҳисобланмайди.

10. Агентлик ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳузуридаги «Hi-tech city» халқаро юқори технологияли инновацион маркази ҳудудида янги объектларни қуриш ва улардан фойдаланиш дирекцияси» давлат унитар корхонасини Агентликка беғараз ўтказиш ҳамда унинг номини Ўзбекистон

Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги қошидаги «Delta city» халқаро юқори технологияли инновацион маркази ҳудудида янги объектларни қуриш ва улардан фойдаланиш дирекцияси» давлат унитар корхонасига ўзгартириш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

«Delta city» халқаро юқори технологияли инновацион маркази ҳудудида янги объектларни қуриш ва улардан фойдаланиш дирекцияси» давлат унитар корхонасининг фаолиятини молиялаштириш манбаларидан Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари чиқариб ташлансин.

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси билан биргаликда бир ой муддатда «Delta city» халқаро юқори технологияли инновацион маркази ҳудудида янги объектларни қуриш ва улардан фойдаланиш дирекцияси» давлат унитар корхонасининг белгиланган тартибда Агентликка ўтказилишини таъминласин.

11. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жамғарма ижро этувчи дирекциясининг буюртманомаларига биноан Жамғарма томонидан амалга ошириладиган лойиҳалар доирасида жалб этиладиган чет эл мутахассисларига давлат божи ундирилмасдан кўп марталик визалар расмийлаштирилиши, берилиши ва уларнинг муддати узайтирилишини, шунингдек, уларнинг вақтинча прописка қилинишини, турар жойи бўйича ҳисобга олинишини ҳамда вақтинча прописка ва турар жойи бўйича ҳисобга олиш узайтирилишини таъминласин.

12. Жамғарма Тошкент шаҳри, И. Каримов кўчаси, 1-уйга бегараз фойдаланиш ҳуқуқи асосида жойлаштирилсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 2-иловага мувофиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин.

14. Агентлик бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин.

15. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги директорининг биринчи ўринбосари Д.Р. Ли ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М. Мавлонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 2 сентябрь,  
ПҚ-3927-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2018 йил 2 сентябрдаги  
ПҚ-3927-сон қарорига  
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим  
ҳужжатларига киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ-3150-сон қарорига:

а) 5-банднинг тўртинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Агентлик зиммасига юклатилган вазифаларни бажаришда давлат органлари ва бошқа ташкилотлар, нодавлат нотижорат ташкилотлар, етакчи лойиҳа институтлари, илмий-таълим муассасалари, тадбиркорлик субъектлари, шунингдек, хорижий давлатларнинг Ўзбекистон Республикасидаги дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари, халқаро ташкилотлар, чет эл компаниялари ҳамда мутахассислари билан, жумладан иш ёзишмаларини олиб бориш, тадбирларни ташкил этиш ва ҳадли келишувларни тузиш орқали ўзаро ҳамкорлик қилади»;

б) 2-иловада:

5-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Агентлик зиммасига юклатилган вазифаларни бажаришда давлат органлари, хўжалик бошқаруви органлари, давлат корхоналари ва ташкилотлари (кейинги ўринларда давлат органлари ва бошқа ташкилотлар деб юритилади), нодавлат нотижорат ташкилотлар, етакчи лойиҳа институтлари, илмий-таълим муассасалари, тадбиркорлик субъектлари, шунингдек, хорижий давлатларнинг Ўзбекистон Республикасидаги дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари, халқаро ташкилотлар, чет эл компаниялари ва мутахассислари билан, жумладан иш ёзишмаларини олиб бориш, тадбирларни ташкил этиш ва ҳадли келишувларни тузиш орқали ўзаро ҳамкорлик қилади»;

10-бандда:

қуйидаги мазмундаги олтинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«хорижий давлатларнинг Ўзбекистон Республикасидаги дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари, халқаро ташкилотлар, чет эл компаниялари билан иш ёзишмаларини олиб бориш, тадбирларни ташкил этиш ва ҳадли келишувларни тузиш»;

олтинчи ва еттинчи хатбошилар тегишинча еттинчи ва саккизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги фаолиятининг ташкилий масалалари тўғрисида»ги Ф-5137-сон фармойиши рус тилидаги матнининг 2-банди иккинчи ва учинчи хатбошилари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«использовать средства, поступающие в виде благотворительных пожертвований на счета в коммерческих банках, на приобретение товарно-материальных ценностей, осуществление ремонтно-строительных работ, оплату консультационных услуг и прочих расходов в соответствии со специальным порядком, определяемым Агентством, в рамках выполнения возложенных на него задач, в том числе для собственных нужд;

заключать контракты на закупку товаров (работ, услуг) с поставщиками товаров (работ, услуг) или их официальными дилерами (дистрибьютерами) на основе отбора наилучших предложений, а также осуществление оплаты авансовых платежей в размерах, определяемых в контрактах (договорах)».

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 июлдаги «Тошкент шаҳрида «Delta city» халқаро юқори технологияли инновация маркази» лойиҳасини амалга ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–3833-сон қарори рус тилидаги матнининг 3-банди «, за исключением объектов ГУП «Центр радиосвязи, радиовещания и телевидения» и АК «Узбектелеком» сўзлари билан тўлдирилсин.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

### **725** Ишлаб чиқариш майдонларидан фойдаланиш самардорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида\*

Таъкидлаш лозимки, тадбиркорлик субъектларининг инвестиция лойиҳаларини муваффақиятли амалга оширишда кўмаклашиш, мулкдорларнинг ўзларига тегишли бўш турган ишлаб чиқариш майдонларидан оқилона ва мақсадли фойдаланиш бўйича масъулиятини кучайтириш борасида кўрилаётган чоралар амалда ўз самардорлигини кўрсатди.

Илгари хусусийлаштирилган корхоналар билан ишлашда ёндашув ва иш услубининг тубдан ўзгартирилиши бир ярим мингдан ортиқ фаолият кўрсатмаётган ва кам қувватли корхоналар фаолиятини тиклаш ва ўн икки мингдан ортиқ иш ўринлари яратиш имконини берди.

Шу билан бирга, ҳудудларда ханузгача давлатга ва давлат улуши мавжуд бўлган корхоналарга тегишли бўлган, шунингдек, ажратилган ер участкаларида тадбиркорлик субъектлари томонидан қурилган ҳамда собиқ жамоа ва ширкат хўжалиklarини тугатиш даврида сотиб олинган катта миқ-

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 6 сентябрда эълон қилинган.

дордаги фаолият кўрсатмаётган ва самарасиз фойдаланилаётган бинолар ва қурилиши тугалланмаган объектлар сақланиб қолмоқда.

Мазкур ҳолат янги иш ўринлари яратиш имкониятининг йўқотилишига, ишлаб чиқариш қувватларининг маънан эскириши ва жисмонан емирилишига олиб келаётган бўлиб, улардан оқилона фойдаланишни ташкил этиш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чораларни кўришни талаб этмоқда.

Фаолият кўрсатмаётган ва фойдаланилмасдан турган объектлар мулкдорлари, барча даражадаги раҳбарларнинг мазкур объектлардан оқилона ва мақсадли фойдаланилиши бўйича масъулиятини кучайтириш, шунингдек, корхоналарни фаол хўжалик фаолиятига жалб этиш ҳамда шу асосда янги иш ўринларини яратиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг илгари хусусийлаштирилган объектларни хўжалик фаолиятига жадал жалб этиш бўйича амалдаги механизмни мулк ҳуқуқининг вужудга келиш асослари ва эгалланган майдон ҳажмидан қатъи назар барча тоифадаги қурилиши тугалланмаган объектлар, бўш турган бинолар, нотурар иншоотлар ва фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонларига (кейинги ўринларда фойдаланилмаётган объектлар деб юритилади) нисбатан татбиқ этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар:

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида фойдаланилмаётган объектлардан самарали фойдаланиш бўйича намунавий таркибдаги идоралараро комиссиялар (кейинги ўринларда идоралараро комиссиялар деб юритилади) 1-иловага\* мувофиқ;

туманлар (шаҳарлар)да фойдаланилмаётган объектлардан самарали фойдаланиш бўйича намунавий таркибдаги ишчи гуруҳлар (кейинги ўринларда ишчи гуруҳлар деб юритилади) 2-иловага\* мувофиқ тузилсин.

Идоралараро комиссиялар раҳбарлари этиб Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари, ишчи гуруҳлар раҳбарлари этиб тегишли туман (шаҳар) ҳокимлари белгилансин.

3. Идоралараро комиссияларга қуйидагилар амалга оширилишини ташкил этиш ва назорат қилиш юклатилсин:

доимий мониторинг натижаларига кўра тегишли ҳудуддаги фойдаланилмаётган объектларни аниқлаш ва уларнинг рўйхатларини шакллантириш;

фойдаланилмаётган объектлар фаолиятини тиклаш, ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва янги иш ўринларини яратиш бўйича «йўл хариталари» ва инвестиция лойиҳаларини мулкдорлар билан бирга ишлаб чиқиш, шунингдек, уларни тасдиқлаш;

фойдаланилмаётган объектлар фаолиятини тиклаш бўйича таклифларни тақдим этмаган ёки тасдиқланган «йўл хариталари» ижросини таъминла-

---

\* 1-2-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

маётган мулкдорларга нисбатан қонунчиликда назарда тутилган таъсир чораларини қўллаш ҳақида хулосалар чиқариш;

давлат органлари фаолиятини мувофиқлаштириб бориш ва ишчи гуруҳлар раҳбарларининг ҳисоботларини мунтазам равишда эшитиш;

тадбиркорлик субъектлари томонидан инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун рухсат берувчи тусдаги ҳужжатлар ва тижорат банклари кредитларини олишда кўмаклашиш.

4. 2018 йил 15 сентябрдан бошлаб шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

а) давлат мулки бўлган фойдаланилмаётган объектлар ўрнатилган тартибда сотилади, давлат-хусусий шериклик асосида, шу жумладан ижарага берилади;

б) фойдаланилмаётган объектлар мулкдорлари — юридик шахсларга қўйидаги таъсир чоралари қўлланилади:

содалаштирилган солиққа тортиш тартибидан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни умумбелгиланган тартибда тўлашга ўтказиш;

мол-мулк ва ер солиқларини икки карра миқдорда тўлаш, 6 ой ўтгандан сўнг — беш карра, 12 ой ўтгандан сўнг ва кейинчалик — ўрнатилган ставкага нисбатан ўн карра миқдорда тўлашга ўтказиш;

қонунчиликка мувофиқ тақдим этилган солиқ имтиёзлари ва преференциялар амал қилишини тўхтатиш.

5. Белгилаб қўйилсинки:

мазкур қарорнинг 4-банди «б» кичик бандида кўрсатилган таъсир чоралари идоралараро комиссия хулосасига асосан мулкдорнинг идоралараро комиссия хулосаси билан танишганидан кейинги ойдан бошлаб қўлланилади;

идоралараро комиссиянинг таъсир чораларини қўллаш ҳақидаги хулосасини чиқариш учун мулкдор томонидан фойдаланилмаётган объектдан самарали фойдаланиш бўйича таклифлар тақдим этилмаганлиги ёки фойдаланилмаётган объектдан самарали фойдаланиш бўйича тасдиқланган «йўл харитаси»нинг бажарилмаслиги асос бўлади;

идоралараро комиссия қарори комиссия аъзоларининг кўпчилик овози билан қабул қилинади, бунда идоралараро комиссия йиғилишида унинг аъзоларининг камида учдан икки қисми иштирок этиши шарт;

фойдаланилмаётган объектларнинг мулкдорлари Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳудудий органларининг тегишли сўровномаси келиб тушганидан кейин икки ой муддатда фойдаланилмаётган объектдан самарали фойдаланиш, шу жумладан ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш объектини барпо этиш, объектни аниқ ижарачиларга тақдим этиш, муайян инвесторлар (шериклар)ни жалб этиш бўйича чораларни, шунингдек, фойдаланилмаётган объект фаолиятини тиклашнинг аниқ муддатлари ва молиялаштириш манбаларини назарда тутадиган таклифларни тақдим этишлари шарт;

фойдаланилмаётган объектдан самарали фойдаланиш бўйича таклифлар



юқори турувчи ташкилот (мавжуд бўлган тақдирда) билан келишилган «йўл харитаси» кўринишида тақдим этилади;

фойдаланилмаётган объектдан самарали фойдаланиш бўйича «йўл харитаси» идоралараро комиссия ва балансда сақловчининг юқори турувчи ташкилоти (мавжуд бўлган тақдирда) томонидан очиқ муҳокама йўли билан, шунингдек, мулкдор, балансда сақловчи (уларнинг вакиллари) таклифларини инобатга олган ҳолда ва уларнинг иштирокида тасдиқланади;

мазкур қарорнинг 4-банди «б» кичик бандида назарда тутилган, оширилган ставкалар бўйича солиқлар идоралараро комиссия қарорига асосан фақат ишлаб чиқариш майдонлари ва ер участкаларининг товарлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқаришга жалб этилмаган қисмига нисбатан қўлланади.

6. Фойдаланилмаётган объектларни хўжалик фаолиятига жалб этиш схемалари 3-4-иловаларга\* мувофиқ маъқуллансин.

7. Белгилансинки, мазкур қарорнинг 4-банди «б» кичик бандида кўрсатилган таъсир чоралари қуйидаги мулкдорларга нисбатан қўлланилмайди:

конун ҳужжатлари билан тадбиркорлик субъектларига рухсат берувчи тусдаги ҳужжатларни бериш вазифаси юкланган давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг айбига кўра инвестиция лойиҳасини амалга ошира олмаган мулкдорларга;

фойдаланилмаётган объектдан самарали фойдаланиш бўйича «йўл харитаси»ни (инвестиция лойиҳасини) тақдим этган ва амалга оширишни бошланларга — идоралараро комиссиянинг мулкдор (унинг розилиги бўлган тақдирда бошқа ташаббускорлар, шу жумладан ижарага олувчилар) томонидан «йўл харитаси» (инвестиция лойиҳаси) тақдим қилинган, шунингдек, унинг амалга оширилиши ҳақидаги ҳулосаси санасидан кейинги календарь чоракликдан бошлаб.

8. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасига идоралараро комиссия ҳулосаси белгиланган тартибда етказилганидан кейинги ойнинг 10 санасига қадар фойдаланилмаётган объектларнинг мулкдорлари — солиқ тўловчилар томонидан тегишли шаклдаги солиқ ҳисоб-китоблари тақдим этилмаган тақдирда идоралараро комиссия ҳулосаси асосида мол-мулк ва ер солиқларини оширилган ставкалар бўйича ҳисоблаш ва ҳисобланган суммаларни уларнинг шахсий карточкаларига киритиш ҳуқуқи берилсин.

9. Қуйидагиларга:

идоралараро комиссиялар раҳбарларига — ўз фаолиятида холислик ва очиқлик принципларига амал қилиб, фойдаланилмаётган объектларни тиклаш бўйича амалга оширилаётган ишлар натижадорлигига алоҳида эътибор қаратган ҳолда, комиссияга юклатилган вазифа ва функцияларнинг сўзсиз ва сифатли бажарилиши учун;

туманлар (шаҳарлар) секторлари раҳбарларига — фойдаланилмаётган объектлар негизда инвестиция лойиҳаларини амалга оширадиган мулкдорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга кўмаклашиш, шунингдек, уларда юзага келадиган муаммоли масалаларни ҳал этиш учун;

---

\* 3-4-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасига — идоралараро комиссияларнинг ишчи органи функцияларини бажариш учун;

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасига — идоралараро комиссиянинг хулосаси чиқарилган мулкдорларга нисбатан мазкур қарорда назарда тутилган таъсир чораларининг ўз вақтида ва сўзсиз қўлланилиши учун;

идоралараро комиссиялар ва ишчи гуруҳлар аъзоларига — ўзлари вакил бўлган давлат бошқаруви органи ва ташкилотларнинг масъулият соҳалари бўйича жавобгарлик юклансин.

10. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Мактабгача таълим вазирлиги, Маданият вазирлиги, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги икки ой муддатда ўзларига тегишли бўлган фойдаланилмаётган объектларни танқидий таҳлил қилсин ва таҳлил натижаларига кўра объектлардан самарали фойдаланиш юзасидан аниқ чора-тадбирлардан иборат бўлган «йўл хариталари» ёки уларни туманлар (шаҳарлар) ҳокимликларига бериш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси бир ой муддатда фойдаланилмаётган объектлар бўйича маълумотлар базасини шакллантиришни ва электрон тарзда маълумот алмашишни, шунингдек, уларнинг мулкдорларига нисбатан таъсир чоралари қўлланилишини таъминласин.

12. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда ишчи гуруҳларнинг тегишли мурожаатидан сўнг бир ой давомида фойдаланилмаётган объектлар бўйича кадастр ҳужжатларининг расмийлаштирилишини таъминласин.

13. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ва Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги билан биргаликда мазкур қарор мазмун-моҳияти кенг ёритилишини ҳамда аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига етказилишини таъминласин.

14. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳар чоракда мазкур қарор ижроси бўйича кўрилаётган чоралар натижалари ва самарадорлиги тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига маълумот киритсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 5-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

16. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти

Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М. Мавлонов зим-масига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 4 сентябрь,  
ПҚ-3928-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2018 йил 4 сентябрдаги  
ПҚ-3928-сон қарорига  
5-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
«Тадбиркорларнинг ишлаб чиқариш майдонларидан  
фойдаланишларини янада рағбатлантириш чора-тадбирлари  
тўғрисида»ги 2017 йил 23 февралдаги ПҚ-2796-сон қарорига  
киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 1, 2, 3, 5, 6 ва 7-бандлар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

2. 4-банднинг учинчи ва тўртинчи хатбошилари қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«инвентаризациядан ўтказиш пайтида бинолар ва нотураржой хоналари умумий майдонининг 50 фоиздан кўпроғи (бир бино ёки нотураржой хонаси контури доирасида) товарлар ишлаб чиқариш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш)да фойдаланилмай келинган бўлса (мавсумий тусдаги фаолиятни амалга оширадиган корхоналар бундан мустасно), бўш турган объектлар ва фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонлари сифатида эътироф этилади;

қурилиши лойиҳа-смета ҳужжатида белгиланган норматив муддатларда тугалланмаган, қурилишнинг белгиланган норматив муддати мавжуд бўлмаган тақдирда — қурилиш бошланган санадан бошлаб 24 ой мобайнида қуриб битказилмаган ҳолларда кўчмас мулк объектлари қурилиши тугалланмаган объектлар сифатида эътироф этилади».

3. 1 ва 2-иловалар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**726 Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги тармоғини бошқариш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида\***

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги машинасозлиги тармоғини ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги техникаси ишлаб чиқарувчи корхоналарни модернизация қилиш ва техник қайта қуроллантириш, уларнинг маҳсулотлари рентабеллиги ва рақобатбардошлигини ошириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, мазкур тармоқдаги ишларнинг амалдаги ҳолати ишлаб чиқариш жараёнларини жадал янгилаш ва модернизация қилишга, илғор технологияларни жорий этиш ва бутун тармоқни изчил ривожлантиришга тўсқинлик қилувчи тизимли муаммо ва камчиликлар мавжуд эканлигидан далолат бермоқда.

Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги тармоғи корхоналарини бошқариш тизимини, шу жумладан мавжуд ташкилотлар тузилмасини оптималлаштириш, қишлоқ хўжалиги техникалари ишлаб чиқарувчиларнинг самарали фаолияти учун қулай ҳуқуқий, ташкилий шарт-шароитларни яратиш орқали такомиллаштириш талаб этилмоқда.

Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги тармоғини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш мақсадида, шунингдек, Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепцияси ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 майдаги «Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларга механизация ва сервис хизматларини кўрсатиш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–3751-сон қарорига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, «Ўзагротехсаноатхолдинг» АЖ, «Ўзагротехмаш» АЖ, «Ўзагролизинг» АЖ бошқарув органларининг қуйидагилар ҳақидаги таклифлари маъқуллансин:

«Ўзагротехмаш» АЖни «Ўзагротехсаноатхолдинг» АЖга ўрнатилган тартибда бирлаштириш орқали «Ўзагротехсаноатхолдинг» АЖ ва «Ўзагротехмаш» АЖнинг такрорланувчи вазифа ва тузилмаларини оптималлаштириш;

«Ўзагролизинг» АЖни «Ўзагротехсаноатхолдинг» АЖ ташкилий тузилмасидан чиқариш;

«Ўзагролизинг» АЖ устав фондидаги «Ўзагротехсаноатхолдинг» АЖга тегишли улушни кейинчалик берилаётган улушнинг баланс қийматига «Ўзаг-

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 5 сентябрда эълон қилинган.

ротехсаноатхолдинг» АЖ устав фондини камайтириш орқали давлат тасаруфига ўтказиш;

«Ўзагротехсаноатхолдинг» АЖ таркибига кирмайдиган қишлоқ хўжалиги ва бошқа турдаги техникалар (ускуналар) ишлаб чиқарувчиларнинг маҳсулотларини «Ўзагролизинг» АЖ Кузатув кенгаши томонидан белгиланадиган ҳажмда реализация қилишни ташкил этишни ҳам назарда тутувчи «Ўзагролизинг» АЖ фаолиятини кенгайтириш.

2. «Ўзагротехсаноатхолдинг» АЖ, «Ўзагротехмаш» АЖ, «Ўзагролизинг» АЖ Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарни қўллаб-қувватлаш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси билан биргаликда икки ой муддатда «Ўзагротехмаш» АЖни «Ўзагротехсаноатхолдинг» АЖга бирлаштириш ва «Ўзагролизинг» АЖни «Ўзагротехсаноатхолдинг» АЖ ташкилий тузилмасидан чиқариш билан боғлиқ барча ташкилий тадбирларнинг ўтказилишини таъминласин.

3. Белгилаб қўйилсинки:

«Ўзагротехсаноатхолдинг» АЖ қайта ташкил этилаётган «Ўзагротехмаш» АЖнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади;

«Ўзагротехмаш» АЖни «Ўзагротехсаноатхолдинг» АЖга бирлаштириш «Ўзагротехмаш» АЖ акцияларининг давлат пакетини «Ўзагротехсаноатхолдинг» АЖ устав капиталига номинал қийматда ўтказилгандан кейин амалга оширилади.

4. Қўйидагилар:

а) «Ўзагротехсаноатхолдинг» АЖ ривожланишининг устувор йўналишлари этиб белгилансин:

ички ва ташқи бозорларда тизимли маркетинг тадқиқотларини ўтказиш, қишлоқ хўжалиги учун талаб этиладиган, тежамкор агротехнологияларни жорий этишни таъминловчи, шу жумладан боғдорчилик, узумчилик, сабзавотчилик, полизчилик ва чорвачиликда қўлланиладиган турли хил замонавий техника ва механизация воситаларини ишлаб чиқариш ва етказиб беришни мувофиқлаштириш;

ишлаб чиқарилаётган қишлоқ хўжалиги техникалари рақобатбардошлигини ошириш, экспорт маҳсулотлари турларини ва етказиш ҳажмини кенгайтириш;

ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалиги машинасозлиги учун зарур моддий-техника ресурслари ҳамда эҳтиёт қисмлари билан таъминлашни ташкил этиш;

қишлоқ хўжалиги машинасозлиги соҳасида замонавий энергия ва металлларни тежовчи технологияларни жорий этиш ҳисобига замонавий юқори унумдор қишлоқ хўжалиги техникалари ва механизация воситаларини чиқариш бўйича янги ишлаб чиқаришни яратиш ва амалдагиларни модернизация қилишга қаратилган илмий-техникавий ва инвестициявий фаолиятни амалга ошириш;

«Ўзагротехсаноатхолдинг» АЖ таркибига кирувчи ташкилотлар ва бошқа ташкилотлар ўртасида илмий-техникавий ва ишлаб чиқариш кооперациясини ривожлантириш ва мувофиқлаштириш;

қишлоқ хўжалиги техникалари ишлаб чиқариш соҳасидаги кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш;

б) «Ўзагролизинг» АЖ ривожланишининг устувор йўналишлари этиб белгилансин:

лизинг олувчиларнинг лизинг асосида реализация қилинадиган замонавий қишлоқ хўжалиги ва бошқа техникаларга, ускуналар ҳамда мини технологияларга бўлган талабларини ўрганиш;

аграр йўналишдаги фаолиятнинг устуворлигини таъминлаган ҳолда лизинг фаолияти йўналишларини диверсификациялаш ва кенгайтириш;

замонавий, халқаро стандартларга жавоб берадиган лизинг хизматлари турларини ва инновацион молиявий маҳсулотларни жорий этиш;

агросаноат комплекси, иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарининг лизинг лойиҳалари ва тадбиркорликни молиялаштириш учун хорижий кредит линиялари ва халқаро молия институтларининг маблағларини жалб этиш;

лизинг хизматларини кўрсатиш соҳасига замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш ва кадрлар малакасини ошириш.

5. Қуйидагилар:

«Ўзагротехсаноатхолдинг» АЖнинг янгиланган ташкилий тузилмаси 1-иловага\* мувофиқ;

«Ўзагротехсаноатхолдинг» АЖ ижро этувчи аппаратининг бошқарув ходимлари чекланган сони 46 кишидан иборат бўлган тузилмаси 2-иловага\* мувофиқ маъқуллансин.

6. Белгилаб қўйилсинки:

«Ўзагротехсаноатхолдинг» АЖ ва «Ўзагролизинг» АЖ бошқарув раислари тегишли жамиятларнинг акциядорлари умумий йиғилишида сайланади, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тасдиқланади ҳамда мақоми, маиший, тиббий ва транспорт хизматлари шароитлари бўйича вазирга тенглаштирилади;

«Ўзагротехсаноатхолдинг» АЖ ва «Ўзагролизинг» АЖ бошқарув раисларининг ўринбосарлари тегишли жамиятларнинг кузатув кенгашлари томонидан сайланади, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тасдиқланади ҳамда мақоми, маиший, тиббий ва транспорт хизматлари шароитлари бўйича вазир ўринбосарига тенглаштирилади.

7. «Ўзагролизинг» АЖ, Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси Молия вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда халқаро молия институтлари ва хорижий ташкилотлар маблағларини қуйидагилар учун жалб этиш масаласини ишлаб чиқсин:

лизинг лойиҳаларини қайта молиялаш ва улар бўйича кафиллик бериш;

лизинг операцияларини молиялаштириш бўйича кредит линияларини очиш.

8. «Ўзагротехсаноатхолдинг» АЖ Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан биргаликда қайта ташкил этилаётган «Ўзагротехсаноатхолдинг» АЖ ва «Ўзагротехмаш» АЖ ходимларини иш билан таъминлашда ёрдам кўрсатсин.

---

\* 1-2-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 17 ноябрдаги «Ўзагротехсаноатхолдинг» акциядорлик жамияти фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–2658-сон қарорига 3-иловага мувофиқ ўзгартишлар киритилсин.

10. «Ўзагротехсаноатхолдинг» АЖ, «Ўзагролизинг» АЖ манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритилсин.

11. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Н.С. Отажонов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М. Мавлонов зиммасига юклансин.

### **Ўзбекистон Республикаси Президенти**

### **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 4 сентябрь,  
ПҚ–3929-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2018 йил 4 сентябрдаги  
ПҚ–3929-сон қарорига  
3-ИЛОВА

### **Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 17 ноябрдаги «Ўзагротехсаноатхолдинг» акциядорлик жамияти фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–2658-сон қарорига киритилаётган ўзгартишлар**

1. 1-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

2. 2-бандда:

иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзагролизинг» АЖ ва «Ўзагросервис» АЖнинг ташкилий тузилмалари 1б ва 1в-иловаларига мувофиқ;

учинчи ва тўртинчи хатбошилар чиқариб ташлансин;

бешинчи — еттинчи хатбошилар тегишинча учинчи — бешинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

3. 3-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«3. Белгилансинки, «Ўзагротехмаш» АЖ қайта ташкил этилаётган «Ўзагроросаноатмашхолдинг» ХКнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий ворис, «Ўзагросервис» АЖ — қайта ташкил этилаётган «Ўзагромашсервис» уюшмасининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий ворис, «Ўзагролизинг» АЖ — қайта ташкил этилаётган «Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг» АЛКнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий ворис ҳисобланади».

4. 4-банддан «Ўзагротехмаш» АЖ» сўзлари чиқариб ташлансин.
5. 14-банднинг иккинчи хатбошисидаги «Ўзагротехмаш» АЖ» сўзлари «Ўзагротехсаноатхолдинг» АЖ» сўзлари билан алмаштирилсин.
6. 17-банднинг иккинчи хатбошисидан «ва «Ўзагротехмаш» АЖ» сўзлари чиқариб ташлансин.
7. 1, 1а, 2 ва 3-иловалар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

### **727 Корпоратив, лойиҳа бошқаруви ва давлат харидлари соҳасида кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида\***

Олий таълим муассасалари ва олий ўқув юртидан кейинги таълим муассасаларида таълимнинг илғор усулларини жорий этиш, шунингдек, корпоратив, лойиҳа бошқаруви ва давлат харидлари соҳасида кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги ҳузуридаги Корпоратив бошқарув илмий-таълим марказининг номи Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги қошидаги Абу Райҳон Беруний номидаги Бизнес ва бошқарув республика олий мактаби деб ўзгартирилсин (кейинги ўринларда Бизнес ва бошқарув олий мактаби деб юритилади).

2. Бизнес ва бошқарув олий мактабига Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги (кейинги ўринларда — Миллий агентлик) билан келишилган ҳолда:

шу соҳадаги етакчи хорижий таълим муассасалари билан ушбу муассасаларнинг ўқув режалари ва дастурлари асосида Ўзбекистон Республикасида тан олинадиган давлат намунасидаги дипломлар берган ҳолда магистратура дастурлари юзасидан «икки диплом» (double degree) модели бўйича ўқишни ташкил этиш борасида келишувлар тузиш;

жаҳондаги таълим фаолиятига доир энг намунали амалиёт ва меҳнат бозорининг реал талабларини ҳисобга олган ҳолда норматив ва қисқартирилган муддатларда (анъанавий ва масофавий технологиялар), ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда магистратурада ўқишни ташкил этиш, шунингдек,

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 7 сентябрда эълон қилинган.



Бизнес ва бошқарув олий мактаби дастурлари бўйича ўқиш учун номзодларни танлаб олиш мезонларини белгилаш;

Бизнес ва бошқарув олий мактаби профессор-ўқитувчилари фаолиятининг турлари бўйича вақт меъёрларини, шунингдек, улар учун чекланган ўқув юкмасини белгилаш;

Бизнес ва бошқарув олий мактабининг тузилмаси, штатлар жадвали, ходимлари ва жалб этиладиган консультантлар (экспертлар) меҳнатига, шу жумладан, соатбай ҳақ тўлаш миқдори ва тизимини белгилаш ҳуқуқи берилсин.

3. Қуйидагилар Бизнес ва бошқарув олий мактаби фаолиятини молиялаштиришнинг манбалари этиб белгилансин:

тўлов-контракт асосида ўқитишдан тушадиган маблағлар;

хўжалик фаолияти ва шартнома асосида хизматлар кўрсатишдан тушадиган маблағлар;

бўш турган маблағларни тижорат банклари депозитларига жойлаштиришдан олинадиган даромадлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайрия маблағлари;

халқаро молия институтлари ва хорижий ташкилотларнинг грантлари;

қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

4. Олий таълим муассасаларига, олий ўқув юртидан кейинги таълим, кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш муассасаларига, уларнинг мулкчилик шакли ва бўйсунувидан қатъи назар, масофавий ўқитишни ташкил этиш ҳуқуқи берилсин.

5. Миллий агентлик:

а) 2018 йил 1 октябрга қадар муддатда:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда олий таълим муассасаларида, олий ўқув юртидан кейинги таълим, кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш муассасаларида масофавий ўқитишни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни;

Давлат ва хўжалик бошқаруви органларида, маҳаллий давлат ҳокимияти органларида, давлат корхоналари ва устав жамғармаси (капитали)да давлат улуши 50 фоиз ва ундан кўпроқ миқдорда бўлган юридик шахслар, устав жамғармаси (капитали)нинг 50 фоизи ва ундан кўпроқ миқдори давлат улуши 50 фоиз ва ундан кўпроқ бўлган юридик шахсга тегишли юридик шахсларда фаолият юритувчи давлат харидлари соҳасидаги мутахассисларни мажбурий сертификатлаштириш тўғрисидаги низомни, ушбу мутахассисларни мажбурий сертификатлаштиришни 2019 йил 1 мартдан амалга оширишни назарда тутган ҳолда;

б) 2018 йил 1 ноябрга қадар муддатда:

Бизнес ва бошқарув олий мактаби уставини, шу жумладан, унинг Вазирлик кенгаши таркибини;

Бизнес ва бошқарув олий мактабига ўқишга қабул қилиш ва ўқитишни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни;

Бизнес ва бошқарув олий мактаби профессор-ўқитувчилари таркибини танлаб олиш тартиби тўғрисидаги низомни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

6. Миллий агентликка:

лойиха ва корпоратив бошқарув, баҳолаш ва харид фаолиятида, лойиҳавий молиялаштириш, стратегик ва молиявий менежмент соҳасидаги давлат таълим стандартлари, шу жумладан, ўқув юкламаси ҳажмлари, малака талаблари, ўқув режалари ва дастурларини тасдиқлаш;

Бизнес ва бошқарув олий мактабининг магистратурасига ўқишга қабул қилиш квоталарини белгилаш;

Бизнес ва бошқарув олий мактабининг магистратурасига кириш имтиҳонларини ўтказиш шакллари, фанлар, дастурлар, натижаларни баҳолаш мезонлари рўйхатини тасдиқлаш ҳуқуқи берилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 30 сентябрдаги «Корпоратив бошқарув илмий-таълим маркази фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–2414-сон қарорининг 8-бандида назарда тутилган имтиёзларнинг амал қилиш муддати 2022 йил 1 июлга қадар узайтирилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 30 сентябрдаги «Корпоратив бошқарув илмий-таълим маркази фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–2414-сон қарорининг рус тилидаги матнида 4-банднинг тўртинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Предоставить директору Высшей школы бизнеса и управления право вносить, при необходимости, по согласованию с Национальным агентством проектного управления при Президенте Республики Узбекистан изменения в организационную структуру Высшей школы бизнеса и управления».

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 27 октябрдаги «Корпоратив бошқарув илмий-таълим марказининг самарали фаолиятини таъминлашга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги 305-сон қарори 1-бандининг иккинчи — тўртинчи хатбошилари, шунингдек, қарорнинг 1 — 3-иловалари 2018 йил 1 ноябрдан ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

10. Миллий агентлик манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин.

11. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов, Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М. Мавлонов, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги директорининг биринчи ўринбосари Д.Р. Ли ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.А. Абдуҳакимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 5 сентябрь,  
ПҚ–3930-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**728 Халқ таълими тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида\***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 сентябрдаги «Халқ таълими бошқарув тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5538-сон Фармониغا мувофиқ:

1. 2018 йил 1 ноябрдан бошлаб қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг (кейинги ўринларда Вазирлик деб юритилди) идоравий бўйсунувига ўтказилсин:

олий таълим муассасалари ҳузуридаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича ҳудудий марказлар;  
Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Республика мақсадли китоб жамғармаси.

2. Вазирликнинг Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар халқ таълими бошқармалари ва Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармасининг методик хизмат бўлимларини, шунингдек, туман (шаҳар) халқ таълими бўлимларининг ўқув-тарбия жараёнини методик таъминлаш шўъбаларини тугатиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

3. Қуйидагилар ташкил этилсин:

а) халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича ҳудудий марказлар тузилмасида методик хизмат бўлимлари;

б) Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар халқ таълими бошқармалари ва Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ҳузурида юридик шахс мақомисиз туманлараро умумтаълим муассасаларини методик таъминлаш марказлари;

в) Вазирликнинг марказий аппарати таркибида вазирнинг Назорат-ҳуқуқий хизмати, қуйидагилар унинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг халқ таълими муассасалари фаолиятига асоссиз аралашувига, педагог кадрларнинг шаъни ва кадр-қиммати камситилишига, уларнинг меҳнатга мажбурланишига, таълим-тарбия жараёнига тўсқинлик қилишнинг ҳар қандай шаклларига, ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ҳуқуқлари бузилишига йўл қўймаслик бўйича қонун ҳужжатларида назарда тутилган чораларни кўриш;

халқ таълими муассасаларида ички назоратни амалга ошириш, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ва бошқа қонунга хилоф ҳаракатлар содир этилишининг, шунингдек, Вазирлик тизими ходимлари томонидан касбга оид одоб-ахлоқ қоидалари бузилишининг олдини олиш ва профилактика қилиш.

4. Вазирлик ҳузурида қуйидагилар тузилсин:

а) давлат унитар корхонаси шаклидаги Халқ таълими соҳасида лойиҳа

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 6 сентябрда эълон қилинган.

хужжатларига техник топшириқларни ишлаб чиқиш ва қурилиш объектлари сифатини мониторинг қилиш бўйича инжиниринг компанияси.

Белгилаб қўйилсинки:

«Халқ таълими соҳасида лойиҳа хужжатларига техник топшириқларни ишлаб чиқиш ва қурилиш объектлари сифатини мониторинг қилиш бўйича инжиниринг компанияси» ДУК ишлар ва хизматларнинг ягона етказиб берувчиси ҳисобланади, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузуридаги ягона буюртмачи хизматлари у билан лойиҳа хужжатларига техник топшириқларни ишлаб чиқиш ва қурилиш объектлари сифатини мониторинг қилиш бўйича тўғридан-тўғри шартномалар тузади, ушбу шартномалар махсус ахборот порталида рўйхатдан ўтказилиши шарт;

манзилли рўйхатларга киритилган давлат умумий ўрта таълим муассасаларини (кейинги ўринларда — умумтаълим муассасалари) қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш қийматидан ажратмалар «Халқ таълими соҳасида лойиҳа хужжатларига техник топшириқларни ишлаб чиқиш ва қурилиш объектлари сифатини мониторинг қилиш бўйича инжиниринг компанияси» ДУКнинг даромад манбалари ҳисобланади;

б) юридик шахс мақомисиз Халқ таълими соҳасидаги ислохотларга кўмаклашиш жамғармаси (кейинги ўринларда — Кўмаклашиш жамғармаси).

Қуйидагилар Кўмаклашиш жамғармаси маблағларини шакллантириш манбалари этиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ҳар йили, шу жумладан 2018 йил сентябрь ойида, 100 миллиард сўм миқдорида ажратиладиган маблағлар;

муассиси Вазирлик ҳисобланган корхоналар ихтиёрида солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўланганидан кейин қоладиган соф фойда;

умумтаълим муассасаларининг мол-мулкани сотишдан тушган маблағларнинг 100 фоизи;

халқ таълими муассасалари фаолиятини текшириш натижалари бўйича Вазирликнинг ички аудит хизматлари томонидан аниқланган ва Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармалари ва бюджетдан ташқари жамғармалар даромадига ундирилган ноқонуний сарфланган бюджет маблағларининг, талон-торож, растраталар, камомадлар суммаларининг 50 фоизи;

халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича ҳудудий марказлар томонидан ташкил этилган халқ таълими тизими ходимларини қайта тайёрлаш курсларида ўқитишдан тушадиган маблағларнинг 5 фоизи;

халқ таълими муассасаларининг бюджетдан ташқари жамғармаларига тушадиган маблағларнинг 5 фоизи;

Кўмаклашиш жамғармасининг вақтинча бўш маблағларини жойлаштиришдан олинadиган даромадлар;

давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга оширишдан, шунингдек, Вазирликнинг ҳудудий бўлинмалари ва идоравий бўйсунувидаги ташкилот-

лар томонидан умумий ўрта ва мактабдан ташқари таълим соҳасида нодавлат хизматларни кўрсатиш билан шуғулланувчи юридик шахсларга (кейинги ўринларда — нодавлат умумтаълим ташкилоти) кўрсатиладиган пулли хизматлардан олинadиган даромадларнинг бир қисми;

юридик ва жисмоний шахсларнинг, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг хомийлик хайриялари;

халқаро молия ташкилотлари ва хорижий давлатларнинг грантлари ва техник кўмаклашиш маблағлари;

конун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа маблағлар.

Белгилаб қўйилсинки, Кўмаклашиш жамғармасининг маблағлари қуйидаги мақсадларга сарфланади:

Вазирлик, унинг ҳудудий бўлинмалари ва идоравий бўйсунувидаги ташкилотлар ходимларига устамалар, мукофотлар ва бошқа рағбатлантирувчи тўловлар тўлаш;

фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар асосида юқори малакали мутахассисларни, шу жумладан хорижий экспертлар ва хорижда яшайдиган ватандошларни Вазирликда ишлаш учун жалб этиш;

Вазирлик, унинг ҳудудий бўлинмалари ва идоравий бўйсунувидаги ташкилотлар балансидagi бино ва иншоотларни сақлаш, улардан фойдаланиш, уларни куриш ва таъмирлаш, зарур анжомлар, шу жумладан мебель, алоқа, компьютерлар ва бошқа воситалар билан таъминлаш бўйича харажатларни молиялаштириш;

Вазирлик ходимларини, шу жумладан хорижий давлатларнинг илмий-тадқиқот, таълим ва бошқа муассасаларида ўқитиш, малакасини ошириш ва стажировкадан ўтказиш;

Вазирлик, унинг ҳудудий бўлинмалари ва идоравий бўйсунувидаги ташкилотлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш;

Вазирлик ходимларига мамлакатда ва хориждаги хизмат сафарлари харажатларини тўлаб бериш;

Вазирлик фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган бошқа тадбирлар;

в) 2019 йил 1 январдан бошлаб юридик шахс мақомига эга Халқ таълимини ривожлантириш жамғармаси (кейинги ўринларда — Ривожлантириш жамғармаси).

Қуйидагилар Ривожлантириш жамғармаси маблағларини шакллантириш манбалари этиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларида умумий ўрта ва мактабдан ташқари таълим соҳасини молиялаштириш учун ҳар йили назарда тутилadиган маблағларнинг камида 6 фоизи;

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари маблағлари;

жисмоний ва юридик шахсларнинг, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг хомийлик хайриялари;

халқаро молия ташкилотлари ва хорижий давлатларнинг грантлари ва техник кўмаклашиш маблағлари;

Ривожлантириш жамғармасининг вақтинча бўш маблағларини жойлаштиришдан тушадиган даромадлар ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа тушумлар.

Белгилансинки, Ривожлантириш жамғармасининг маблағлари қуйидаги мақсадларга сарфланади:

умумтаълим муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш, шу жумладан зарурат бўлганда ўқув корпусларини ўқув устаналари ва лабораториялар ташкил этган ҳолда кенгайтириш, спорт заллари ва майдончаларини ҳамда бошқа инфратузилма объектларини барпо этиш бўйича ишларни молиялаштириш;

замонавий талабларни ҳисобга олган ҳолда ва тасдиқланган нормативлардан келиб чиқиб, умумтаълим муассасаларини энг янги ўқув-лаборатория, илмий ва ишлаб чиқариш ускуналари, мусиқа асбоблари, спорт ускуналари ва анжомлари, компьютер техникаси ҳамда ўқув ахборот-коммуникация технологияларининг бошқа элементлари, шунингдек, ўқув мебелли ва анжомлари билан жиҳозлашни (қўшимча жиҳозлашни) молиялаштириш;

унинг ижроия дирекциясини Вазирлик томонидан тасдиқланадиган йиллик харажатлар сметасига мувофиқ таъминлаш.

5. Белгилаб қўйилсинки:

2019 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари Кўмаклашиш жамғармасига истеъмол нархларининг тегишли йилдаги прогноз индексига тенг коэффициентни қўллаган ҳолда ажратилади;

2018 — 2020 йилларда Кўмаклашиш жамғармаси маблағларининг камида 50 фоизи халқ таълими тизимини ва умумтаълим муассасаларида ўқув жараёнини рақамлаштириш бўйича харажатларни қоплашга йўналтирилади;

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг халқ таълими муассасаларини молиялаштириш учун назарда тутилган охиригача фойдаланилмай қолган бюджет маблағлари ҳисобига шакллантирилган қўшимча манбалари умумтаълим муассасаларини ривожлантириш бўйича тадбирларни амалга оширишга йўналтирилади;

штат бирликларини қисқартириш, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва бошқа харажатларни оптималлаштириш ҳисобидан бўшатишга маблағлардан фақат Вазирлик томонидан фойдаланилади;

2020 йил 1 январдан бошлаб халқ таълими муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш, капитал ва жорий таъмирлаш, уларга туташ ҳудудларни ободонлаштиришда буюртмачи функцияси «Халқ таълими соҳасида лойиҳа ҳужжатларига техник топшириқларни ишлаб чиқиш ва қурилиш объектлари сифатини мониторинг қилиш бўйича инжиниринг компанияси» ДУКнинг ҳудудий бўлинмаларига ўтади.

6. Вазирлик ҳузуридаги Мультимедиа умумтаълим дастурларини ривожлантириш марказининг номи Халқ таълими соҳасида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш маркази деб ўзгартирилсин, Вазирликка, унинг ҳудудий бўлинмалари ва идоравий бўйсунувдаги ташкилотларга ҳамда умумтаълим муассасаларига Марказ билан тўғридан-тўғри шартнома-

лар тузиш ҳуқуқи берилсин, ушбу шартномалар махсус ахборот порталида рўйхатдан ўтказилсин.

7. Қўйидагилар Вазирликнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

умумий ўрта ва мактабдан ташқари таълим соҳасида ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, ўқувчиларнинг маънавий-ахлоқий, интеллектуал ва жисмоний ривожланиши даражасини янада ошириш;

умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартларига ва мактабдан ташқари таълимга қўйиладиган давлат талабларига мувофиқ умумтаълим муассасалари фаолиятига методик раҳбарлик қилиш;

ўқитувчи касбининг мақоми ва обрўсини ошириш, умумтаълим муассасалари, шунингдек, халқ таълими тизими ходимларини моддий ва ижтимоий қўллаб-қувватлашни таъминлаш, уларнинг самарали ишлаши учун муносиб шарт-шароитлар яратиш;

ўқувчиларнинг ўқув, психологик ва жисмоний юктамаларини оптималлаштиришни ҳисобга олган ҳолда ўқув-тарбия жараёнига таълимнинг инновацион шаклларини, замонавий педагогик ва ахборот технологияларини, касбга йўналтириш, таълим ва тарбиянинг самарали усулларини жорий этиш;

умумтаълим муассасаларида чет тилларини ўқитиш самарадорлигини таъминлашга йўналтирилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш;

мазмун ва сифат жиҳатидан халқаро талабларга жавоб берадиган, илғор педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини қўллаган ҳолда янгиланган ўқув режалари ва дастурларига мувофиқ ишлаб чиқилган ўқув ва ўқув-методик адабиётларнинг янги авлодини тайёрлаш ва нашр этишни ташкил қилиш;

таълим хизматлари нодавлат секторини янада ривожлантириш, халқ таълими соҳасида давлат-хусусий шериклик учун қулай шарт-шароитлар яратиш;

педагог кадрларни танлаш, тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг маънавий-ахлоқий ва ижтимоий-психологик реабилитациясини ва ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш, уларнинг жамиятга интеграциялашувига кўмаклашиш ва ижтимоий-меҳнат кўникмаларини ривожлантириш;

Меҳрибонлик уйлари фаолиятини такомиллаштириш, ота-оналар қаровисиз қолган болаларнинг ижтимоий-психологик реабилитациясини ва ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш, уларнинг жамиятга интеграциялашувига кўмаклашиш ва ижтимоий-меҳнат кўникмаларини ривожлантириш;

ривожланишида турли нуқсонлар бўлган ҳамда даволанишга ва соғломлаштиришга муҳтож бўлган болаларнинг ижтимоий кафолатларини таъминловчи чора-тадбирлар самарадорлигини янада ошириш, уларнинг таълим-тарбия (шу жумладан, инклюзив таълим-тарбия) олишига хизмат қиладиган мослашув муҳитини яратиш, имконияти чекланган болалар учун ихтисослаштирилган таълим муассасалари (мактаблар, мактаб-интернатлар) фаолиятини такомиллаштириш;

ўқувчиларни умуминсоний қадриятлар, юксак маънавият, инсонпарвар-

лик руҳида тарбиялаш, уларнинг қалби ва онгига мустақиллик ғояларини янада чуқур синдириш, миллий менталитетга ёт ғояларга қарши иммунитетни мустаҳкамлаш;

умумий ўрта ва мактабдан ташқари таълим муассасалари томонидан давлат таълим стандартлари ва талаблари бажарилишини тизимли мониторинг қилиш;

умумтаълим мактабларининг 10-11-синф ўқувчиларини касбга ўқитишни таъминлаш бўйича фаолиятни мувофиқлаштириш;

таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, таълим муассасаларида бино ва иншоотлардан самарали фойдаланиш ишларини мувофиқлаштириш ва мониторинг қилиш.

#### 8. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг ташкилий тузилмаси 1-иловага\* мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги марказий аппаратининг тузилмаси 2-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

9. Вазирлик тизими бошқарув ходимларининг чекланган сони ўтказилаётган халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий марказлари ходимлари сонини инobatга олмаган ҳолда 2 384 нафар, шу жумладан Вазирликнинг марказий аппарати ходимлари сони 140 нафар, шунингдек, ишлаб чиқариш ходимлари сони 3 552 нафар этиб белгилансин.

Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирлиги:

Вазирлик марказий аппаратининг тасдиқланган тузилмасига бошқарув ходимларининг белгиланган умумий сони доирасида ўзгартиришлар киритиш;

Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар халқ таълими бошқармалари, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси, туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари, бошқа идоравий бўйсунувдаги ташкилотларнинг низомлари ва тузилмаларини, шунингдек, улар бошқарув ходимларининг чекланган сонини тасдиқлаш;

Кўмаклашиш жамғармасининг маблағлари ҳисобидан Вазирлик ва унинг ҳудудий бўлинмалари ва идоравий бўйсунувдаги ташкилотларнинг бошқарув ходимлари штатига қўшимча мутахассис бирликларини киритиш;

педагог кадрларни танлаш, тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тартибини белгилаш;

умумтаълим муассасаларининг ўқув ва ўқув-методик комплексларини нашр этиш ва етказиб бериш тартибини белгилаш;

Вазирликка юклатилган вазифалар ва функцияларни бажариш доирасида Кўмаклашиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан давлат органлари ва ташкилотлари, лойиҳа институтлари, илмий ва олий таълим муассасалари, етакчи халқаро ва хорижий ташкилотларнинг мутахассисларини, шунингдек, уларнинг халқ таълими соҳасидаги экспертларини консультантлар сифатида жалб этиш;

---

\* 1-2-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.



малакали маҳаллий ва хорижий мутахассисларни, хорижда фаолият юритаётган ватандошларни ишга қабул қилиш;

халқ таълими тизимини молиялаштириш учун зарур харажатлар бўйича таклифларни шакллантириш ҳамда, зарур бўлганда, хорижий қарз, грантлар ва бошқа маблағларни жалб этиш тадбирларини амалга ошириш;

Вазирликнинг, унинг ҳудудий бўлинмалари ва идоравий бўйсунувдаги ташкилотларнинг, шунингдек, умумтаълим муассасаларининг кўчмас мулки ва бошқа мулкни самарали бошқаришни ташкил этиш;

идоравий бўйсунувдаги ташкилотлар, шунингдек, умумтаълим ва мактабдан ташқари муассасаларни ташкил этиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш ҳуқуқи берилсин.

10. Вазирлик, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Савдо-саноат палатаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг халқ таълими тизимида давлат-хусусий шерикликнинг қуйидаги шаклларини жорий этиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин:

нодавлат умумтаълим ташкилотлари биноларини қуриш учун беғараз асосда доимий фойдаланиш учун ер участкаларини бериш;

мавжуд умумтаълим муассасаларини реконструкция қилиш ва жиҳозлаш шарти билан нодавлат умумтаълим муассасалари объектларини қуриш учун ер участкаларини беғараз бериш;

юкланганлик коэффициенти паст бўлган ёхуд реконструкция қилиш ёки таъмирлашни (қайта жиҳозлашни) талаб этадиган мавжуд умумтаълим муассасаларини ижарага бериш;

концессия асосида қурилиш учун ер участкаси ёки реконструкция қилиш ва жиҳозлаш учун бино ажратиш;

бўш турган давлат мулки объектларини, шу жумладан фаолият кўрсатмаётган умумтаълим муассасаларининг биноларини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда «нол» харид қийматида сотиш;

хусусий шерикнинг мулки негизида ташкил этилган нодавлат умумтаълим ташкилотларини моддий-техник ва молиявий таъминлаш.

Белгилаб қўйилсинки:

халқ таълими соҳасида давлат-хусусий шериклик Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган бошқа шаклларда ҳам амалга оширилиши мумкин;

давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги келишув Вазирлик томонидан ўтказиладиган танлов натижалари асосида тузилади. Мазкур банднинг еттинчи хатбошисида назарда тутилган ҳолда танлов ўтказилмайди;

хусусий шерик билан давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги келишувни давлат томонидан шерик сифатида Вазирлик тузади ва хусусий шерик томонидан келишув шартларининг бажарилишини мониторинг қилади;

умумтаълим ва мактабдан ташқари муассасаларнинг ер участкалари ва кўчмас мулкни Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири билан келишмасдан беғоналаштириш тақиқланади.

11. Белгилансинки, хусусий шерик зиммасига давлат-хусусий шериклик шаклидан келиб чиққан ҳолда инвестиция мажбуриятларининг қуйидаги турлари юкланиши мумкин:

ижтимоий кўмакка муҳтож оилалардан муайян миқдордаги ўқувчиларни имтиёзли равишда ўқитиш;

ўзига ўтказилаётган умумтаълим муассасаларининг мавжуд ўқувчилар контингентини сифатли ўқитишни таъминлаш;

хусусий шерикка бириктирилган умумтаълим муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш ишларини амалга ошириш;

болаларни болалар ёзги соғломлаштириш оромгоҳларига юбориш;

ўқувчиларни замонавий дарсликлар, мактаб формаси, анжомлар ва бошқа мактаб буюмлари билан таъминлаш;

давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги келишувда назарда тутиладиган бошқа мажбуриятлар.

12. Давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги келишувларнинг амал қилиш муддатлари қуйидагича белгилансин:

нодавлат умумтаълим муассасалари биноларини қуриш учун беғараз асосда доимий фойдаланиш учун ер участкалари берилганда — камида 30 йил;

мавжуд умумтаълим муассасаларини реконструкция қилиш ва жиҳозлаш шарти билан нодавлат умумтаълим муассасалари объектларини қуриш учун ер участкалари беғараз берилганда — камида 20 йил;

юкланганлик коэффиценти паст бўлган ёхуд реконструкция қилиш ёки таъмирлашни (қайта жиҳозлашни) талаб этадиган мавжуд умумтаълим муассасалари ижарага берилганда — камида 30 йил;

концессия асосида қурилиш учун ер участкаси ёки реконструкция қилиш ва жиҳозлаш учун бинолар берилганда — 15 йилгача;

бўш турган давлат мулки объектлари, шу жумладан фаолият кўрсатмаётган умумтаълим муассасаларининг бинолари «нол» харид қийматида сотилганда — камида 30 йил;

умумтаълим муассасаларининг фойдаланилмаётган бинолари (ёки уларнинг бир қисми) хусусий шерикларга мақсадли фойдаланиш учун ижара тўловининг «нол» ставкаси билан ижарага берилганда — 30 йилгача;

хусусий шерикнинг мулки негизида ташкил этилган нодавлат умумтаълим ташкилотлари моддий таъминланганда — камида 10 йил.

Тадбиркорлик субъектларига давлат-хусусий шериклик шартларида берилган объектларда фаолият бошлаган нодавлат умумтаълим ташкилотининг келишувнинг амал қилиш муддати давомида ўз фаолиятини қайта ихтисослаштириши тақиқланади.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 15 сентябрдаги «Нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–3276-сон қарорида назарда тутилган имтиёзларнинг амал қилиш муддати 2025 йил 1 январга қадар узайтирилсин.

Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган, белгиланган тартибда шакллантириладиган рўйхатлар бўйича нодавлат умумтаълим муассасаларини жиҳозлаш ва фаолиятини таъминлаш учун олиб кириладиган замонавий ўқув ва лаборатория ускуналари, компьютер техникаси, дастурий маҳсулотлар, ўқув ва илмий-методик адабиётлар, анжомлар ва моддий-техник ресурслар 2025 йил 1 январга қадар муддатга божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви учун йиғимлар бундан мустасно);

Вазирлик ўқитувчиларнинг ўз касб фаолиятини амалга ошириши чоғида ҳуқуқ ва эркинликлари бузилганлиги тўғрисидаги даъволар бўйича давлат божи тўлашдан озод қилинсин.

14. Ички ишлар вазирлиги Вазирликнинг буюртманомалари бўйича хорижий ўқитувчилар ва мутахассисларга, шунингдек, уларнинг оила аъзоларига белгиланган тартибда кўп марталиқ визалар берилиши ва узайтирилишини, шунингдек, Ўзбекистон Республикасидаги турар жойи бўйича вақтинча прописка қилиниши ва вақтинча прописка муддати узайтирилишини таъминласин.

15. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Вазирликнинг буюртманомаларига мувофиқ республикага хорижий ўқитувчилар ва мутахассисларни жалб этиш учун белгиланган тартибда рухсатнома берилишини (узайтирилишини), шунингдек, ушбу хорижий фуқароларга Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига тасдиқномалар берилишини (узайтирилишини) таъминласин.

16. 2018/2019 ўқув йилидан бошлаб А.Авлоний номидаги Халқ таълими тизими раҳбар ва мутахассис ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида умумтаълим муассасалари раҳбарларини халқ таълими соҳасида менежерлик кўникмаларини шакллантириш курслари (кейинги ўринларда — курслар) ташкил этилсин.

Вазирлик:

бир ой муддатда курсларни ташкил этиш тартибини тасдиқласин;

умумтаълим муассасалари раҳбарлари халқ таълими тизими раҳбар кадрлари малакасини ошириш учун назарда тутилган маблағлар доирасида босқичма-босқич курсларда ўқитилишини таъминласин.

17. Вазирлик ва Қурилиш вазирлиги 2019 йил 1 мартга қадар муддатда халқ таълими муассасалари бино ва иншоотларининг ҳолатини ялпи хатловдан ва техник кўриқдан ўтказсин ҳамда натижалари бўйича ушбу муассасаларни реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш, мебель, инвентарь ва бошқа техника воситалари билан жиҳозлашнинг 2020 — 2022 йилларга мўлжалланган манзилли дастурини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Белгилансинки, умумтаълим муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлашнинг манзилли рўйхатлари ҳар йили Вазирлик томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда шакллантирилади ҳамда навбатдаги йилги Ўзбекистон Республикасининг ривожланиш давлат дастурларига киритилади.

18. 2018 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар дастури 3-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

Вазирлик ва идоралар раҳбарлари зиммасига чора-тадбирлар дастурида назарда тутилган тадбирлар ўз вақтида ва самарали амалга оширилиши учун шахсий жавобгарлик юклансин.

19. Вазирлик:

а) Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Мактабгача таълим вазирлиги, «Ўзбеккино» миллий агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги билан биргаликда 2018 йил 1 ноябрга қадар муддатда ўқитувчи касбининг нуфузи ва ижтимоий мақомини ошириш бўйича маърифий дастурни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин, унда қуйидагилар назарда тутилсин:

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг «Madaniyat va ma'rifat» телеканалини таълим тизимининг бош ахборот шериги этиб белгилаш;

жамиятда ўқитувчи касбининг нуфузини кенг тарғиб қилиш, ўқувчилар эришаётган ютуқларни оммалаштириш, таълим соҳасидаги долзарб муаммоларни ёритиш, махсус телевизион таълим дастурларини узатиш бўйича тизимли ишларни йўлга қўйиш;

махаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, вазирлик ва идоралар, шунингдек, таълим муассасалари фаолияти билан боғлиқ бошқа ташкилотлар раҳбарларининг телевидение ва бошқа оммавий ахборот воситаларида мамлакатда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини тушунтириш юзасидан чиқишларини ташкил этиш;

б) Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси билан биргаликда 2019 йил 1 январга қадар муддатда умумтаълим муассасалари мулкани пухта хатловдан ўтказсин ва натижалари бўйича улардан самарали фойдаланиш бўйича «йўл хариталари»ни тасдиқласин;

в) Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан биргаликда уч ой муддатда 2019 йил 1 сентябрдан бошлаб директорлар менежерлик кўникмаларига эга бўлишига доир мажбурий талабни ўз ичига олган директорларни сертификатлаштириш тизимини босқичма-босқич жорий этишни, шунингдек, директор ўринбосарларининг масъулиятини оширишни назарда тутган ҳолда умумтаълим муассасалари раҳбарларига қўйиладиган малака талабларини қайта кўриб чиқсин.

20. Қуйидагиларга:

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.А. Абдуҳакимов зиммасига ушбу қарорга мувофиқ ташкил этилаётган муассасалар ва ташкилотлар фаолияти самарали ва тўлақонли ташкил этилиши, улар ишида юзага келадиган муаммолар ўз вақтида ҳал этилиши учун;

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — молия вазири Ж.А. Қўчқоров зиммасига ушбу қарорда назарда тутилган, шу жумла-

---

\* 3-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

дан Вазирликнинг тегишли жамғармаларига ўтказилиши шарт бўлган зарур маблағлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда ажратилиши учун;

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси раиси С.Р. Холмурадов зиммасига халқ таълими тизими муассасаларининг реал эҳтиёжлари 2019 йил ва кейинги йилларда Ўзбекистон Республикасининг ривожлантириш давлат дастурларига тўлиқ киритилиши, халқ таълимини, шу жумладан муваффақиятли халқаро мактаб тармоқларини ривожлантириш учун халқаро грантлар ва хорижий инвестициялар жалб этилиши учун шахсий жавобгарлик юклансин.

21. Молия вазирлиги ушбу қарорни амалга ошириш учун зарур маблағларни 2018 йилда ажратсин, 2019 йилдан бошлаб эса ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларида назарда тутсин.

22. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

бир ой муддатда Вазирлик тўғрисидаги низомни, шу жумладан унинг раҳбарлари, ходимлари ва бўлинмалари фаолияти самарадорлигини баҳолаш тизимини тасдиқласин;

2018 йил 1 декабрга қадар Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Мактабгача таълим вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ўртасида узлуксиз таълимни таъминлаш соҳасида идоралараро ҳамкорликнинг самарали ва барқарор механизмни ишлаб чиқсин ва жорий этсин.

23. Қўйидагилар:

Вазирликнинг марказий аппарати Тошкент шаҳар, Шайхонтохур тумани, Шайхонтохур кўчаси, 3-уйда;

«Халқ таълими соҳасида лойиҳа ҳужжатларига техник топшириқларни ишлаб чиқиш ва қурилиш объектлари сифатини мониторинг қилиш бўйича инжиниринг компанияси» ДУК Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Буюк Ипак йўли кўчаси, 243-уйда жойлаштирилсин.

24. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги ПҚ–3304-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Республика таълим маркази ҳамда Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик таълим республика маркази ходимларига Вазирликнинг тегишли лавозимлари учун назарда тутилган меҳнатга ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш шартлари татбиқ этилсин.

25. Вазирлик Адлия вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

26. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов, Ўзбекистон Республикаси

Президентининг маслаҳатчиси А.А. Абдуваҳитов, Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М. Мавлонов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.А. Абдуҳакимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 5 сентябрь,  
ПҚ-3931-сон

## УЧИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

## 729 Бутунжаҳон Интернет тармоғида ахборот хавфсизлигини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида\*

«Ахборотлаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ, шунингдек, бутунжаҳон Интернет тармоғида (кейинги ўринларда Интернет тармоғи деб аталади) ахборот хавфсизлигини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш, ахборот соҳасида шахс, жамият ва давлат манфаатларини муҳофаза қилиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 12<sup>1</sup>-моддасига мувофиқ веб-сайтдан ва (ёки) веб-сайтлардан ва (ёки) саҳифаларидан фойдаланиш махсус ваколатли орган — Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги томонидан қўйидаги ҳолларда чекланиши мумкинлиги маълумот учун қабул қилинсин:

Ўзбекистон Республикасининг мавжуд конституциявий тузумини, ҳудудий яхлитлигини зўрлик билан ўзгартиришга даъват этиш;

уруш, зўравонлик ва терроризмни, шунингдек, диний экстремизм, сепаратизм ва фундаментализм ғояларини тарғиб қилиш;

давлат сири бўлган маълумотларни ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ошкор этиш;

миллий, ирқий, этник ёки диний адоват кўзғатувчи, шунингдек, фуқароларнинг шаъни ва қадр-қимматига ёки ишчанлик обрўсига путур етказувчи, уларнинг шахсий ҳаётига аралашишга йўл қўювчи ахборотни тарқатиш;

гиёҳхандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни тарғиб қилиш;

порнографияни тарғиб қилиш;

қонунга мувофиқ жиноий ва бошқа жавобгарликка сабаб бўладиган бошқа ҳаракатларни содир этиш.

2. Қўйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан тарқатилиши тақиқланган ахборот мавжуд бўлган Интернет тармоғи веб-сайтидан ва (ёки) веб-

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 6 сентябрда эълон қилинган.

сайт саҳифаларидан фойдаланишни чеклаш тартиби тўғрисида низом 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан тарқатилиши тақиқланган ахборот мавжуд бўлган Интернет тармоғи веб-сайтидан ва (ёки) веб-сайт саҳифаларидан фойдаланишни чеклаш схемаси 2-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг Оммавий коммуникациялар соҳасидаги мониторинг маркази Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан тарқатилиши тақиқланган ахборот мавжуд бўлган Интернет тармоғи Реестрини (кейинги ўринларда Реестр деб аталади) шакллантирувчи ва юритувчи ваколатли орган этиб белгилансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги:

Реестрга киритилган Интернет тармоғи ресурсларидан фойдаланишни чеклаш бўйича ташкилий ва техник чора-тадбирлар кўрсин;

Реестрни юритиш бўйича идоралараро ахборот алмашиниш ва Реестрга киритилган Интернет тармоғи ресурсларидан фойдаланишни чеклаш бўйича тезкор чоралар кўришни таъминловчи ахборот тизимини уч ой муддатда ишлаб чиқсин ва жорий этсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 3-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири Ш.М. Садиков ҳамда Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги бош директори Л.Х. Тангриев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 5 сентябрь,  
707-сон

---

\* 2-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.



Вазирлар Маҳкамасининг  
2018 йил 5 сентябрдаги 707-сон қарорига  
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан тарқатилиши  
тақиқланган ахборот мавжуд бўлган Интернет тармоғи  
веб-сайтидан ва (ёки) веб-сайт саҳифаларидан  
фойдаланишни чеклаш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан тарқатилиши тақиқланган ахборотга (кейинги ўринларда тақиқланган ахборот деб аталади) эга бутунжаҳон Интернет тармоғи веб-сайтидан ва (ёки) веб-сайт саҳифаларидан (кейинги ўринларда Интернет тармоғи ахборот ресурслари деб аталади) фойдаланишни чеклаш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомнинг амал қилиши Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фойдаланиш мумкин бўлган барча Интернет тармоғи ахборот ресурсларига татбиқ этилади.

3. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**Интернет тармоғи барча ахборот ресурслари идентификация маълумотлари** — ноёб домен номлари, Интернет ахборот тармоғида идентификациялашга имкон берадиган веб-сайт саҳифалари кўрсаткичлари ва тармоқ манзиллари;

**фойдаланишни чеклаш** — фойдаланувчининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муайян Интернет тармоғи ахборот ресурсидан фойдаланишни тўхтатишга доир ташкилий ва дастурий-техник чора-тадбирлар мажмуаси;

**тақиқланган ахборот мавжуд бўлган бутунжаҳон Интернет тармоғи ахборот ресурслари Реестри** (кейинги ўринларда Реестр деб аталади) — тақиқланган ахборот мавжуд бўлган Интернет тармоғи ахборот ресурслари рўйхати.

4. Интернет тармоғи ахборот ресурсларидан фойдаланишни чеклаш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

тақиқланган ахборот мавжуд бўлган Интернет тармоғи ахборот ресурсларини аниқлаш;

тақиқланган ахборот мавжуд бўлган Интернет тармоғи ахборот ресурси идентификация маълумотларини Реестрга киритиш;

Интернет тармоғи ахборот ресурсидан фойдаланишни чеклаш.

**2-боб. Тақиқланган ахборот мавжуд бўлган Интернет тармоғи ахборот ресурсларини аниқлаш**

5. Тақиқланган ахборот мавжуд бўлган Интернет тармоғи ахборот ресурсларини аниқлаш мақсадида Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги

Оммавий коммуникациялар соҳасидаги мониторинг маркази томонидан қонунчиликда белгиланган тартибда Интернет тармоғи ресурсларининг мониторинги юритилади.

6. Интернет тармоғи ресурсларининг мониторинги, шунингдек, Марказга белгиланган тартибда келиб тушган юридик ва жисмоний шахсларнинг муружаатлари асосида ҳам олиб борилади.

7. Мониторинг натижасида тақиқланган ахборот мавжуд бўлган Интернет тармоғи ахборот ресурси аниқланган тақдирда Марказ томонидан бир иш куни мобайнида Интернет тармоғи ахборот ресурсида тақиқланган ахборот мавжудлиги юзасидан хулоса тайёрланади.

8. Марказ хулосасида қуйидагилар акс этган бўлиши керак:  
хулоса қабул қилинган сана;  
мониторинг ўтказиш учун асос;  
ўрганиш предмети (тақиқланган ахборот аниқланган ахборот ресурслари рўйхати);  
ўтказилган мониторинг натижалари.

9. Мониторинг натижаларини экспертизадан ўтказиш учун Марказ Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 5 августдаги 228-сон қарори билан ташкил этилган Оммавий коммуникациялар соҳасидаги эксперт комиссиясига (кейинги ўринларда Эксперт комиссияси деб аталади) муружаат қилишга ҳақли.

10. Интернет тармоғи ахборот ресурсининг идентификация маълумотлари Реестрга киритилишига асос бўлган Марказ хулосаси ёки Эксперт комиссияси қарори юзасидан судга муружаат қилиниши мумкин.

### **3-боб. Интернет тармоғи ахборот ресурси идентификация маълумотларини Реестрга киритиш тартиби**

11. Реестрни шакллантириш ва юритиш Марказ томонидан электрон шаклда амалга оширилади.

12. Тақиқланган ахборот мавжуд бўлган Интернет тармоғи ахборот ресурси идентификация маълумотларини Реестрга киритиш учун қуйидагилар асос бўлади:

Интернет тармоғи ахборот ресурсида тақиқланган ахборот мавжудлиги юзасидан Марказ хулосаси;

бутунжаҳон Интернет тармоғида тарқатилаётган ахборотни тақиқланган деб эътироф этиш тўғрисида Эксперт комиссиясининг қарори.

13. Хулоса тайёрлангандан кейин ёки Эксперт комиссиясининг тегишли қарорини олгандан кейин Марказ кечиктирмай тақиқланган ахборот мавжуд бўлган Интернет тармоғи ахборот ресурси идентификация маълумотларини Реестрга киритади. Бунда тегишли асос — хулоса (қарор) кўрсатилиши шарт.

14. Реестрга киритилган Интернет тармоғи ахборот ресурси идентификация маълумотлари ўзгарган тақдирда, Марказнинг олдинги хулосаси ёки Эксперт комиссияси қарори янги аниқланган ўзгарган маълумотларни Реестрга киритиш учун асос бўлади.

#### **4-боб. Интернет тармоғи ахборот ресурсларидан фойдаланишни чеклаш**

15. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Интернет тармоғи ахборот ресурсларидан фойдаланишни чеклаш бўйича махсус ваколатли орган (кейинги ўринларда махсус ваколатли орган деб аталади) ҳисобланади.

16. Махсус ваколатли орган Реестрга киритилган Интернет тармоғи ахборот ресурсларидан фойдаланишни чеклашга доир ташкилий ва дастурий-техник чора-тадбирлар кўради.

17. Фойдаланишни чеклаш фақат идентификация маълумотлари Реестрга киритилган Интернет тармоғи ахборот ресурсларига нисбатан татбиқ этилади.

18. Фойдаланишни чеклаш чораларини кўриш Интернет тармоғи ахборот ресурслари идентификация маълумотлари Реестрга киритилгандан кейин ўн икки соат мобайнида амалга оширилади.

19. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фойдаланилиши чекланган Интернет тармоғи ахборот ресурслари Ўзбекистон Республикаси фойдаланувчилари мурожаатларига жавобан махсус ваколатли орган қуйидаги маълумотлар берилишини таъминлайди:

тақиқланган ахборот мавжуд бўлган Интернет тармоғи ахборот ресурси идентификация маълумотларининг Реестрга киритилгани ҳақида хабар; мурожаат учун боғланиш маълумотлари.

#### **5-боб. Тақиқланган ахборот мавжуд бўлган Интернет тармоғи ахборот ресурси идентификация маълумотларини реестрдан чиқариш тартиби**

20. Қуйидагилар Марказ томонидан тақиқланган ахборот мавжуд Интернет тармоғи ахборот ресурси идентификация маълумотларининг бир сутка давомида Реестрдан чиқарилиши учун асос бўлади:

Интернет тармоғи ахборот ресурси эгасининг тақиқланган ахборотни Интернет тармоғи ресурсидан ўчирилгани тўғрисида ёзма (электрон) мурожаати;

тақиқланган ахборот мавжуд бўлган Интернет тармоғи ахборот ресурси идентификация маълумотларининг Реестрга киритилиши учун асос бўлган Марказ ҳулосаси ёки Эксперт комиссияси қарорини асоссиз деб ҳисоблаш ёки бекор қилиш тўғрисида суд қарорининг қонуний кучга кириши.

Шу билан бирга Реестрда тегишли маълумотлар ва уларнинг ўзгариши тарихи сақланади.

21. Интернет тармоғи ахборот ресурси эгасининг тақиқланган ахборотнинг Интернет тармоғи ресурсидан ўчирилгани тўғрисида ёзма (электрон) мурожаати олинган Марказ бир сутка мобайнида ҳолатни текширади ва Интернет тармоғи ахборот ресурси тегишли идентификация маълумотларини Реестрдан чиқаради.

22. Интернет тармоғи ахборот ресурси идентификация маълумотлари Реестрдан чиқарилгач, махсус ваколатли орган фойдаланишни чекловчи тўсиқларни бир сутка мобайнида олади.

### **6-боб. Реестр маълумотларидан фойдаланиш**

23. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига уларнинг ваколатлари доирасида, шунингдек, Интернет тармоғи ахборот ресурси эгаси бўлган юридик ва жисмоний шахсларга уларнинг мурожаатларига кўра Реестр маълумотларидан фойдаланишга рухсат этилади.

24. Реестр маълумотларидан фойдаланишга рухсат бериш тартиби Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан белгиланади.

### **7-боб. Яқунловчи қоида**

25. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2018 йил 5 сентябрдаги 707-сон қарорига  
З-ИЛОВА

### **Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Оммавий коммуникациялар соҳасида бошқарув тузилмасини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2004 йил 24 ноябрдаги 555-сон қарорида:

а) 1-бандга қуйидаги мазмундаги хатбошилар қўшилсин:

«Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан тарқатилиши тақиқланган ахборот мавжуд Интернет тармоғи Реестрини юритиш;

Қонунчиликка мувофиқ, ишчи орган сифатида ахборот ва оммавий коммуникациялар соҳасида комплекс экспертиза ўтказилишини ташкил этиш»;

б) 2-банддаги иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Белгилаб қўйилсинки, Марказ юридик шахс ҳисобланади ва ўзининг ваколатига кирувчи масалалар бўйича давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, ахборот хизматлари бозори субъектлари билан белгиланган тартибда ўзаро ҳамкорлик қилади, Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан тарқатилиши тақиқланган ахборот мавжуд бўлган Интернет тармоғи Реестрини юритади, шунингдек, Ахборот ва коммуникациялар соҳасидаги эксперт комиссиясининг ишчи органи функцияларини бажаради»;

в) 2-иловада:

6-бандга қуйидаги мазмундаги хатбошилар қўшилсин:

«Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан тарқатилиши тақиқланган ахборот мавжуд бўлган Интернет тармоғи Реестрини юритиш;

Қонунчиликка мувофиқ, ишчи орган сифатида ахборот ва оммавий коммуникациялар соҳасида комплекс экспертиза ўтказилишини ташкил этиш»;

7-бандда:

қуйидаги мазмундаги тўртинчи ва бешинчи хатбошилар қўшилсин:

«Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан тақиқланган ахборот тарқатувчи Интернет тармоғи ресурсларини Реестрга киритиш ва ундан чиқаришни амалга ошириш;

оммавий коммуникация воситаларида тарқатиладиган ахборот материалларининг ахборот соҳасида шахс, жамият ва давлатнинг манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлашга, миллий-маданий қадриятлар, анъаналар ва меросни сақлаб қолишга йўналтирилган республика қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқлиги юзасидан комплекс экспертизага материалларни тайёрлаш ва уни ўтказишни ташкил этиш»;

тўртинчи-ўн олтинчи хатбошилар тегишли равишда олтинчи-ўн саккизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Оммавий коммуникациялар соҳасида мониторинг тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2011 йил 5 августдаги 228-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2011 й., 8-сон, 70-модда):

а) 1-иловадан ўнинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

б) 2-иловада:

5-бандда:

қуйидаги мазмундаги саккизинчи хатбоши қўшилсин:

«эксперт хулосаларини ўрганади ҳамда халқаро Интернет тармоғи ахборот ресурсларининг идентификация маълумотларини Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан тарқатилиши тақиқланган ахборот мавжуд бўлган Интернет тармоғи Реестрига киритиш юзасидан қарор қабул қилади»;

саккизинчи хатбоши тўққизинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

6-бандга қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«материалларни кўриб чиқиш ҳамда халқаро Интернет тармоғи ахборот ресурсларининг идентификация маълумотларини Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан тарқатилиши тақиқланган ахборот мавжуд бўлган Интернет тармоғи Реестрига киритиш юзасидан қарор қабул қилиш»;

9-банднинг бешинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«материалларни экспертизадан ўтказиш ва зарур ҳолларда экспертиза хулосаларини судда ҳимоя қилиш учун эксперт (экспертлар) белгилаш»;

11-бандда:

учинчи хатбошига «Комиссия томонидан белгиланган тартибда, шу жумладан электрон кўринишда мажлис натижаларини рўйхатга олиш ва ўтказиш» сўзлари қўшилсин;

бешинчи ва олтинчи хатбошилар чиқариб ташлансин;

12-бандда:

учинчи хатбошига «шу жумладан, Комиссия томонидан белгиланган тартибда электрон ҳужжат айланиши тартибида» сўзлари қўшилсин;

қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«зарур материалларни ўз вақтида тайёрлашни таъминлайди ҳамда материаллар Ишчи органга тушган санадан бошлаб 15 кун муддатда экспертиза ўтказилади»;

13-банднинг саккизинчи хатбошига «шу жумладан, Комиссия томонидан белгиланган тартибда электрон ҳужжат айланиши йўли билан» сўзлари қўшилсин;

14 — 16-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«14. Комиссия раиси жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳар бир аниқ мурожаати юзасидан материаллар олинган санадан бошлаб уч иш куни мобайнида Комиссия ишчи органи таклифи билан жалб этилган экспертлардан экспертни (экспертларни) тасдиқлайди.

15. Экспертиза материаллар олинган санадан бошлаб 15 кун мобайнида ўтказилади.

16. Эксперт (экспертлар) тақдим этилган материалларни беш кун муддатда ўрганиб чиқади ва эксперт хулосаси беради»;

18 ва 19-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«18. Зарурат бўлганда Комиссия бажарилган ишлар юзасидан Ишчи органнинг амалга оширилган ишлар тўғрисидаги ҳисоботини кўриб чиқади.

19. Комиссия қарори мажлисда иштирок этган барча Комиссия аъзолари томонидан имзоланган баённома асосида, шу жумладан Комиссия томонидан белгиланган тартибда электрон ҳужжат алмашинуви воситасида расмийлаштирилади»;

20-банддаги «Комиссия» сўзи «эксперт (экспертлар)» сўзлари билан алмаштирилсин;

21-банддаги «материаллар экспертизага тушишига» сўзлари «заруратга» сўзи билан алмаштирилсин;

30-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«30. Комиссия фаолиятини таъминлаш бўйича ташкилий масалаларни ҳал этиш ҳамда экспертизалар ўтказиш Комиссиянинг ишчи органи томонидан, шу жумладан Комиссия томонидан белгиланган тартибда электрон ҳужжат алмашинуви йўли билан амалга оширилади».

## БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЕР РЕСУРСЛАРИ, ГЕОДЕЗИЯ,  
КАРТОГРАФИЯ ВА ДАВЛАТ КАДАСТРИ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНING  
ҚАРОРИ

**730** Қишлоқ хўжалиги экинларини оқилона жойлаштириш, ер балансига риоя этиш, қишлоқ хўжалиги экинларининг оқилона жойлаштирилиши бузилганлиги учун фермер хўжаликлари ва мансабдор шахсларнинг масъулиятини ошириш, етиштирилган маҳсулот сотилишининг ҳисобини юритиш, шартнома мажбуриятларининг бажарилишини таъминлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил  
5 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3064*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2018 йилда қишлоқ хўжалиги экинларини оқилона жойлаштириш чора-тадбирлари ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришнинг прогноз ҳажмлари тўғрисида»ги 2017 йил 15 сентябрдаги ПҚ–3281-сон қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси **қарор қилади:**

1. Қишлоқ хўжалиги экинларини оқилона жойлаштириш, ер балансига риоя этиш, қишлоқ хўжалиги экинларининг оқилона жойлаштирилиши бузилганлиги учун фермер хўжаликлари ва мансабдор шахсларнинг масъулиятини ошириш, етиштирилган маҳсулот сотилишининг ҳисобини юритиш, шартнома мажбуриятларининг бажарилишини таъминлаш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ойдан кейин кучга киради.

**Қишлоқ хўжалиги вазири**

**Б. ЮСУПОВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 6 июнь,  
47-сон

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 5 сентябрда эълон қилинган.

**Иқтисодиёт вазири****Б. ХОДЖАЕВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 6 июнь,  
20-сон

**Молия вазири****Д. КУЧКАРОВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 6 июнь,  
101-сон

**Ер ресурслари, геодезия,  
картография ва давлат кадастри  
давлат қўмитаси раиси****А. АБДУЛЛАЕВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 6 июнь,  
5-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Қишлоқ хўжалиги вазири, Иқтисодиёт  
вазири, Молия вазири ва Ер ресурслари,  
геодезия, картография ва давлат кадастри  
давлат қўмитасининг 2018 йил 6 июндаги  
47, 20, 101, 5-сон қарорига  
ИЛОВА

**Қишлоқ хўжалиги экинларини оқилона жойлаштириш,  
ер балансига риоя этиш, қишлоқ хўжалиги экинларининг  
оқилона жойлаштирилиши бузилганлиги учун фермер  
хўжаликлари ва мансабдор шахсларнинг масъулиятини  
ошириш, етиштирилган маҳсулот сотилишининг ҳисобини  
юретиш, шартнома мажбуриятларининг бажарилишини  
таъминлаш тартиби тўғрисидаги  
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 15 сентябрдаги ПҚ–3281-сон «2018 йилда қишлоқ хўжалиги экинларини оқилона жойлаштириш чора-тадбирлари ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришнинг прогноз ҳажмлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ қишлоқ хўжалиги экинларини оқилона жойлаштириш, ер балансига риоя этиш, қишлоқ хўжалиги экинларининг оқилона жойлаштирилиши бузилганлиги учун фермер хўжаликлари ва мансабдор шахсларнинг масъулиятини ошириш, етиштирилган маҳсулот сотилишининг ҳисобини юретиш, шартнома мажбуриятларининг бажарилишини таъминлаш тартибини белгилайди.



### 1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги экинлари** — давлат эҳтиёжлари учун етказиб бериладиган бошоқли дон экинлари, шоли ва пахта;

**қишлоқ хўжалиги корхоналари** — қишлоқ хўжалигини юритиш учун белгиланган тартибда ажратилган ер участкасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи юридик шахслар;

**қишлоқ хўжалиги экин майдонлари** — мунтазам равишда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш мақсадида ёки чорва учун табиий ем-хашак манбаи сифатида фойдаланиладиган ерлар, уларнинг таркибига суғориладиган ва суғорилмайдиган ҳайдов ерлар, кўп йиллик дарахтлар (боғлар, токзорлар, тутзорлар, мевазорлар, резаворзорлар ва бошқа мевали дарахтлар), бўз ерлар, пичанзорлар ва яйловлар қиради;

**қишлоқ хўжалиги экинлари** — асосий майдонларга экиладиган ғўза, бошоқли дон, шоли, сабзавот, полиз, картошка, ем-хашакбоп илдиз мевали ўсимликлар, бир йиллик ўтлар, беда, маккажўхори, тамаки ҳамда такрорий майдонларга ва «тўксонбости» усулида экиладиган экинлар;

**лалмикор ерлар** — суғориш имконияти мавжуд бўлмаган ва суғориш тармоғига эга бўлмаган ерлар;

**суғориладиган ерлар** — қишлоқ хўжалигида фойдаланиш ва суғориш учун яроқли бўлган, сув ресурслари шу ерларни суғоришни таъминлай оладиган суғориш манбаи билан боғланган доимий ёки муваққат суғориш тармоғига эга бўлган ерлар;

**тупроқ балл-бонитети** — қишлоқ хўжалиги экинлари агротехникаси ўртача даражада бўлганидаги тупроқ сифати ҳамда табиий унумдорлик қувватига бериладиган қиёсий баҳо;

**ҳосилдорлик** — бир гектар майдондаги қишлоқ хўжалиги экинидан олинадиган ялпи ҳосил кўрсаткичи.

2. Мазкур Низом қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштиришда деҳқон хўжаликлари, илмий-тадқиқот институтлари, уларнинг филиаллари ер участкалари ва илмий тажриба станциялари майдонларига татбиқ этилмайди.

### 2-боб. Қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштириш ва уларнинг ҳосилдорлигини белгилаш

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 24 мартдаги ПФ-3226-сон «Қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида»ги Фармонига асосан қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолият ихтисослашувидан келиб чиққан ҳолда ер ижара шартномаси ва контрактация (фьючерс) шартномаларига мувофиқ қишлоқ хўжалиги экинларини мустақил равишда жойлаштиради.

Бунда, давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги

экинлари унумдор (40 бонитет баллдан юқори бўлган) ер майдонларига контур яхлитлиги сақланган ҳолда жойлаштирилади.

4. Пахта хом ашёсини етиштиришда юқори ҳосилдорликка эришган фермер хўжалиklarини рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги низомга (рўйхат рақами 2518, 2013 йил 18 октябрь) мувофиқ пахта хом ашёсини етиштиришда юқори ҳосилдорликка (40 ц/га) эришган қишлоқ хўжалиги корхоналари пахта экиладиган жами ер майдонининг камида 5 фоизига қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа турдаги қишлоқ хўжалиги экинларини экишга рухсат берилади.

5. Қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштиришда ер майдонларининг географик жойлашиш ўрни, геоморфологик-литологик тузилиши, гидрологик ва иқлим шароитлари, гидромелиоратив тизимлари ва ер ости сувларининг ҳолати, сув билан таъминланганлиги, тупроқнинг шўрланиш даражаси ва унумдорлиги ҳамда хўжалиklarнинг ихтисослашуви ҳисобга олинади.

6. Туман (шаҳар) ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими томонидан тасдиқланган ҳолда тақдим этилган тумандаги мавжуд ер майдонлари, суғориладиган экин ерлар, лалмикор ерлар ва янги экилган кўп йиллик дарахтлар (боғлар, токзорлар, тутзорлар, мевали дарахт кўчатзорлари, мевазорлар ва бошқалар) ҳамда уларнинг ердан фойдаланувчилар кесимида тақсимланиши, балл-бонитети тўғрисидаги маълумотлар асосида туман (шаҳар) қишлоқ хўжалиги бўлими қишлоқ хўжалиги корхоналари ва туман (шаҳар) фермер, деҳқон хўжалиklари ва томорқа ер эгалари кенгашидан ҳар йили 1 августга қадар таклифларни олиб, келгуси йил ҳосили учун қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқади.

7. Туман (шаҳар) қишлоқ хўжалиги бўлими туман (шаҳар) фермер, деҳқон хўжалиklари ва томорқа ер эгалари кенгаши билан келишган ҳолда 3 иш кунда туман (шаҳар) ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими томонидан тақдим этилган ер майдонларининг балл бонитети тўғрисидаги маълумотлар асосида Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 18 августдаги 235-сон қарори билан тасдиқланган Қишлоқ хўжалиги экин майдонларининг норматив қийматини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомда белгиланган асосий қишлоқ хўжалиги экинлари, боғлар ва токзорларнинг тупроқлари бир бонитет балига нисбатан норматив ҳосилдорлигидан келиб чиққан ҳолда жойлаштирилган қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилдорлигини белгилайди.

8. Туман (шаҳар) қишлоқ хўжалиги бўлими қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштириш бўйича таклифларни 3 иш кунда туман (шаҳар) ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимига тақдим этади.

9. Туман (шаҳар) ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими «Ўздаверлоийха» институти ва унинг ҳудудий бўлинмалари билан биргаликда қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштириш бўйича таклифлар тақдим этилган кундан эътиборан 20 иш кунда контурлар ва қишлоқ хўжалиги корхоналари кесимида қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқади. Бунда:

тумандаги қишлоқ хўжалиги корхоналарининг асосий майдонларига

экиладиган қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштириш 1-иловага\* мувофиқ;

тумандаги қишлоқ хўжалиги корхоналарининг бошоқли дон экинларидан бўшайдиган ерларида такрорий қишлоқ хўжалиги экинларини турлари бўйича жойлаштириш 2-иловага\* мувофиқ;

тумандаги қишлоқ хўжалиги корхоналари экин майдонларида «тўқсонбосди» усули билан август ойида пиёз ва саримсоқпиёз ҳамда сабзавот экинларини жойлаштириш 3-иловага\* мувофиқ жадваллар асосида жойлаштириб чиқилади.

10. Қишлоқ хўжалиги корхоналари экин майдонларида қишлоқ хўжалиги экинларини контурлар кесимида жойлаштиришда фермер хўжаликларининг ихтисослашуви ва ер майдонининг контур яхлитлиги, тупроқнинг мелиоратив ҳолати, сув билан таъминланганлиги, охирги 3 йилда олинган ҳосилдорлик, ўтмишдош экин, тупроқ балл бонитети ҳамда бошқа омиллар инобатга олинади.

11. Қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштиришда Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги, вилоятлар ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси ҳамда туман (шаҳар) ирригация бўлимларидан экин майдонларининг сув билан таъминланганлик даражаси тўғрисида хулоса олинади.

12. Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг экин майдонларида қишлоқ хўжалиги экинлари контурлар кесимида жойлаштирилиб, ҳудуд (массив)нинг 1:10000 миқёсдаги харитасига ҳар бир экин тури бўйича тегишли шартли белгилар асосида тушириб чиқилади.

13. Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг экин майдонларида қишлоқ хўжалиги экинлари контурлар кесимида ҳудуд (массив)нинг 1:10000 миқёсдаги харитага туширилган экинларни жойлаштириш натижалари туман қишлоқ хўжалиги бўлими, ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими, фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши ҳамда «Ўздаверлойиха» институтининг ҳудудий бўлинмаси масъул ходими томонидан имзоланади.

14. Туман (шаҳар) ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими туман (шаҳар) қишлоқ хўжалиги бўлими билан биргаликда 5 иш кунида қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштириш ва уларнинг ҳосилдорлиги тўғрисидаги туман (шаҳар) ҳокимининг қарори лойиҳасини ишлаб чиқади. Лойиҳага қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштириш ва уларнинг ҳосилдорлиги прогноз ҳажмлари, шунингдек ҳудуднинг (массив) 1:10000 миқёсдаги харитасига экинларни жойлаштириш натижалари илова қилинади.

15. Туманда қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштириш натижалари туман (шаҳар) ҳокимининг қарори асосида тасдиқлангандан кейин «Ўздаверлойиха» институти ва унинг ҳудудий бўлинмалари 15 иш кунида ҳар бир қишлоқ хўжалиги корхоналарида контурлар кесимида жойлаштирилган экин турлари ва майдонлари тўғрисидаги маълумотларнинг электрон базасини

---

\* 1 — 3-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

яратади, шунингдек экинларнинг экилиши ва ҳолатининг доимий мониторингини юритиш мақсадида «электрон харита»га туширади.

16. Қишлоқ хўжалиги корхоналари тугатилган ёки янгидан ташкил этилган ёхуд ер майдонлари мақбуллаштирилган, қўшимча ер майдони ажратилган ҳолларда қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштириш бўйича туман (шаҳар) ҳокимининг қарорига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилади.

17. Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бўйича қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштириш ва уларнинг ҳосилдорлиги реестрини туман (шаҳар) қишлоқ хўжалиги бўлими ҳар йили 5 августга қадар Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигига ва вилоятлар қишлоқ хўжалиги бошқармаларига тақдим этади.

18. Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва вилоятлар қишлоқ хўжалиги бошқармалари қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштириш ва уларнинг ҳосилдорлиги реестрини туманлар кесимида умумлаштирган ҳолда ҳар йили 15 августга қадар Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигига тақдим этади.

19. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва вилоятлар қишлоқ хўжалиги бошқармалари томонидан тақдим этилган қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштириш ва уларнинг ҳосилдорлиги реестрларини Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар кесимида умумлаштирган ҳолда давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бўйича экинларни жойлаштириш ва уларнинг ҳосилдорлиги бўйича таклифларни ҳар йили 1 сентябрга қадар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритади.

### **3-боб. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг сотилиши ҳисобини юритиш, шартнома мажбуриятларининг бажарилишини таъминлаш**

20. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини реализация қилиш (қайта ишлаш корхоналарига етказиб бериш, ички бозорлар ва ярмаркаларда сотиш, экспорт қилиш, бюджет ташкилотларини таъминлаш ва бошқалар) ишлари тузилган контрактация шартномаларига мувофиқ амалга оширилади.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини реализация қилишда ҳисоб-китоблар қишлоқ хўжалиги корхоналари ва тегишли хизмат кўрсатувчи банклар ўртасида тузилган шартномаларга мувофиқ, хизмат кўрсатувчи банкларда очилган ҳисоб рақамлари орқали амалга оширилади.

21. Қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштириш бўйича ўрнатилган талабларга амал қилиниши, қишлоқ хўжалиги экинларининг тўлиқ ва ўз вақтида экилиши ҳамда уларнинг ҳолати юзасидан туман (шаҳар) ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими, «Ўздаверлойиҳа» институти ва унинг ҳудудий бўлинмалари, туман (шаҳар)

фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши томонидан доимий мониторинг юритиб борилади.

22. Шартнома мажбуриятларини бажаришда харид қилинаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг сифати ва миқдорини баҳолаш, маҳсулот учун ҳақ ўз вақтида ва тўғри тўланиши бўйича томонлар ўртасида низоли масалалар ва келишмовчиликлар пайдо бўлган тақдирда, бундай масалалар ва келишмовчиликлар туман қишлоқ хўжалиги бўлими томонидан судгача бўлган тартибда ёки иқтисодий суд томонидан ҳал этилади.

#### **4-боб. Яқуний қоидалар**

23. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

24. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси билан келишилган.

*Сув хўжалиги вазири*

**Ш. ХАМРАЕВ**

*2018 йил 30 июль*

*Ўзбекистон Фермер, деҳқон  
хўжаликлари ва томорқа  
ер эгалари кенгаши раиси в. б*

**А. ХАИТОВ**

*2018 йил 30 июль*

*Савдо саноат  
палатаси раиси*

**А. ИКРАМОВ**

*2018 йил 30 июль*





Қишлоқ хўжалиги экинларини оқилона жойлаштириш, ер балансига риоя этиш, қишлоқ хўжалиги экинларининг оқилона жойлаштирилиши бузилганлиги учун фермер хўжаликлари ва мансабдор шахсларнинг масъулиятини ошириш, етиштирилган маҳсулот сотилишининг ҳисобини юритиш, шартнома мажбуриятларининг бажарилишини таъминлаш тартиби тўғрисидаги низомга  
3-ИЛОВА

\_\_\_\_\_ туман (шаҳар) да \_\_\_\_\_ йил ҳосили учун фермер хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги ташкилотларида август пиёзи ва саримсоқпиёз ҳамда «тўқсонбости» сабзавот экинларини жойлаштириш тўғрисида  
**МАЪЛУМОТ**

Т/р	Фермер хўжаликлари номи	Контур рақами	Жами _____ йил куз ойларида экилаган сабзавот экинлари майдони, га	Шу жумладан															
				август-сентябрда экилаган пиёз ва саримсоқ пиёз майдони, га	шундан		ноябрь ва декабрда тўқсонбости сабзавот экилаган майдон, га	шундан											
					пиёз	саримсоқ пиёз		пиёз	саримсоқпиёз	сабзи	ош лавлаги (карам)	кўкатлар	бошқалар						
1.	фермер хўжалиги																		
	Жами																		
2.	фермер хўжалиги																		
	Жами																		
	<b>Туман жами</b>																		



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**731** Умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларидан иборат спорт жамоалари ўртасида (спорт турлари бўйича) ушбу муассасалар, туман(шаҳар)лар, вилоятлар ва республика даражасида оммавий спорт тадбирларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 5 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3065*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 мартдаги ПҚ–3583-сон «Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларидан иборат спорт жамоалари ўртасида (спорт турлари бўйича) ушбу муассасалар, туман(шаҳар)лар, вилоятлар ва республика даражасида оммавий спорт тадбирларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

**Ш. ИСРОИЛОВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 9 июль,  
10-мҲ-сон

---

\* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 5 сентябрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
жисмоний тарбия ва спорт вазирининг  
2018 йил 9 июлдаги 10-мх-сон буйруғига  
ИЛОВА

**Умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчиларидан иборат спорт жамоалари ўртасида (спорт турлари бўйича) ушбу муассасалар, туман (шаҳар)лар, вилоятлар ва республика даражасида оммавий спорт тадбирларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги НИЗОМ**

Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 мартдаги ПҚ-3583-сон «Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчиларидан иборат спорт жамоалари ўртасида (спорт турлари бўйича) ушбу муассасалар, туман(шаҳар)лар, вилоятлар ва республика даражасида оммавий спорт тадбирларини ўтказиш тартибини белгилайди.

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**оммавий спорт тадбирлари** — 100 ва ундан кўп кишиларнинг иштирокида спорт мусобақаларини, ўқув-машқ жараёнини ва спортчилар иштирокида спорт мусобақаларига тайёргарлик кўриш бўйича бошқа тадбирлар (халқ сайиллари, фестиваллар, миллий намоёишлар ва ўйинлар, кўриктанловлар, кўргазмали чиқишлар)ни ўтказиш мақсадида спорт иншоотларида ташкил қилинадиган фуқароларнинг биргаликда қатнашишлари;

**спорт жамоалари** — оммавий спорт тадбирларида қатнашаётган умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчиларидан иборат турли ёш гуруҳларига тегишли спортчилар, тренерлар, жисмоний тарбия ўқитувчилари, тиббиёт мутахассислари ва бошқа мутахассислардан иборат оммавий спорт тадбирларига тайёрланиш ва уларда Ўзбекистон Республикасининг ҳудудида қатнашиш мақсадида ташкил этиладиган жамоалар;

**оммавий спорт тадбири ташкилотчилари** — ўз ташаббуси билан спорт тадбири ўтказётган ва (ёки) бундай тадбирни тайёрлаш ҳамда ўтказишни ташкилий, молиявий ва моддий жиҳатдан таъминлашни амалга ошираётган юридик ёки жисмоний шахс(лар);

**оммавий спорт тадбири иштирокчилари** — оммавий спорт тадбирлари ташкилотчилари, спорт жамоалари, спортчилар ва бошқа шахслар, шунингдек томошабинлар;

**спорт иншооти** — спорт тадбирлари ва оммавий спорт тадбирларини, спорт турлари бўйича ўқув-машқ машғулоти ва ўқув-машқ йиғинларини

ўтказиш учун мўлжалланган, ўзига қўйиладиган норма ва талабларга жавоб берадиган ҳамда тегишли паспортга эга бўлган ёпиқ ёки очиқ типдаги ихтисослаштирилган иншоот.

2. Оммавий спорт тадбирлари Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Касб-хунар таълими маркази (бундан буён матнда тегишли вазирлик ва идоралар деб юритилади) ва уларнинг ҳудудий бўлинмалари томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 29 июлдаги 205-сон қарори билан тасдиқланган Оммавий тадбирларни ўтказиш қоидалари талабларига мувофиқ тегишли рухсатнома олинганидан сўнг бошқа манфаатдор ташкилотлар билан ҳамкорликда ташкил этилади.

3. Оммавий спорт тадбирлари тегишли спорт федерациялари (уюшмалари) томонидан тасдиқланган мусобақа қоидаларига асосан умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчилари ўртасида ўтказилади.

4. Оммавий спорт тадбирлари жараёнлари видеотасвирга туширилиши лозим.

5. Оммавий спорт тадбирларини фототасвирга тушириш, аудио ва видеоёзувини амалга ошириш, шунингдек оммавий ахборот воситаларида трансляция қилиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

## **2-боб. Оммавий спорт тадбирларида иштирок этувчи жамоаларга қўйиладиган талаблар**

6. Оммавий спорт тадбирида иштирок этувчи спорт жамоалари ҳакамлар хайъатига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим:

мазкур Низомнинг иловасига мувофиқ шаклда спорт жамоаси аъзолари тўғрисидаги маълумотлар акс эттирилган талабнома;

ўқувчининг паспорти ёки туғилганлик ҳақидаги гувоҳномаси нусхаси; суғурта полиси (иштирокчининг хоҳишига кўра).

7. Оммавий спорт тадбирларининг кейинги босқичларида аввалги босқичларда иштирок этган спорт жамоаларининг таркибини ўзгартиришга йўл қўйилмайди.

Оммавий спорт тадбирларининг кейинги босқичига йўлланма олган спорт жамоасидаги ўқувчи соғлиғи сабабли кейинги босқичларда иштирок этиш имкониятига эга эмаслиги тўғрисидаги тиббиёт муассасасининг хулосаси ҳакамлар хайъатига тақдим этилган ҳоллар бундан мустасно.

8. Оммавий спорт тадбирларида иштирок этувчи спорт жамоалари спорт федерациялари (уюшмалари) томонидан тасдиқланган мусобақа қоидаларига, мусобақа ўтказилаётган вақтда жамоат тартиби ва интизомига амал қилишлари лозим.

### **3-боб. Оммавий спорт тадбирларини ўтказиш бўйича ишларни ташкил қилиш**

9. Оммавий спорт тадбирларини ўтказиш бўйича бутун тадбирлар комплексини бажариш учун тегишли вазирлик ва идоралар ҳамда уларнинг ҳудудий бўлинмалари ўз буйруқлари билан ташкилий кўмиталар, ҳакамлар ҳайъатлари, апелляция комиссияларини ташкил этади.

10. Ташкилий кўмиталар:

оммавий спорт тадбирларига тайёргарлик кўриш ҳамда уларни ўтказишда ягона услубий ёндашувни таъминлайди;

ҳакамлар ҳайъатлари, апелляция комиссиялари таркибини шакллантиради ва тасдиқлайди;

спорт жамоаларининг оммавий спорт тадбирларига келиши билан боғлиқ масалаларни ҳал қилади;

оммавий спорт тадбирларини фототасвирга тушириш, аудио ва видеоёзувини амалга ошириш, шунингдек оммавий ахборот воситаларида трансляция қилиниши юзасидан ишларни ташкиллаштиради.

11. Оммавий спорт тадбирларини ўтказиш учун тегишли вазирлик ва идоралар ҳамда уларнинг ҳудудий бўлинмалари томонидан спорт федерациялари билан келишилган ҳолда ҳакамлар ҳайъатлари таркиби тасдиқланади.

12. Ҳакамлар ҳайъатлари спорт федерациялари (уюшмалари) томонидан тасдиқланган мусобақа қоидаларига асосан ғолибларни аниқлайди ва оммавий спорт тадбирлари якунларини баённома билан расмийлаштиради.

13. Мусобақа натижаларидан норози бўлган спорт жамоалари мусобақа натижалари эълон қилингандан кейин 2 кун давомида тегишли вазирлик ва идоралар ҳамда уларнинг ҳудудий бўлинмалари буйруқлари билан ташкил этиладиган апелляция комиссиясига ёзма мурожаат этиш ҳуқуқига эга.

14. Апелляция комиссияси ҳакамлар ҳайъатлари таркибида бўлмаган камида учта мутахассисдан иборат таркибда тузилади.

Апелляция шикоятини кўриб чиқишда спорт жамоалари иштирок этиш ҳуқуқига эга.

Апелляция комиссияси 24 соат ичида апелляция шикоятларини кўриб чиқади. Бунда апелляция комиссияси томонидан спортчининг мусобақадаги натижалари ҳакамлар ҳайъати томонидан тўғри қўйилганлигига баҳо берилади ва унинг натижаси бўйича тегишли қарор қабул қилинади.

Қарор 24 соат ичида спорт жамоасига етказилиши лозим.

### **4-боб. Оммавий спорт тадбирларини ўтказиш**

15. Умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчилари ўртасида ўтказиладиган оммавий спорт тадбирлари қуйидаги тўрт босқичда ўтказилади:

биринчи босқич (таълим муассасаси босқичи) — умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчилари ўртасида спорт турлари бўйича ўтказилади;

иккинчи босқич (туман (шаҳар) босқичи) — туман (шаҳар)да жойлашган барча умумий ўрта таълим мактабларининг биринчи босқич оммавий спорт тадбирлари ғолиблари ўртасида ўтказилади;

учинчи босқич (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар босқичи) — иккинчи босқич оммавий спорт тадбирлари ғолиблари ўртасида ўтказилади;

тўртинчи босқич (республика босқичи) — учинчи босқич оммавий спорт тадбирлари ғолиблари ўртасида ўтказилади;

16. Академик лицей, касб-хунар коллежлари ўқувчилари ўртасида ўтказиладиган оммавий спорт тадбирлари қуйидаги тўрт босқичда ўтказилади:

биринчи босқич (академик лицей ва касб-хунар коллежи босқичи) — академик лицей ва касб-хунар коллежларининг ўқувчилари ўртасида ўтказилади;

иккинчи босқич (туман (шаҳар) босқичи) — туманда жойлашган барча академик лицей ва касб-хунар коллежларининг биринчи босқич оммавий спорт тадбирлари ғолиблари ўртасида ўтказилади;

учинчи босқич (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар босқичи) — иккинчи босқич оммавий спорт тадбирлари ғолиблари ўртасида ўтказилади;

тўртинчи босқич (республика босқичи) — учинчи босқич оммавий спорт тадбирлари ғолиблари ўртасида ўтказилади;

17. Оммавий спорт тадбирларининг биринчи босқичида умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицей ёки касб-хунар коллежларида таълим олаётган барча ўқувчилар иштирок этиш ҳуқуқига эга.

18. Оммавий спорт тадбирларининг биринчи босқичида иштирок этиш истагини билдирган умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицей ёки касб-хунар коллежларида таълим олаётган ўқувчилар ўзи таҳсил олаётган умумий ўрта таълим мактаби, академик лицей ёки касб-хунар коллежининг жисмоний тарбия ўқитувчисига мурожаат қилади.

19. Умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицей ёки касб-хунар коллежларининг жисмоний тарбия ўқитувчилари оммавий спорт тадбирларида қатнашиш истагини билдирган ўқувчилардан спорт жамоаларини шакллантиради.

20. Умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицей ёки касб-хунар коллежларида биринчи босқичда ғолибликни қўлга киритган спорт жамоалари кейинги босқичга йўлланма олишади.

21. Оммавий спорт тадбирларининг ғолибларини аниқлаш ва мусобақаларини яқунлаш шартлари ҳар бир оммавий спорт тадбирларини ўтказиш бўйича тегишли вазирлик ва идоралар томонидан тасдиқланган мусобақа низомида белгиланади.

Мусобақа низоми спорт федерациялари (уюшмалари) томонидан тасдиқланган мусобақа қоидаларига мувофиқ бўлиши лозим.

22. Оммавий спорт тадбирларининг ғолиблари тадбир ташкилотчилари

томонидан биринчи, иккинчи ва учинчи даражали диплом, медаль ва кубоклар хамда эсдалик совғалари билан тақдирланишлари мумкин.

### **5-боб. Якуний қоидалар**

23. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

24. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги хамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Касб-хунар таълими маркази билан келишилган.

*Халқ таълими вазири*

**Ш. ШЕРМАТОВ**

*2018 йил 9 июль*

*Олий ва ўрта махсус  
таълим вазири*

**И. МАДЖИДОВ**

*2018 йил 9 июль*

*Олий ва ўрта махсус таълим  
вазирининг биринчи ўринбосари,  
Касб-хунар таълими  
маркази директори*

**М. ХОЛМУҲАМЕДОВ**

*2018 йил 9 июль*

Умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчиларидан иборат спорт жамоалари ўртасида (спорт турлари бўйича) ушбу муассасалар, туман (шаҳар)лар, вилоятлар ва республика даражасида оммавий спорт тадбирларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга  
ИЛОВА

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

\_\_\_\_\_ (Ф.И.О.)

20\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_

**Спорт жамоаси аъзолари тўғрисидаги маълумотлар акс эттирилган  
ТАЛАБНОМА**

Т/р	Ф.И.О.	Туғилган йил, ой, кун	Ўқувчи қатнашаётган умумий ўрта таълим мактаби, академик лицей ёки касб-хунар коллежи номи	Умумий ўрта таълим мактаби, академик лицей ёки касб-хунар коллежи шифокорининг хулосаси	Ўқувчининг 3 x 4 см ўлчамдаги фотосурати
1.					
2.					
3.					
<b>Захира</b>					
1.					
2.					
<b>Спорт жамоаси раҳбари ва тренерлар рўйхати</b>					
1.					
2.					

Мусобақада иштирок этувчи ўқувчилар сони:

\_\_\_\_\_ (Ф.И.О., имзо)

Умумий ўрта таълим мактаби, академик лицей ёки касб-хунар коллежи шифокори:

\_\_\_\_\_ (Ф.И.О., имзо)

Жамоа бош тренери:

\_\_\_\_\_ (Ф.И.О., имзо)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ  
ҚАРОРИ

**732** Кўп валютали бухгалтерия ҳисоби тизимида Ўзбекистон Республикаси банклари баланснинг актив ва пасивларидаги валюта ҳисобрақамлари қолдиқларини қайта баҳолаш қоидаларининг II бўлими 1-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 5 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 535-2*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви томонидан 1997 йил 24 октябрда 363-сон билан тасдиқланган «Кўп валютали бухгалтерия ҳисоби тизимида Ўзбекистон Республикаси банклари баланснинг актив ва пасивларидаги валюта ҳисобрақамлари қолдиқларини қайта баҳолаш қоидалари»нинг (рўйхат рақами 535, 1998 йил 16 ноябрь) II бўлими 1-банди қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1. Валюта курси ўзгаришидан кўрилган фойда ёки зарарларни аниқлаш ва молиявий ҳисоботни тузиш мақсадларида чет эл валютасида қайд этилган актив ва пасив ҳисобварақлар қолдиқларининг қайта баҳоланиши ҳар бир ойнинг охириги иш кунида ўтказилади. Жамланма баланс ҳисоботини тузиш учун қайта баҳолаш ойнинг исталган кунида ўтказилиши мумкин. Ушбу ҳолатларда бир хил қайта баҳолаш қоидалари қўлланилади.

Бунда банкнинг чет эл валюталари бўйича ҳисобварақларининг қолдиқлари (актив ва пасивлари) баланс тузиш санасига Марказий банкнинг курси асосида қайта баҳоланади.»

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Марказий банк раиси**

**М. НУРМУРАТОВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 28 июль,  
26/6-сон

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 5 сентябрда эълон қилинган.



ЭЛЕКТР ЭНЕРГЕТИКАДА НАЗОРАТ БЎЙИЧА ДАВЛАТ  
ИНСПЕКЦИЯСИ БОШЛИГИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**733** Реактив қувват компенсацияси бўйича ишларни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 5 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1864-2*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 январдаги 22-сон «Электр энергияси ва табиий газдан фойдаланиш тартибини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси бошлигининг 2008 йил 9 сентябрдаги 168-сон буйруғи (рўйхат рақами 1864, 2008 йил 10 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 40-41-сон, 419-модда) билан тасдиқланган Реактив қувват компенсацияси бўйича ишларни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Бошлиқ**

**Д. ИСАҚУЛОВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 26 июль,  
10-сон

Электр энергетикада назорат бўйича  
давлат инспекцияси бошлигининг 2018 йил  
26 июлдаги 10-сон буйруғига  
ИЛОВА

**Реактив қувват компенсацияси бўйича ишларни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 2-банддаги «50» сони «20» сони билан алмаштирилсин.

2. 3-банддаги «саноат корхоналарининг» деган сўзлар «истеъмолчиларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

---

\* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 5 сентябрда эълон қилинган.

3. 15-банддаги «давлат-акциядорлик компанияси» деган сўзлар «акциядорлик жамияти» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4. 26-банддан олтинчи хатбоши чиқариб ташлансин.

5. 27-банд қўйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Қувват коэффициентини пасайиши оқибатида электр энергиясини қўшимча технологик йўқотишларини ҳисоблаш мазкур Низом иловасининг 18-бандига мувофиқ амалга оширилади.».

6. 28-банддаги «Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 22 августдаги 245-сонли қарори билан тасдиқланган Электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларига» деган сўзлар «Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 январдаги 22-сон қарори билан тасдиқланган Электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

7. Низом иловасида:

а) 4-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Худудий электр тармоқлари корхоналари ва (ёки) Магистраль электр тармоғидан таъминланадиган истеъмолчилар учун қувват коэффициентининг норматив қиймати қўйидагича белгиланиши лозим:

0.4 кВ  $\text{tg}\varphi_n = 0,25$

6 — 10 кВ  $\text{tg}\varphi_n = 0,30$

35 кВ  $\text{tg}\varphi_n = 0,32$

110 кВ  $\text{tg}\varphi_n = 0,38$

220 кВ  $\text{tg}\varphi_n = 0,50$

Агар истеъмолчи подстанциянинг шиналарига уланган бўлса у ҳолда тегишлича подстанцияни электр энергияси билан таъминловчи тармоқ кучланишдаги норматив қиймат ҳисобга олинади.».

б) 5-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин;

в) қўйидаги мазмундаги 4-§ билан тўлдирилсин:

#### **«4-§. Қувват коэффициенти пасайиши оқибатида электр энергиясини қўшимча технологик йўқотишларини ҳисоблаш**

18. Ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун керак бўладиган бирламчи маълумотлар:

а) ҳисоб даврида истеъмолчига амалда етказиб берилган актив ва реактив электр энергияси миқдори  $W_a$ ,  $W_p$ ;

б) электр таъминоти шартномасида белгиланган қувват коэффициенти ( $\text{соф}_{\text{шарт}}$ );

в) Электр энергиясини электр тармоқлари бўйлаб узатиш ва тақсимлашда технологик йўқотишларнинг нормативларини ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага (рўйхат рақами 2871, 2017 йил 31 март) мувофиқ ҳисобланган истеъмолчи уланган электр тармоқлар бўйлаб электр энергиясини узатиш ва тақсимлашда унинг технологик йўқотишларнинг нормативи ( $\Delta W_{\text{Норм. ЭТЙ, \%}}$ ).

Ҳисоб даврида истеъмолчига амалда етказиб берилган актив ва реактив электр энергияси миқдоридан келиб чиқиб, амалдаги қувват коэффициентлари куйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$\cos \varphi_{\text{амалда}} = \frac{W_a}{\sqrt{W_a^2 + W_p^2}} \quad (21)$$

Ҳисоб даврида электр энергиясини истеъмолчига етказиб беришда истеъмолчи уланган тармоқларда содир бўладиган унинг технологик йўқотишларининг абсолют миқдори ( $\Delta W_{\text{Норм. ЭТЙ}}$ ) куйидаги формула бўйича аниқланади:

$$\Delta W_{\text{Норм.ЭТЙ}} = \frac{W_a}{100} \cdot \Delta W_{\text{Норм.ЭТЙ, \%}} \quad (22)$$

Бунда,  $W_a$  ҳисоб даврида истеъмолчига етказиб берилган актив электр энергияси миқдори.

Мазкур Методиканинг 17-бандига асосан қувват коэффициенти камайиши оқибатида электр энергиясини электр тармоқлари бўйлаб узатишда унинг технологик йўқотишлари  $1 / (\cos\varphi)^2$  марта ортиши инobatга олинса, ҳисоб даврида истеъмолчига электр энергияси етказиб бериш учун электр тармоқлардаги электр энергияси йўқотишларининг:

электр таъминоти шартномаси билан чекланган миқдори:

$$\Delta W_{\text{шарт.ЭТЙ}} = \Delta W_{\text{Норм.ЭТЙ}} \cdot \frac{1}{(\cos\varphi_{\text{шарт}})^2} \quad (23)$$

амалдаги миқдори:

$$\Delta W_{\text{амалда.ЭТЙ}} = \Delta W_{\text{Норм.ЭТЙ}} \cdot \frac{1}{(\cos\varphi_{\text{амалда}})^2} \quad (24)$$

Истеъмолчида қувват коэффициенти электр таъминоти шартномасида белгилангандан пасайиши оқибатида электр тармоқларда содир бўладиган қўшимча электр энергияси йўқотишлари куйидаги формула билан аниқланади:

$$\Delta W_{\text{қўшимча ЭТЙ}} = \Delta W_{\text{амалда ЭТЙ}} - \Delta W_{\text{шарт ЭТЙ}} \quad (25).$$

8. Мазкур ўзгартириш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, «Ўзбекэнерго» акциядорлик жамияти, «Ўзкимёсаноат»

акциядорлик жамияти ва «Ўртаосиёэнерготармоқлойиха» акциядорлик жамияти билан келишилган.

*Хусусийлаштирилган корхоналарга  
кўмаклашиш ва рақобатни  
ривожлантириш давлат  
қўмитаси раиси*

**Р. ГУЛЯМОВ**

*2018 йил 25 июль*

*«Ўзбекэнерго» АЖ  
бошқаруви раиси*

**У. МУСТАФОВ**

*2018 йил 17 июль*

*«Ўзкимёсаноат» АЖ  
бошқаруви раиси*

**А. АБДУЛЛАЕВ**

*2018 йил 9 июль*

*«Ўртаосиёэнерготармоқлойиха»  
АЖ бош директори*

**Д. КУЛЬБАЦКИЙ**

*2018 йил 3 июль*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНING  
ҚАРОРИ

**734** Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳузуридаги тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга кўмаклашиш бўйича маслаҳат маркази намунавий низомининг 6-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 5 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2499-2*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 17 апрелдаги ПФ-5418-сон «Қишлоқ ва сув хўжалиги давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, 2018 йил 17 апрелдаги ПҚ-3671-сон «Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, 2018 йил 17 апрелдаги ПҚ-3672-сон «Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 6 июндаги 428-сон «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш, шунингдек баъзи қарорларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2013 йил 24 июндаги 36, 62 ва 2013-34-сон қарори (рўйхат рақами 2499, 2013 йил 8 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 32-сон, 435-модда) билан тасдиқланган Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳузуридаги тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга кўмаклашиш бўйича маслаҳат марказининг намунавий низомининг 6-бандидаги «тадбиркорлик субъектларига «ягона дарча» тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш ягона марказлари» ва «туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими, туман фермерлар кенгашининг» деган сўзлар тегишлилиги бўйича «туман (шаҳар) давлат хизматлари марказлари» ҳамда «туман (Қувасой шаҳар) қишлоқ хўжалиги бўлими ва туман (Қувасой шаҳар) ирригация бўлими, туманлар фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ва Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаш-

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 5 сентябрда эълон қилинган.

тириш бўйича Республика кенгаши Бошқаруви раиси, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги билан келишилган.

3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Иқтисодиёт вазири****Б. ХОДЖАЕВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 30 июль,  
26-сон

**Молия вазири****Д. КУЧКАРОВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 30 июль,  
115-сон

**Давлат солиқ қўмитаси раисининг  
биринчи ўринбосари****Б. МУСАЕВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 30 июль,  
2018-59-сон

*Келишилган:*

***Савдо-саноат  
палатаси раиси******А. ИКРАМОВ***

*2018 йил 30 июль*

***Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш  
органлари фаолиятини  
мувофиқлаштириш бўйича республика  
кенгаши Бошқаруви раиси******Ш. ЖАВЛАНОВ***

*2018 йил 30 июль*

***Қишлоқ хўжалиги вазири******Б. ЮСУПОВ***

*2018 йил 30 июль*

***Сув хўжалиги вазири******Ш. ХАМРАЕВ***

*2018 йил 30 июль*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ  
ҚАРОРИ

**735 Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг ФХДЁ бўлимлари фаолиятини молиялаштириш учун махсус ташкил қилинадиган шахсий ғазна ҳисобварағига йўналтирилган маблағлардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 5 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3066*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 июндаги ПҚ–3785-сон «Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Молия вазирлиги **қарор қилди:**

1. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг ФХДЁ бўлимлари фаолиятини молиялаштириш учун махсус ташкил қилинадиган шахсий ғазна ҳисобварағига йўналтирилган маблағлардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Адлия вазири**

Тошкент ш.,  
2018 йил 1 август,  
256-ум-сон

**Р. ДАВЛЕТОВ**

**Молия вазири**

Тошкент ш.,  
2018 йил 1 август,  
119-сон

**Д. КУЧКАРОВ**

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 5 сентябрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
Адлия вазирлиги ва Молия вазирлигининг  
2018 йил 1 августдаги 256-ум ва  
119-сон қарорига  
ИЛОВА

**Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши,  
вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг ФХДЁ  
бўлимлари фаолиятини молиялаштириш учун махсус ташкил  
қилинадиган шахсий ғазна ҳисобварағига йўналтирилган  
маблағлардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги  
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 июндаги ПҚ–3785-сон «Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ ФХДЁ бўлимлари ва никоҳ уйлари (бундан буён матнда ФХДЁ бўлимлари деб юритилади) фаолиятини молиялаштириш учун Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг махсус ташкил қилинадиган шахсий ғазна ҳисобварағи (бундан буён матнда махсус ҳисобварақ деб юритилади) маблағларидан фойдаланиш тартибини белгилайди.

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Махсус ҳисобварақ маблағларини тасарруф этиш Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, бошқа қонун ҳужжатлари ҳамда мазкур Низомга мувофиқ амалга оширилади.

2. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг махсус ғазначилик шахсий ҳисобварағига герб йиғимидан тушадиган маблағларнинг 40 фоизи, шунингдек, ФХДЁ бўлимлари томонидан кўрсатиладиган пуллик хизматлар Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг махсус ташкил қилинадиган ғазначилик шахсий ҳисобварағига йўналтирилади ва фақат ФХДЁ бўлимларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича тадбирлари, ходимларининг узоқ муддат хизмат қилгани учун иш ҳақиға устама ҳақ тўлаш ва мартаба даражалари учун қўшимчаларига, шунингдек, уларни моддий рағбатлантиришга (лавозим маошининг ва мукофотларнинг 100 фоизи миқдоригача шахсий устамалар) ишлатилади.



**2-боб. Махсус ҳисобварақ маблағларини шакллантириш**

3. Махсус ҳисобварақ даромадлари қўйидагилар ҳисобидан шакллантирилади:

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг махсус вазначилик шахсий ҳисобварағига герб йиғимидан тушадиган маблағларнинг 40 фоизи;

ФХДЁ бўлимлари томонидан пуллик хизматлар кўрсатишдан тушадиган маблағларнинг 100 фоизи.

4. Маблағлар туман (шаҳар) маҳаллий бюджетлари учун очилган тегишли (25 разрядли 4014 Тақсимланиши назарда тутилган маблағлар (транзит) ҳисобварақлар орқали Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари учун очилган (27 разрядли 4014 Тақсимланиши назарда тутилган маблағлар (транзит) махсус ҳисобвараққа келиб тушади.

**3-боб. Махсус ҳисобварақ маблағларидан фойдаланиш**

5. Махсус ҳисобварақдаги маблағлар қўйидагиларга йўналтирилади:

ФХДЁ бўлимлари ходимларининг узоқ муддат хизмат қилгани учун иш ҳақиға устама ҳақ ва мартаба даражалари учун қўшимчалар тўлашға;

ФХДЁ бўлимлари ходимларини моддий рағбатлантиришға (лавозим маошининг 100 фоизи миқдоригача шахсий устамалар ва мукофотлар);

ФХДЁ бўлимларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича тадбирларға.

6. Махсус ҳисобварақдаги маблағлар Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан туман (шаҳар) ҳокимликларининг тегишли бюджетдан ташқари шахсий газна ҳисобварағига (4010 Ажратмалар ҳисобига шаклланадиган вазирлик ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармалари) ҳудудий молия бўлимлари томонидан рўйхатдан ўтказилган харажатлар сметаси доирасида ҳар ойлик ҳақиқий харажатлардан келиб чиқиб буюртманома асосида молиялаштириб берилади.

7. Туман (шаҳар) ҳокимликларининг тегишли бюджетдан ташқари шахсий газна ҳисобварақларига махсус ҳисобварақдан келиб тушган маблағларни сарфлаш Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан келишилган ва туман (шаҳар) молия бўлимлари томонидан белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган харажатлар сметасига асосан амалға оширилади.

8. Махсус ҳисобварақдан ажратилган маблағларнинг сарфланиши тўғрисидаги ҳисобот туман (шаҳар) ҳокимликлари томонидан ҳар ойда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига тақдим этилади.

9. Махсус ҳисобварақнинг жорий йилда фойдаланилмаган маблағлари Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига олиб қўйилмайди ва улардан кейинги йилда фойдаланилади.

10. Махсус ҳисобварақ маблағларини тақсимлаш Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари томонидан амалга оширилади.

#### **4-боб. Махсус ҳисобварақ маблағларини ходимларни моддий рағбатлантиришга йўналтириш**

11. Махсус ҳисобварақдан ФХДЁ бўлимлари ходимларини моддий рағбатлантириш ва ижтимоий муҳофаза қилиш қуйидаги шаклларда амалга оширилади:

лавозим маошларига ҳар ойлик шахсий устама ўрнатиш;  
байрамларда бир марталик пул мукофоти билан мукофотлаш;  
мартаба даражалари ҳамда узоқ муддатли хизмат учун қўшимча ҳақ ва устамалар тўлаш;

ишда муваффақиятларга эришганлиги ва муҳим топшириқларни бажарганлиги учун алоҳида ходимларни мукофотлаш.

12. ФХДЁ бўлимлари ходимларига лавозим маошларининг 100 фоизигача бўлган миқдорда ҳар ойлик шахсий устамалар ўрнатилади.

Шахсий устамалар туман (шаҳар) ҳокимининг ўринбосарлари — туман (шаҳар) хотин-қизлар қўмиталари раислари томонидан белгиланади.

13. ФХДЁ бўлимлари ходимлари байрамлар муносабати билан бир ойлик меҳнатга ҳақ тўлаш фонди (лавозим маоши ва рағбатлантириш коэффициенти) миқдоригача бир марталик мукофот билан моддий рағбатлантирилади.

14. ФХДЁ бўлимлари ходимларига мартаба даражалари ҳамда узоқ муддатли хизмат учун қўшимча ҳақ ва устамалар тўлаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 3 июлдаги 498-сон «Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қароридан белгиланган тартибда амалга оширилади.

15. Ишда муваффақиятларга эришганлиги ва муҳим топшириқларни бажарганлиги учун ФХДЁ бўлимларининг алоҳида ходимлари туман (шаҳар) ҳокими томонидан энг кам иш ҳақининг 10 баравари миқдоригача бўлган бир марталик мукофот билан рағбатлантирилиши мумкин.

16. Моддий рағбатлантиришнинг аниқ миқдорлари мазкур Низомнинг 11 — 15-бандлари билан белгиланган доирада, махсус ҳисобварақ тушумлари ҳажмидан келиб чиқиб, ҳар йили Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари томонидан белгиланади.

#### **5-боб. Яқуний қоида**

17. Ушбу Низом талабларини бузишда айбдор шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ**737 Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш тўғрисида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 5 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1019-2*

Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш бўйича 2018 йил 15 августдаги хулосага мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ-3666-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 9 октябрдаги 469-сон «Вазирликлар, давлат кўмиталари ва идоралар меъёрий ҳужжатларининг қонунийлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда 2000 йил 19 майдаги 197-сон «Вазирликлар, давлат кўмиталари ва идораларнинг меъёрий ҳужжатларини қабул қилиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорларига асосан,

**бу юраман:**

1. «Ўзбекистон Республикасининг 16 ёшга тўлмаган фуқароси гувоҳномасини Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари томонидан расмийлаштириш ва бериш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқни (рўйхат рақами 1019, 2001 йил 22 март), шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни (рўйхат рақами 1019-1, 2012 йил 3 июль) Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестридан чиқариш масаласи юзасидан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 2018 йил 31 июлдаги 22/14316-сон хати маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2001 йил 11 мартдаги 65-сон «Ўзбекистон Республикасининг 16 ёшга тўлмаган фуқароси гувоҳномасини Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари томонидан расмийлаштириш ва бериш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги (рўйхат рақами 1019, 2001 йил 22 март), 2012 йил 29 майдаги 82-сон «Ўзбекистон Республикасининг 16 ёшга тўлмаган фуқароси гувоҳномасини Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари томонидан расмийлаштириш ва бериш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги (рўйхат рақами 1019-1, 2012 йил 3 июль) буйруқлари давлат реестридан чиқарилсин.

3. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва бу ҳақда Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритилсин.

4. Қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш ва туркумлаш бошқармаси ушбу идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни «Ўзбекистон Республикаси қонун

---

\* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 5 сентябрда эълон қилинган.

хужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинишини таъминласин.

5. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

6. Мазкур буйруқнинг ижросини назорат қилиш вазирнинг биринчи ўринбосари Н. Жўраев зиммасига юклансин.

**Вазир**

**Р. ДАВЛЕТОВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 5 сентябрь,  
442-мҳ-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ РАҚОБАТ ҚЎМИТАСИ  
ХУЗУРИДАГИ ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИНИ  
МУВОФИҚЛАШТИРИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХУСУСИЙЛАШТИРИЛГАН  
КОРХОНАЛАРГА ҚЎМАКЛАШИШ ВА РАҚОБАТНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНING  
ҚАРОРИ

**738** «Устав капитали 500 миллион сўмдан ортиқ бўлган акциядорлик жамиятларини фонд биржасида мажбурий листингга қўйиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 6 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1801-3*

Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги, «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги ҳамда «Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида»ги қонунларига асосан Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси хузуридаги Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази ва Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси **қарор қилади:**

---

\* Ушбу қарор «Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 6 сентябрда эълон қилинган.

1. Айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирди.

**Давлат рақобат қўмитаси ҳузуридаги  
Қимматли қоғозлар бозорини  
мувофиқлаштириш ва ривожлантириш  
маркази бош директори**

**Б. АТАХАНОВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 7 август,  
2018-7-сон

**Хусусийлаштирилган корхоналарга  
қўмаклашиш ва рақобатни  
ривожлантириш давлат қўмитаси  
раисининг биринчи ўринбосари**

**Н. ШАРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 7 август,  
02/28-10/32-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Давлат рақобат қўмитаси ҳузуридаги Қимматли  
қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривож-  
лантириш маркази, Ўзбекистон Республикаси  
Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш  
ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси-  
нинг 2018 йил 7 августдаги 2018-7-сон ва  
02/28-10/32-сон қарорига  
ИЛОВА

**Ўз кучини йўқотган деб топилаётган идоравий  
норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар  
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази ва Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитасининг 2008 йил 2 апрелдаги 2008-06, 01/ЦККФРЦБ-18/02-сон «Устав капитали 500 миллион сўмдан ортиқ бўлган акциядорлик жамиятларини фонд биржасида мажбурий листингга қўйиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1801, 2008 йил 1 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 18-сон, 152-модда).

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази ва Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2014 йил 16 апрелдаги 2014-16, 01/37-26/15-сон «Устав капитали 500 миллион сўмдан ортиқ бўлган акциядорлик жамиятларини фонд биржасида мажбурий листингга қўйиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 1-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 1801-1, 2014 йил 24 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 17-сон, 200-модда).

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази ва Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2014 йил 1 августдаги 2014-23, 01/09-26/18-сон «Устав капитали 500 миллион сўмдан ортиқ бўлган акциядорлик жамиятларини фонд биржасида мажбурий листингга қўйиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 2-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 1801-2, 2014 йил 4 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 32-сон, 409-модда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ  
ҚАРОРИ

**739** Тижорат банклари томонидан банк кафолатларини бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил  
6 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2364-5*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги ва «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2012 йил 24 мартдаги 10/1-сон қарори (рўйхат рақами 2364, 2012 йил 15 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 20-сон, 223-модда) билан тасдиқланган Тижорат банклари томонидан банк кафолатларини

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 6 сентябрда эълон қилинган.

бериш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ойдан кейин кучга киради.

**Марказий банк раиси**

**М. НУРМУРАТОВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 18 август,  
27/7-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил  
18 августдаги 27/7-сон қарорига  
ИЛОВА

**Тижорат банклари томонидан банк кафолатларини  
бериш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган  
ўзгартиришлар ва қўшимча**

1. 7-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«7. Кафолат бериш масаласи банк (филиал)нинг кредит қўмитаси томонидан банк кредит сиёсатида кўрсатилган кафолат беришнинг лимитлари доирасида кўриб чиқилади.

Берилган кафолатларнинг ҳисоби Бош банкда юритилади ва унинг тўғри юритилиши банк бошқаруви раиси зиммасига юклатилади.».

2. Қуйидаги мазмундаги 7<sup>1</sup>-банд билан тўлдирилсин:

«7<sup>1</sup>. Банк томонидан кафолат бериш қатъий ҳисобда турувчи бланкда расмийлаштирилади. Кафолат бланклари ҳисоби алоҳида дафтарда қайд этиб борилади. Кафолат бланклари шакли банкнинг ички тартибларида ягона шаклда белгиланади.

Кафолат бланклари Бош банк ва «Давлат белгиси» давлат-ишлаб чиқариш бирлашмаси ўртасида тузиладиган шартнома асосида ягона шаклдаги махсус ҳимоя белгилари билан таъминланган қоғозда тайёрланиб, Бош банк томонидан банкнинг барча филиалларига етказилади.».

3. 14-банддаги «Бош банк» деган сўзлар «банк (филиал)» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ  
ҚАРОРИ

**740** Банкка алоқадор бўлган шахслар билан тузиладиган битимлар тўғрисидаги низомга қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 6 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2706-2*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида», «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 24 майдаги ПФ–5447-сон «Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2015 йил 22 июлдаги 19/15-сон қарори (рўйхат рақами 2706, 2015 йил 5 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 31-сон, 418-модда) билан тасдиқланган Банкка алоқадор бўлган шахслар билан тузиладиган битимлар тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ қўшимча ва ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Марказий банк раиси**

**М. НУРМУРАТОВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 18 август,  
27/13-сон

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 6 сентябрда эълон қилинган.



Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил  
18 августдаги 27/13-сон қарорига  
ИЛОВА

**Банкка алоқадор бўлган шахслар билан тузиладиган  
битимлар тўғрисидаги низомга киритилаётган  
ўзгартиришлар ва қўшимча**

1. 19-бандда:

бешинчи хатбоши «ҳамда кредит берувчи банкдаги депозитлар билан таъминланган кредитлар» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

олтинчи хатбоши чиқариб ташлансин.

3. 20-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«20. Банкка алоқадор шахсга ёки унинг номидан фаолият кўрсатувчи шахсга бериладиган ҳар қандай кредит, таъминот сифатида:

кредит берувчи банкка миллий валютада киритилган депозитлар қўйилганда кредитнинг камида 100 фоизи;

кредит берувчи банкка чет эл валютасида киритилган депозитлар қўйилганда кредитнинг камида 105 фоизи;

давлат қимматли қоғозлари қўйилганда кредитнинг камида 125 фоизи;

бошқа таъминот воситаси қўйилганда кредитнинг камида 130 фоизи миқдорида бозор баҳосидаги таъминот билан таъминланиши шарт.».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ  
ҚАРОРИ

**741** Тижорат банклари томонидан қимматли қоғозлар билан ўтказиладиган операцияларга ва уларнинг бошқа корхоналар устав капиталида қатнашишига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 6 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1894-3*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 24 майдаги ПФ–5447-сон «Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида»ги Фармони мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2008 йил 27 декабрдаги 30/2-сон қарори (рўйхат рақами 1894, 2009 йил 2 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 6-сон, 57-модда) билан тасдиқланган Тижорат банклари томонидан қимматли қоғозлар билан ўтказиладиган операцияларга ва уларнинг бошқа корхоналар устав капиталида қатнашишига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Марказий банк раиси**

**М. НУРМУРАТОВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 18 август,  
27/12-сон

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 6 сентябрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил  
18 августдаги 27/12-сон қарорига  
ИЛОВА

**Тижорат банклари томонидан қимматли қоғозлар билан ўтказиладиган операцияларга ва уларнинг бошқа корхоналар устав капиталида қатнашишига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 3-банднинг бешинчи хатбошиси чиқариб ташлансин.
2. 4-банднинг «д» кичик банди ўз кучини йўқотган деб топилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ  
ҚАРОРИ

**742** **Бир қарз олувчи ёки бир-бирига дахлдор қарз олувчилар гуруҳи учун таваккалчиликнинг энг кўп миқдорлари тўғрисидаги низомнинг 8-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 6 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2707-3*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 24 майдаги ПФ–5447-сон «Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида»ги Фармониға мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2015 йил 22 июлдаги 19/16-сон қарори (рўйхат рақами 2707, 2015 йил 5 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 31-сон, 420-модда) билан тасдиқланган Бир қарз олувчи ёки бир-бирига дахлдор қарз олувчилар гуруҳи учун таваккалчиликнинг энг кўп миқдорлари тўғрисидаги низомнинг 8-бандида:

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 6 сентябрда эълон қилинган.

тўртинчи хатбоши чиқариб ташлансин;  
бешинчи хатбоши тўртинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Марказий банк раиси**

**М. НУРМУРАТОВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 18 август,  
27/17-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ  
ХУЗУРИДАГИ ИҚТИСОДИЙ ЖИНОЯТЛАРГА ҚАРШИ КУРАШИШ  
ДЕПАРТАМЕНТИ БОШЛИГИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**743 «Қимматбаҳо металл ва қимматбаҳо тошлар билан боғлиқ бўлган операцияларни амалга оширувчи шахслар учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруққа ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 6 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2034-3*

Ўзбекистон Республикасининг «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 майдаги ПФ-5446-сон «Бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини тубдан ошириш ва иқтисодий жиноятларга қарши курашиш механизмларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармониغا мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солик, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти бошлигининг 2009 йил 13 октябрдаги 36-сон «Қимматбаҳо металл ва қимматбаҳо тошлар билан боғлиқ бўлган операция-

---

\* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 7 сентябрда эълон қилинган.

ларни амалга оширувчи шахслар учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғига (рўйхат рақами 2034, 2009 йил 3 ноябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 45-сон, 492-модда) иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга киради.

**Бош прокуратура ҳузуридаги  
Иқтисодий жиноятларга қарши  
курашиш департаменти бошлиғи**

**А. МАВЛОНОВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 31 июль,  
36-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий  
жиноятларга қарши курашиш департаменти  
бошлигининг 2018 йил 31 июлдаги  
36-сон буйруғига  
ИЛОВА

**«Қимматбаҳо металл ва қимматбаҳо тошлар билан  
боғлиқ бўлган операцияларни амалга оширувчи шахслар учун  
жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва  
терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички  
назорат қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруққа  
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Буйруқ муқаддимаси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикасининг «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ **буюраман:**».

2. Иловада:

а) муқаддима қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикасининг «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 майдаги ПФ–5446-сон «Бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини тубдан ошириш ва иқтисодий жиноятларга қарши курашиш механизмларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ қимматбаҳо металл ва қимматбаҳо тошлар билан боғлиқ бўлган операцияларни амалга оширувчи шахслар учун жиноий фао-

лиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назоратни ташкил қилиш ва амалга ошириш тартибини белгилайди.»;

б) 1-бандда:

ўн тўртинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«махсус ваколатли давлат органи — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти;»;**

қуйидаги мазмундаги хатбошилар билан тўлдирилсин:

**«пул маблағларини ёки бошқа мол-мулкни ишга солмай тўхтатиб қўйиш — пул маблағларини ёки бошқа мол-мулкни ўтказишни, конверсиялашни, тасарруф этишни ёхуд кўчиришни тақиқлаш;**

**оммавий қирғин қуролини тарқатишда иштирок этаётган ёки иштирок этишда гумон қилинаётган шахс — Ўзбекистон Республикаси томонидан тан олинган, оммавий қирғин қуролини тарқатишини олдини олишга қаратилган БМТ Хавфсизлик Кенгашининг резолюциялари ҳамда бошқа халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлари билан белгиланган жисмоний ёки юридик шахс;**

**террорчилик фаолиятида иштирок этаётган ёки иштирок этишда гумон қилинаётган шахс — террорчилик фаолиятида иштирок этаётган ёхуд иштирок этишда гумон қилинаётган, террорчилик фаолиятини амалга ошираётган ёхуд амалга оширишда гумон қилинаётган ташкилотнинг бевожита ёки билвосита мулкдори бўлган ёхуд уни назорат қилаётган юридик ёки жисмоний шахс, шунингдек, террорчилик фаолиятида иштирок этаётган ёхуд иштирок этишда гумон қилинаётган жисмоний шахснинг ёхуд ташкилотнинг мулкидаги ёки назорати остидаги юридик шахс;**

**Рўйхат — терроризмга, оммавий қирғин қуролини тарқатишга қарши курашишни амалга оширувчи давлат органлари ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа ваколатли органларидан тақдим этилаётган маълумотлар, шунингдек, чет давлатларнинг ваколатли органлари ва халқаро ташкилотларидан расмий каналлар орқали тақдим этилаётган маълумотлар асосида махсус ваколатли давлат органи томонидан тузилган террорчилик фаолиятида ёки оммавий қирғин қуролини тарқатишда иштирок этаётган ёки иштирок этишда гумон қилинаётган шахслар рўйхати;**

**операцияларни тўхтатиб туриш — мижознинг пул маблағларини ёки бошқа мол-мулкни кўчириш, конверсиялаш, ўзга шахсларга эгалик қилиш ва фойдаланиш учун бериш, шунингдек юридик аҳамиятга эга бўлган бошқа ҳаракатларни бажариш тўғрисидаги топшириқномалари ижросини тўхтатиб туриш;**

**юқори мансабдор шахслар — чет давлатнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи, маъмурий ёки суд органида ёхуд халқаро ташкилотда доимий, вақтинча ёки махсус ваколат бўйича тайинланадиган ёки сайланадиган, ташкилий-бошқарув вазифаларни бажарадиган ва юридик аҳамиятга эга бўлган ҳаракатларни содир этишга ваколат берилган шахслар.»;**

в) 2-бандда:

иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга оид таваккалчиликларни аниқлаш, баҳолаш, хужжатлаштириш ва уларни камайтириш;»;

учинчи хатбоши «ва терроризмни молиялаштиришга» деган сўзлардан кейин «ёки оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

г) 3-бандда:

иккинчи хатбоши «баҳолаш» деган сўздан кейин «, хужжатлаштириш» деган сўз билан тўлдирилсин;

тўртинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«бенефициар мулкдорларни идентификациялаш, уларнинг шахсини текшириш бўйича мумкин бўлган чора-тадбирлар қўллаш;»;

олтинчи ва еттинчи хатбошилари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«ички назоратни амалга ошириш давомида аниқланган шубҳали операциялар тўғрисидаги ахборотларни (хужжатларни) махсус ваколатли давлат органига ўз вақтида тақдим этиш;

Рўйхатга киритилган шахслар иштирокчиси бўлган қимматбаҳо металл ва қимматбаҳо тошлар билан боғлиқ бўлган операцияларни тўхтатиб туриш ва тўхтатиб турилган куннинг ўзида бундай операциялар ҳақида махсус ваколатли давлат органини хабардор қилиш;»;

қуйидаги мазмундаги хатбошилар билан тўлдирилсин:

«юқори мансабдор шахслар ва уларнинг яқин қариндошлари амалга ошираётган операцияларини чуқур мониторинг қилиш;

Рўйхат билан солиштириш орқали операция иштирокчилари орасида террорчилик фаолиятида ёки оммавий қирғин қуролини тарқатишда иштирок этаётган ёки иштирок этишда гумон қилинаётган шахсларни аниқлаш.»;

д) 3-банднинг олтинчи хатбошисидаги, 9-банднинг олтинчи хатбошисидаги, 17<sup>3</sup>-банднинг учинчи хатбошисидаги, 20<sup>1</sup>-банддаги, 21-банднинг иккинчи хатбошисидаги, 22-банднинг биринчи хатбошисидаги, 23-банддаги, 24-банднинг биринчи хатбошисидаги ва 26-банднинг биринчи хатбошисидаги «Департаментга» деган сўз «махсус ваколатли давлат органига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

е) 6-бандда:

биринчи хатбошидаги «Департаментга» деган сўз «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳузуридаги Қимматбаҳо металллар агентлигининг Давлат асиллик даражасини белгилаш палатасига (бундан буён матнда — Асиллик палатаси деб юритилади) ва махсус ваколатли давлат органига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидаги «Департаментни» деган сўз «Асиллик палатасини ва махсус ваколатли давлат органини» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

ж) 7-банднинг тўртинчи хатбошисидаги «Департаментга» ва «Департаментнинг» деган сўзлар тегишлича «махсус ваколатли давлат органига» ва «махсус ваколатли давлат органининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

з) 7-банднинг олтинчи хатбошисидаги, 10, 26<sup>1</sup> ва 27-бандларидаги «Департамент» деган сўз «Асиллик палатаси ва махсус ваколатли давлат органи» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

и) қуйидаги мазмундаги 11<sup>1</sup>-банд билан тўлдирилсин:

«11<sup>1</sup>. Мижозни лозим даражада текшириш бўйича кўриладиган чора-тадбирлар қуйидагиларни ўз ичига олиши шарт:

тегишли ҳужжатлар асосида миջознинг ва у қайси шахслар номидан иш кўраётган бўлса, ўша шахсларнинг шахсини ҳамда ваколатларини текшириш;

миџознинг бенефициар мулкдорини идентификациялаш;

миџоз томонидан амалга ошириладиган амалий иш муносабатлари ва операцияларни уларнинг бундай миџоз ва унинг фаолияти тўғрисидаги маълумотларга мувофиқлигини текшириш мақсадида доимий асосда ўрганиш ўтказиш.

Мижозни лозим даражада текшириш бўйича юқорида кўрсатиб ўтилган чораларни кўриш билан бирга, миџоз ёки бенефициар мулкдор сифатида қатнашаётган юқори мансабдор шахсларга нисбатан қимматбаҳо металл ва қимматбаҳо тошлар билан боғлиқ бўлган операцияларни амалга оширувчи шахслар:

юқори мансабдор шахснинг мавқеи тўғрисидаги маълумотларни текшириш ва ўтказилаётган операциядаги пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк манбаларини аниқлаш бўйича оқилона чораларни кўриши;

юқори мансабдор шахс билан амалий иш муносабатларига фақатгина ташкилотларининг раҳбарияти рухсати билан киришиши;

амалий иш муносабатларини мониторинг қилиб боришлари лозим.»;

к) 17<sup>4</sup>-бандда:

иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Рўйхатга киритилган шахслар ёхуд Рўйхатга киритилган шахснинг назоратидаги шахслар ёки Рўйхатга киритилган ташкилотнинг бевосита ёхуд билвосита мулкдори ёки назорат қилувчи шахслар;»;

қуйидаги мазмундаги саккизинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«юқори мансабдор шахслар ва уларнинг яқин қариндошлари;»;

саккизинчи хатбоши тўққизинчи деб ҳисоблансин.

л) 17<sup>6</sup>-банднинг биринчи хатбошиси «ва терроризмни молиялаштириш» деган сўзлардан кейин «ёки оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

м) 20-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«20. Қимматбаҳо металл ва қимматбаҳо тошлар билан боғлиқ бўлган операцияларни амалга оширувчи шахслар операцияларни амалга оширишда уларнинг иштирокчилари идентификация маълумотларини Рўйхат билан солиштиришлари шарт.

Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар кечиктирилмасдан ва олдиндан хабар қилинмасдан тўхтатилиши лозим, агарда:

миџоз ёки операция қатнашчиларидан бирининг барча идентификация



маълумотлари Рўйхатга киритилган шахснинг маълумотлари билан тўлиқ мос келса;

операция қатнашчиларидан бири Рўйхатга киритилган шахс номидан ёки унинг топшириғига биноан фаолият кўрсатаётган бўлса;

операцияни амалга оширишда фойдаланаётган пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк тўлиқ ёки қисман Рўйхатга киритилган шахсга тегишли бўлса;

операция қатнашчиси бўлган юридик шахс Рўйхатга киритилган жисмоний ёки юридик шахснинг мулкида ёки назорат остида бўлса.

Рўйхатга киритилган шахснинг операцияси тўхтатиб турилганда ва (ёки) пул маблағларини ёки бошқа мол-мулкни ишга солмай тўхтатиб қўйилганда қимматбаҳо металл ва қимматбаҳо тошлар билан боғлиқ бўлган операцияларни амалга оширувчи шахслар ишга солмай тўхтатиб қўйилган мулкнинг миқдори кўрсатилган ҳолда бу ҳақда махсус ваколатли давлат органига шубҳали операция тўғрисида хабар юборишлари лозим.

Қимматбаҳо металл ва қимматбаҳо тошлар билан боғлиқ бўлган операцияларни амалга оширувчи шахслар тўхтатилган операцияни ўтказишни тиклашни Террорчилик фаолиятида ёки оммавий қирғин қуролини тарқатишда иштирок этаётган ёки иштирок этишда гумон қилинаётган шахслар рўйхатига киритилган шахсларнинг операцияларини тўхтатиб туриш, пул маблағларини ёки бошқа мол-мулкни ишга солмай тўхтатиб қўйиш, ишга солмай тўхтатиб қўйилган мол-мулкдан фойдаланишга рухсат бериш ва операцияларини тиклаш тартиби тўғрисидаги низомда (рўйхат рақами 2833, 2016 йил 11 октябрь) белгиланган тартибда амалга оширади.»

3. Мазкур ўзгартириш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳузуридаги Қимматбаҳо металллар агентлиги билан келишилган.

*Марказий банк ҳузуридаги  
Қимматбаҳо металллар агентлиги  
бош директори*

**Б. САБИРОВ**

*2018 йил 31 июль*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ  
ҚАРОРИ

**744** Улгуржи савдо корхоналари томонидан ягона солиқ тўловини бўнак тўловларини ҳисобга олган ҳолда тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 6 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2065-4*

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси ва Ўзбекистон Республикаси «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонунининг 7-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Марказий банк Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Марказий банки Бошқарувининг 2010 йил 7 январдаги 2, 2010-1, 39/4-сон қарори (рўйхат рақами 2065, 2010 йил 14 январь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 1-2-сон, 15-модда) билан тасдиқланган Улгуржи савдо корхоналари томонидан ягона солиқ тўловини бўнак тўловларини ҳисобга олган ҳолда тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирилади.

**Молия вазири**

**Д. КУЧКАРОВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 3 август,  
116-сон

**Давлат солиқ қўмитаси раисининг  
биринчи ўринбосари**

**Б. МУСАЕВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 3 август,  
2018-50-сон

**Марказий банк раиси**

**М. НУРМУРАТОВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 3 август,  
315-В-4-сон

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 7 сентябрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва  
Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил  
3 августдаги 116, 2018-50 ва  
315-В-4-сон қарорига  
ИЛОВА

**Улгуржи савдо корхоналари томонидан ягона солиқ  
тўловини бўнак тўловларини ҳисобга олган ҳолда тўлаш  
тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган  
ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 5-банд қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Улгуржи савдо фаолияти билан шуғулланиш учун лицензияга эга корхоналар ўзларининг асосий ва иккиламчи талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварақларини бошқа тижорат банкларида очганликлари тўғрисидаги ахборот Банк депозиторларининг миллий ахборот базасидан келиб тушган кундан бошлаб, давлат солиқ хизмати органлари бир иш куни ичида мазкур тижорат банкларига ушбу Низомнинг 1-иловасида келтирилган шаклда хабарнома юборади.»

2. 6-банд қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Хабарнома солиқ тўловчига ёзма шаклда ёки унинг шахсий кабинети орқали электрон шаклда юборилади.»

3. 12-бандда:

қуйидаги мазмундаги ўн биринчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«ўзига хизмат кўрсатувчи банк билан амалга оширилган валюта операциялари ҳамда валюта биржасида илгари конвертация қилинган хорижий валютани сотишдан келиб тушган маблағлар;».

ўн биринчи — ўн учинчи хатбошилар тегишлича ўн иккинчи — ўн тўртинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

4. 16-банддаги «Умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси» деган сўзлар «Таълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

5. 17-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«17. Ягона солиқ тўлови бўйича ортиқча тўланган сумма солиқ тўловчининг аризасига кўра Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 10-бобида назарда тутилган тартибда қайтарилади.

Ариза солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига ёзма шаклда ёки солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали электрон шаклда берилади.»

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ПАРВОЗЛАР ХАВФСИЗЛИГИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ  
ДАВЛАТ ИНСПЕКЦИЯСИ БОШЛИГИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**745** «Ўзбекистон Республикаси фуқаро ва экспериментал авиацияси аэродромларини сертификатлаш қоидалари»га (ЎзР АҚ-160) ўзгартиришлар киритиш тўғрисида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 6 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1734-7*

Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 2 сентябрдаги 692-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси тўғрисидаги низомга мувофиқ, **буюр-ман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғининг 2007 йил 10 сентябрдаги 138-сонли буйруғи билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси фуқаро ва экспериментал авиацияси аэродромларини сертификатлаш қоидаларига (ЎзР АҚ-160) (рўйхат рақами 1734, 2007 й., 29 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 44-сон, 448-модда) иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Бошлиқ**

**Т. ЎЛЖАЕВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 30 июль,  
118-Н-сон

---

\* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 8 сентябрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш  
давлат инспекцияси бошлиғининг 2018 йил  
30 июлдаги 118-Н-сон буйруғига  
ИЛОВА

**«Ўзбекистон Республикаси фуқаро ва экспериментал  
авиацияси аэродромларини сертификатлаш қоидалари»га  
(ЎЗР АҚ-160) киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 13-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«13. Сертификатлаш тўғрисидаги ариза ва унга илова қилинадиган ҳужжатлар «Дававианазорат» инспекцияси томонидан кўриб чиқилиши учун асос ҳисобланади. «Дававианазорат» инспекциясига келиб тушган ариза ўша куннинг ўзида рўйхатдан ўтказилиши лозим. «Дававианазорат» инспекцияси аризага ариза рўйхатдан ўтказилганлигини тасдиқловчи тегишли ҳужжат (белги) бериши, ариза электрон шаклда берилган тақдирда эса, ариза рўйхатдан ўтказилганлигини «Дававианазорат» инспекциясининг расмий веб-сайтидаги электрон хабар билан, тегишли ёзувга ҳавола билан ёки қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа усул билан тасдиқлаши шарт.

«Дававианазорат» инспекциясида аризани рўйхатдан ўтказишни рад этишга йўл қўйилмайди.»

2. 15-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«15. Аэродром сертификатининг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисида ариза билан Дававианазорат инспекциясига мурожаат қилинади.

«Дававианазорат» инспекцияси аризани кўриб чиқади ва ҳужжатлар қабул қилинган санадан бошлаб ўттиз иш кунидан ошмайдиган муддатда аэродром сертификатини беради ёки уни беришни рад этади.»

3. 27-банддаги «куни мобайнида» деган сўзлар «кунидан кўп бўлмаган муддатда» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4. 31-банддаги «икки ой мобайнида» деган сўзлар «ўттиз иш кун ичида» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

5. 42-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«42. Аэродром сертификатини бекор қилиш ёки амал қилишини тўхта-тиб қўйиш тўғрисидаги қарор Дававианазорат раҳбари томонидан назорат текшируви ўтказиш натижалари бўйича тузилган далолатномага асосан қабул қилинади. Дававианазорат инспекцияси тегишли қарор қабул қилинган кундан бошлаб бир иш кунидан кечиктирмай аэродром эксплуатантини бу ҳақида ёзма равишда хабардор қилади.»

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРОРИНИНГ  
БУЙРУҒИ**746 Назорат қилувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ўтказиладиган текширувларни келишиш ва ўтказиш тартиби ҳақидаги вақтинчалик низомни тасдиқлаш ҳақида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 7 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3067*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июлдаги ПФ-5490-сон «Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармониغا асосан **буюраман:**

1. Назорат қилувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ўтказиладиган текширувларни келишиш ва ўтказиш тартиби ҳақидаги вақтинчалик низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга қиради.

3. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги Қонуни кучга киргунга қадар амал қилади.

**Бош прокурор**

**О. МУРОДОВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 6 сентябрь,  
Б-55-сон

---

\* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 8 сентябрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
Бош прокурорининг 2018 йил 6 сентябрдаги  
Б-55-сон буйруғига  
ИЛОВА

**Назорат қилувчи органлар томонидан тадбиркорлик  
субъектлари фаолиятида ўтказиладиган текширувларни  
келишиш ва ўтказиш тартиби ҳақидаги вақтинчалик  
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июлдаги ПФ-5490-сон «Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига асосан назорат қилувчи органлар ва уларнинг ҳудудий бўлинмалари (бундан буён матнда назорат қилувчи органлар деб юритилади) томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ўтказиладиган текширувларни келишиш ва ўтказишнинг вақтинчалик тартибини белгилайди.

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом талаблари:

Ўзбекистон Республикасининг «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Қонуни доирасида;  
қўзғатилган жиноят ишлари доирасида;  
давлат корхоналари ва муассасалари фаолиятида;  
норезидентларнинг Ўзбекистон Республикасидаги доимий муассасалари ва ваколатхоналари фаолиятида;  
нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятида;  
тадбиркорлик субъектлари ўз ташаббуси билан ўтказиладиган текширувларга нисбатан татбиқ этилмайди.

2. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**тадбиркорлик субъектлари** — белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтган ҳамда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган юридик ва жисмоний шахслар;

**назорат қилувчи органлар** — тадбиркорлик субъектлари фаолиятини давлат томонидан назорат қилишга қонун ҳужжатлари билан ваколат берилган вазирлик ва идоралар;

**текширув** — тадбиркорлик субъектлари томонидан қонунлар ҳамда улар фаолиятини тартибга солувчи бошқа қонун ҳужжатлари қандай бажарилаётганлигини назорат қилувчи органларнинг бир марта назорат қилиши;

**ваколатли орган** — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокуратуралари.

3. Текширувларни келишиш ва ўтказиш мазкур Низомнинг 1-иловасидаги схемага мувофиқ амалга оширилади.

4. Тадбиркорлик субъектлари фаолиятида назорат қилувчи органларнинг марказий аппарати томонидан ташкил этиладиган текширувлар Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси (бундан буён матнда Бош прокуратура деб юритилади), уларнинг ҳудудий бўлинмалари томонидан ўтказиладиган текширувлар тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокуратуралари (бундан буён матнда вилоят прокуратуралари деб юритилади) билан келишилади.

5. Текширув ўтказишни ваколатли орган билан келишиш Текширувларни электрон рўйхатга олиш ягона тизими (бундан буён матнда Ягона тизим деб юритилади) орқали амалга оширилади.

Ягона тизим тўлиқ ишга туширилгунга қадар текширув ўтказишни келишиш билан боғлиқ бўлган ёзишмалар қоғоз шаклида расмийлаштирилиши мумкин.

Назорат қилувчи орган ва ваколатли орган ўртасидаги давлат сири билан боғлиқ бўлган текширувларни ўтказишга оид ахборот алмашинуви давлат сирларини сақлаш тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади ҳамда бундай текширувлар ҳақидаги маълумотлар Ягона тизимга киритилмайди.

6. Муддати бир кун бўлган текширувларни келишиш вилоят прокуратураси томонидан, муддати бир кундан ортиқ бўлган текширувларни келишиш фақат Бош прокуратура томонидан амалга оширилади.

Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар, хорижий корхоналар, шунингдек эркин иқтисодий зоналарда жойлашган корхоналарда ўтказиладиган текширувларни келишиш фақат Бош прокуратура томонидан амалга оширилади.

7. Тадбиркорлик субъектлари уларда ўтказиладиган текширув ҳақидаги ҳамда уларнинг фаолиятини текшираётган назорат қилувчи органлар тўғрисидаги маълумотни Бош прокуратура ёки вилоят прокуратураларидан ёзма шаклда ёки ахборот коммуникация технологияларидан, шу жумладан Ягона тизимдан фойдаланган ҳолда электрон шаклда бепул олишга ҳақлидир.

8. Ўтказилган текширувдан норози бўлган тадбиркорлик субъектлари назорат қилувчи органларнинг юқори ташкилотларига ёки белгиланган тартибда судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

## **2-боб. Текширувларни келишиш**

9. Назорат қилувчи органлар қуйидаги асослар мавжуд бўлганда: жисмоний ва юридик шахсларнинг қонун ҳужжатлари бузилиши ҳолатлари ҳақидаги мурожаатлари асосида;

назорат қилувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ўтказилган «хавфни таҳлил этиш» натижалари, шу жумладан оммавий ахборот воситаларидан ёки бошқа ташқи манбалардан (ижтимоий тармоқлар, веб-сайтлар) олинган маълумотлар асосида ваколатли органга текширув ўтказишни сўраб мурожаат қилишга ҳақли.



Бунда жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларининг аноним эмаслиги ҳамда текширув ўтказилиши режалаштирилаётган тадбиркорлик субъектининг амалда фаолият кўрсатаётганлиги назорат қилувчи орган томонидан дастлаб ўрганиб чиқиши лозим.

10. Бир кунлик муддатда ўтказиладиган текширувни келишиш учун буюртма назорат қилувчи органнинг вилоят даражасидаги ҳудудий бўлинмаси орқали вилоят прокуратурасига киритилади.

Муддати бир кундан ортиқ бўлган текширувни келишиш учун эса буюртма назорат қилувчи органнинг вилоят даражасидаги ҳудудий бўлинмаси орқали унинг марказий аппарати томонидан Бош прокуратурага киритилади.

11. Назорат қилувчи органнинг туман (шаҳар) бўлинмаси ташаббуси билан ўтказиладиган текширувларни келишиш текширувга асос бўлган ҳужжатларни ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ушбу органнинг вилоят даражасидаги бўлинмасига тақдим этиш орқали амалга оширилади.

12. Назорат қилувчи орган томонидан ушбу Низомнинг 2-иловасига мувофиқ тақдим этилган текширувни келишиш тўғрисидаги буюртмада қуйидаги маълумотлар кўрсатилади:

текширув ўтказувчи орган номи;

текширув ўтказиладиган тадбиркорлик субъектининг номи (филиали ёки шохобчаси), солиқ тўловчининг идентификация рақами, манзили;

текширув ўтказиш учун асос;

талаблари бузилиши мумкин бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжат тўғрисида маълумот;

текширув ўтказиш муддати;

текширув предмети;

текшириладиган фаолият даври.

13. Буюртмага жисмоний ёки юридик шахснинг қонунбузилиш ҳолатлари ҳақидаги мурожаати нусхаси, «хавфни таҳлил этиш» тизими орқали аниқланган қонунбузилиш ҳолати бўйича батафсил маълумот ҳамда текширув дастури илова қилинади.

Текширув дастури ушбу мурожаатда кўрсатилган ҳолатлар ёки «хавфни таҳлил этиш» тизими орқали аниқланган қонунбузилишлар доирасида тузилиши ва назорат қилувчи орган раҳбари томонидан тасдиқланиши шарт.

14. Буюртма ваколатли орган томонидан уч иш кунидан кечиктирмасдан кўриб чиқилади ҳамда текширувни ўтказиш келишилганлиги ёки рад этилганлиги тўғрисида ушбу Низомнинг 3 ва 4-иловаларига мувофиқ қарор қабул қилинади.

Фавқулодда вазиятлар юзага келиши, шу жумладан инсон ҳаёти ва соғлигининг хавф остида қолиши, атроф-муҳит зарарланиши, жиддий моддий талафотлар келиб чиқиши ҳамда одамларнинг ҳаёт фаолияти шароити издан чиқишига олиб келиши мумкин бўлган ҳолатлар бўйича текширувларни келишиш тўғрисидаги буюртмалар бир иш кун ичида кўриб чиқилади.

15. Бош прокуратура томонидан қабул қилинган қарорлар Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг солиқ ва божхона соҳаларидаги қонун-

чилик ижроси устидан назоратни амалга ошириш учун масъул ўринбосари, йўқлигида эса унинг ваколатини амалга ошириш юклатилган Бош прокурорнинг бошқа ўринбосари томонидан имзоланади.

Вилоят прокуратуралари томонидан қабул қилинган қарорлар тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокурорлари томонидан, улар йўқлигида эса вазифаларини вақтинча бажарувчи прокурор ўринбосарлари томонидан имзоланади.

16. Текширув ўтказиш келишилганлиги ёки рад этилганлиги тўғрисидаги қарор қабул қилингандан бошлаб бир иш кунидан кечикмасдан назорат қилувчи органга юборилади.

### **3-боб. Текширувларни ўтказиш**

17. Назорат қилувчи орган текширувни ўтказиш келишилган кундан бошлаб уч иш кун ичида текширув ўтказиш тўғрисида буйруқ қабул қилади.

Буйруқда текширув ўтказиш учун асос бўлган ҳужжат номи, рақами ва санаси, назорат қилувчи органнинг текширувда иштирок этадиган масъул ходимлари таркиби, текшириладиган тадбиркорлик субъектининг номи (филиали ёки шохобчаси), солиқ тўловчининг идентификация рақами, манзили, текширув мақсади, муддати ва текшириладиган фаолият даври кўрсатилади ҳамда текширув дастури илова қилинади.

18. Назорат қилувчи органнинг тегишли таркибий бўлинмаси томонидан ўтказиладиган текширувга унинг бошқа таркибий бўлинмаларининг тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш ҳуқуқига эга бўлган ходимлари жалб этилиши мумкин.

Назорат қилувчи органнинг юқори ташкилоти текширувни қўйи бўлинмаларига юклашга ҳақли.

19. Назорат қилувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ўтказиладиган текширувлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июлдаги ПФ-5490-сон «Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонининг 1 ва 2-илловаларида белгиланган муддатлардан ошмаслиги шарт.

20. Текширув ўтказиш жараёнида назорат қилувчи органнинг масъул ходимлари ўз ваколатлари ва текширув дастурида белгиланган масалалар доирасидан четга чиқмаслиги лозим.

21. Назорат қилувчи органнинг масъул ходимлари текширув бошланишидан олдин тадбиркорлик субъекти раҳбарини (раҳбарнинг вазифасини бажарувчи шахсни) ёки яқка тартибдаги тадбиркорни текширув мақсади билан таништиради, унга ўз хизмат гувоҳномаси ва текширув ўтказиш ҳуқуқини берувчи махсус гувоҳномасини кўрсатади, Ягона тизимга текширувнинг уникал кодини киритиш орқали текширувга доир маълумотларни олиш ҳуқуқини тушунтиради, шунингдек текширувни ўтказишга асос бўлган ҳужжатлар (текширув ўтказиш келишилганлигини тасдиқловчи ҳужжат

нусхаси, назорат қилувчи органнинг текширув ўтказиш тўғрисидаги буйруғи ва текширув дастури) нусхаларини тилхат олган ҳолда топширади.

Тадбиркорлик субъекти ўз сўровига кўра ўтказилаётган текширув ҳақидаги ахборотни Ягона тизимдан қисқа хабар (SMS) кўринишида ва реал вақт режимида интернет тармоғи орқали олиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 92-моддасида назарда тутилган ҳолларда мазкур банднинг биринчи хатбошисида кўрсатилган ҳаракатлар назорат қилувчи органнинг масъул ходимлари томонидан текширув тугаллангунга қадар амалга оширилади.

22. Текширув ўтказиш учун асос бўлган ҳужжатлар нусхаси текширилаётган тадбиркорлик субъектига тилхат олинган ҳолда топширилган кун текширувни ўтказиш бошланган кун ҳисобланади.

Текширилаётган тадбиркорлик субъектининг мазкур ҳужжатларни олишдан бош тортганлиги текширувни бекор қилиш учун асос бўлмайди.

Текширилаётган тадбиркорлик субъекти мазкур ҳужжатларни олишдан бош тортган тақдирда, бу ҳақда назорат қилувчи органнинг масъул ходими томонидан далолатнома тузилади. Бунда далолатнома расмийлаштирилган кун текширувни ўтказиш бошланган кун ҳисобланади.

23. Назорат қилувчи органнинг масъул ходимлари тадбиркорлик субъекти томонидан тақдим этилган «Текширувларни рўйхатга олиш китоби»ни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тўлдириши шарт.

Техник имконият мавжуд бўлганда мажбурий тартибда «Текширувларни рўйхатга олиш китоби»нинг электрон шакли тўлдирилади. Бунда қоғоз шаклини тўлдириш талаб этилмайди.

Текширув натижалари тўғрисидаги далолатномага «Текширувларни рўйхатга олиш китоби»нинг тўлдирилган шакли (қоғоз шакли тўлдирилганда — электрон шакли тўлдирилмаганлиги сабаби) ёки китоб тақдим этилмаганда — унинг тақдим этилмаганлиги тўғрисида текширувчи томонидан тегишли ёзув киритилади.

Назорат қилувчи органнинг масъул ходимлари «Текширувларни рўйхатга олиш китоби»ни тўлдиришдан бош тортган тақдирда, тадбиркорлик субъекти текширув ўтказилишига йўл қўймасликка ҳақли.

24. Тадбиркорлик субъектлари бирлашмаларининг аъзоси бўлган тадбиркорлик субъектининг фаолиятини текширишда ушбу тадбиркорлик субъекти сўровига кўра мазкур бирлашмалар вакиллари, Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасининг аъзоси бўлган тадбиркорлик субъектининг фаолиятини текширишда эса палата вакиллари иштирок этиши мумкин.

Солиқ маслаҳатчилари ва (ёки) адвокатлар томонидан тадбиркорлик субъектига текширув давомида шартнома асосида тегишли хизматлар кўрсатилиши мумкин.

Назорат қилувчи органнинг масъул ходимлари текширув бошланишидан олдин тадбиркорлик субъекти раҳбарига (раҳбарнинг вазифасини бажарувчи шахсга) ёки яққа тартибдаги тадбиркорга мазкур банднинг биринчи ва иккинчи хатбошиларида назарда тутилган шахсларни текширувда иштирок этишга жалб қилиш ҳуқуқини тушунтиради ҳамда бу ҳақда тадбиркорлик субъекти

рахбари (рахбарнинг вазифасини бажарувчи шахс) ёки якка тартибдаги тадбиркор томонидан текширув ўтказишга асос бўлган ҳужжатлар нусхалари олинганлигини тасдиқловчи тилхатда маълумот қайд этилади.

Мазкур банднинг биринчи ва иккинчи хатбошиларида назарда тутилган шахсларнинг текширувда иштирок этиш учун етиб келмаслиги текширув ўтказилишига тўсқинлик қилмайди.

25. Текширув давомида назорат қилувчи органнинг масъул ходимлари ҳамда текшириладиган тадбиркорлик субъектлари Ўзбекистон Республикаси «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги Қонунининг 16 ва 17-моддаларида белгиланган ҳуқуқлардан фойдаланадилар ва мажбуриятларга амал қиладилар.

26. Текширув билан тадбиркорлик субъектининг бевосита текширув ўтказиш йилидан олдинги уч календарь йилдан кўп бўлмаган фаолияти қамраб олиниши мумкин. Бунда:

текширув ўтказилаётган календарь йилнинг ўтган даври текширилиши мумкин;

текширувни ўтказаяётган назорат қилувчи орган томонидан илгари текширилган фаолият даври бўйича қайта текширув ўтказилмайди.

27. Текширувни белгиланган муддатда ўтказиш имкони бўлмаган ҳолларда, шунингдек текширув бошлангандан кейин тадбиркорлик субъекти раҳбари (рахбарнинг вазифасини бажарувчи шахс) ёки якка тартибдаги тадбиркор текширувда иштирок эта олмаган, талаб этилган ҳужжатлар тақдим этилмаган ёки соҳавий мутахассислар мавжуд бўлмаган тақдирда, текширув назорат қилувчи органнинг буйруғи асосида тўхтатилиб, унинг асослантирилган муурожаатига кўра текширув ёки унинг қолган муддати ваколатли органнинг рухсати билан бошқа вақтга кўчирилиши мумкин.

Муддати кўчирилган текширувни ўтказиш текширув тўхтатилган ойдан кейинги ойнинг сўнги кунидан кечиктирмасдан таъминланиши лозим. Ушбу муддатда ўтказилмаган текширув яқунланган ҳисобланади.

Бунда текширув ўтказиш муддатини ҳисоблаш ҳам тўхтатилади.

28. Текширув ўтказиш жараёнида ўрганиш лозим бўлган қўшимча ҳолатлар аниқланган тақдирда, текширув муддати назорат қилувчи органнинг асослантирилган муурожаатига кўра Бош прокуратуранинг рухсати билан фақат бир марта, бироқ текширув келишилган муддатдан ошмаган вақтга узайтирилиши мумкин (масалан, олти кунга келишилган текширувни узайтиришда кўпи билан яна олти кун қўшиб берилиши мумкин).

29. Текширув муддатини кўчириш ва узайтириш текширув ўтказишни келишиш учун белгиланган тартибда амалга оширилади.

30. Текширувни тадбиркорлик субъекти рўйхатдан ўтган ёки фаолият юритаётган манзилда ўтказиш имконияти бўлмаган тақдирда, уни тадбиркорлик субъектининг розилиги билан ушбу субъект рўйхатдан ўтган ёки фаолият юритаётган ҳудуддаги назорат қилувчи орган биносида ўтказиш мумкин.

31. Текширувлар натижалари далолатнома билан расмийлаштирилади. Текширув далолатномаси камида икки нусхада тузилади.

Бир кунлик муддатда ўтказиладиган текширув далолатномаси текширув ўтказилган кунда, муддати бир кундан ортиқ бўлган текширув бўйича эса, текширув муддатининг охириг кунидан кечиктирмасдан расмийлаштирилиши шарт.

Бунда текширув далолатномасининг нусхалари назорат қилувчи органнинг масъул ходимлари ва тадбиркорлик субъектининг раҳбари (раҳбар вазифасини бажарувчи шахс) ёки якка тартибдаги тадбиркор томонидан имзоланади ҳамда бир нусхаси тадбиркорлик субъекти раҳбарига (раҳбар вазифасини бажарувчи шахсга) ёки якка тартибдаги тадбиркорга уни олган санани кўрсатган ҳолда имзо қўйдириб топширилади.

32. Текширилган тадбиркорлик субъекти ўтказилган текширув натижаси бўйича ўз эътирозларини далолатномада ёзма равишда акс эттириши мумкин.

33. Текширилган тадбиркорлик субъекти текширув далолатномасини олишдан ва (ёки) уни имзолашдан бош тортганда, назорат қилувчи органнинг масъул ходими бу ҳақда далолатномага тегишли ёзув киритади ва шу пайтдан эътиборан текширув тугаган ҳисобланади.

Бу ҳолда текширув далолатномасининг бир нусхаси у тузилган кундан кейинги иш кунидан кечиктирмасдан тадбиркорлик субъектига почта орқали буюртма хат билан юборилади.

34. Текширув далолатномаси назорат қилувчи орган томонидан белгиланган тартибда рўйхатга олинади.

35. Ўтказилган текширув натижалари бўйича тузилган далолатномада қайд этилган қонунбузилиш ҳолатлари тўғрисидаги хулосалар текширув яқунлангандан сўнг уч иш куни ичида, тадбиркорлик субъектига нисбатан қўлланилган таъсир чоралари тўғрисидаги маълумотлар (ёзма кўрсатма, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома, молиявий ва иқтисодий жарималарни қўллаш тўғрисида қарорлар, суд қарорлари) мазкур чоралар қўлланилгандан сўнг уч иш кунидан кечиктирмасдан назорат қилувчи органлар томонидан Ягона тизимга киритилиши лозим.

Бош прокуратура билан келишилган ҳолда ўтказилган текширувлар натижалари тўғрисидаги маълумотлар назорат қилувчи органнинг марказий аппарати, вилоят прокуратуралари билан келишилган текширувлар бўйича маълумотлар назорат қилувчи органнинг вилоят даражасидаги тегишли бўлинмаси томонидан Ягона тизимга киритилади.

36. Текширув натижасида аниқланган банк сирига оид маълумотлар Ягона тизимга киритилмайди.

#### **4-боб. Ваколатли органни хабардор этиш тартибида текширув ўтказиш**

37. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июлдаги ПФ–5490-сон «Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонининг 2-иловасида (бундан буён матнда Хабар-

дор этиш тартибидаги текширувлар рўйхати деб юритилади) белгиланган текширувлар назорат қилувчи органлар томонидан ваколатли органни хабардор этиш тартибида ўтказилади.

38. Текширувлар Хабардор этиш тартибидаги текширувлар рўйхатининг:

1 ва 2-бандлари бўйича — ишончли маълумотлар мавжуд бўлган ҳолларда;

3, 6, 10 ва 15-бандлари бўйича — назорат қилувчи орган томонидан белгиланган тартибда тасдиқланган график асосида;

4, 5, 7, 8, 9, 11 — 14, 16 — 25-бандлари бўйича — заруратга қараб ўтказилади.

39. Текширув назорат қилувчи органнинг текширувни ўтказиш тўғрисидаги буйруғи, шунингдек ишончли маълумотларни тасдиқловчи ҳужжатлар ёки текширув ўтказиш юзасидан тасдиқланган график Ягона тизимга киритилгандан сўнг амалга оширилади.

40. Хабардор этиш тартибидаги текширувлар рўйхатида кўрсатилган икки ёки ундан ортиқ назорат қилувчи органлар томонидан ўтказиладиган текширувлар тўғрисида ваколатли органни хабардор қилиш ҳар бир орган томонидан алоҳида амалга оширилади.

41. Хабардор этиш тартибида ўтказиладиган текширувлар келишиладиган текширувларни ўтказиш учун белгиланган тартибда амалга оширилади.

42. Жисмоний ва юридик шахсларнинг Хабардор этиш тартибидаги текширувлар рўйхатида назарда тутилган масалалар бўйича мурожаатлари асосида текширувларни ўтказиш ваколатли органни хабардор этиш тартибида амалга оширилади.

Агар жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларида бир нечта масала кўрсатилиб, улардан камида биттаси келишиш тартибида текширув ўтказилишини талаб этадиган бўлса, текширувлар ваколатли орган билан келишилган ҳолда ўтказилади.

### **5-боб. Текширувларнинг ўтказилишини мониторинг қилиш**

43. Ваколатли орган назорат қилувчи органлар томонидан текширувлар белгиланган тартибда ўтказилганлигини Ягона тизим орқали доимий равишда мониторинг қилиб боради.

44. Ваколатли орган томонидан мониторинг натижаларига кўра назорат қилувчи органларнинг масъул ходимлари тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ноқонуний текширув ўтказганлиги ёки текширув давомида қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйганлиги аниқланган ҳолатларда уларни белгиланган тартибда жавобгарликка тортиш чоралари кўрилади.

### **6-боб. Яқуний қоидалар**

45. Ваколатли орган ва назорат қилувчи органларнинг масъул ходимлари мазкур Низом талабларига риоя этилиши, текширув муносабати билан ўзига маълум бўлган тижорат сири, хизмат сири ва қонун билан қўриқлана-

диган бошқа сирлар, шунингдек ошкор этилмаган ахборотлар муҳофаза қилинишини таъминлаши шарт.

46. Назорат қилувчи органларнинг:

раҳбарлари текширув ўтказишга рухсат олиш ёки ваколатли органи текширув ўтказиш тўғрисида хабардор этиш учун тақдим этилган маълумотларнинг ишончлилиги ва тўлиқлиги учун;

масъул ходимлари ўз ваколатлари ва назорат соҳасидан ташқари масалалар бўйича ҳар қандай текширув ўтказилмаслиги учун жавобгардир.

47. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

48. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил ва Савдо-саноат палатаси билан келишилган.

*Тадбиркорлик субъектларининг  
ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини  
ҳимоя қилиш бўйича вакил*

**Д. КАСИМОВ**

*2018 йил 5 сентябрь*

*Савдо-саноат  
палатаси раиси*

**А. ИКРАМОВ**

*2018 йил 5 сентябрь*

Назорат қилувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ўтказиладиган текширувларни келишиш ва ўтказиш тартиби ҳақидаги вақтинчалик низомга  
1-ИЛОВА

**Назорат қилувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятида текширувларни келишиш ва ўтказиш СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Ижро муддати
1-босқич	Назорат қилувчи орган	1. Жисмоний ва юридик шахсларнинг қонунбузилиш ҳолатлари ҳақидаги муурожаатларини қабул қилиш, уларнинг аноним эмаслигини ўрганиш. 2. «Хавфни таҳлил этиш», шу жумладан оммавий ахборот воситаларидан ёки ижтимоий тармоқлар ва веб-сайтлардан маълумотларни олиш ва ўрганиш. 3. Текширувга рухсат сўралаётган тадбиркорлик субъектининг амалда фаолият кўрсатаётганлигини ўрганиш.	Доимий
2-босқич	Назорат қилувчи органнинг марказий аппарати	Бош прокуратурага текширув ўтказиш тўғрисида буюртма юбориш	Доимий
	Назорат қилувчи органнинг вилоят даражасидаги худудий бўлинмаси	1. Муддати бир кундан ортиқ бўлган текширувга рухсат олиш учун Бош прокуратурага буюртма юбориш. 2. Бир кунда ўтказиладиган текширувга рухсат олиш учун Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят ёки Тошкент шаҳар прокуратурасига буюртма юбориш	Доимий
3-босқич	Ваколатли орган	Буюртмани кўриб чиқиш, текширувга рухсат бериш ёки уни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиш	3 иш кунда 1 иш кунда ( <i>фавқулодда ҳолатлар бўйича</i> )
4-босқич	Ваколатли орган	Қарорни буюртма киритган назорат қилувчи органга юбориш	1 иш кунда
5-босқич	Назорат қилувчи орган	Рухсат олинган текширувни ўтказиш тўғрисида буйруқ қабул қилиш	3 иш кунда
6-босқич	Назорат қилувчи орган	Текширувни ўтказиш, унинг натижалари бўйича далолатнома расмийлаштириш	Белгиланган муддатларда
7-босқич	Назорат қилувчи орган	Далолатномада кўрсатилган қонунбузилиш ҳолатлари тўғрисидаги маълумотларни Ягона тизимга киритиш	3 иш кунда
		Қўлланилган таъсир чоралари тўғрисидаги маълумотларни Ягона тизимга киритиш	Таъсир чораси қўлланилгандан сўнг 3 иш кунда



Назорат қилувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ўтказиладиган текширувларни келишиш ва ўтказиш тартиби ҳақидаги вақтинчалик низомга  
2-ИЛОВА

*Намуна*

**Ўзбекистон Республикаси  
Бош прокуратураси**

**Тадбиркорлик субъекти фаолиятида текширув  
ўтказишни келишиш тўғрисида  
Б У Ю Р Т М А**

**Текширув ўтказувчи орган номи:** Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги.

**Тадбиркорлик субъекти номи:** «Salomatlik» МЧЖ (СТИР 200300400).

**Манзили:** Навоий вилояти, Нурота тумани, «Х. Олимжон» кўчаси, 45-уй.

**Текширувни ўтказиш учун асос:** Навоий вилояти, Нурота тумани, «Олмазор» МФЙда яшовчи фуқаро В. Эшбоевнинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонасида 2018 йил 15 августда 1234-сон билан рўйхатга олинган мурожаатида унинг қизи Б. Эшбоева жамиятга қаршли шифохонада даволаниш жараёнида вирусли гепатит «С» касаллигини юктириб, Навоий вилоят юқумли касалликлар шифохонасига ётқизилганлиги муносабати билан жамият раҳбарини жавобгарликка тортиш масаласини кўриб чиқиш сўралган.

Ушбу мурожаат кўриб чиқилиши натижасида фуқаро Б. Эшбоева вирусли гепатит «С» касаллиги билан Навоий вилоят юқумли касалликлар шифохонасида даволанаётганлиги маълум бўлди.

**Талаблари бузилиши мумкин бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжат тўғрисидаги маълумот:** Ўзбекистон Республикаси «Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида»ги Қонунининг 16-моддаси.

**Текширув ўтказиш муддати:** 2018 йил сентябрь ойи, уч кун муддат.

**Текширув предмети:** фуқаро Б. Эшбоевага қилинган муолажа.

**Текшириладиган фаолият даври:** фуқаро Б. Эшбоевнинг даволанган даври.

Илова: 5 варақда.

**Вазир ўринбосари**

**Х. Ххххххх**

Назорат қилувчи органлар томонидан тадбир-корлик субъектлари фаолиятида ўтказиладиган текширувларни келишиш ва ўтказиш тартиби ҳақидаги вақтинчалик низомга  
3-ИЛОВА

*Намуна*

**Ўзбекистон Республикаси  
Соғлиқни сақлаш вазирлиги**

Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан «Salomatlik» МЧЖда (СТИР 200300400) фуқаро В. Эшбоевнинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонасида 2018 йил 15 августда 1234-сон билан рўйхатга олинган мурожаатига асосан фуқаро Б. Эшбоевага қилинган муолажанинг қонун ҳужжатларига мослиги юзасидан унинг даволанган даври доирасида, тақдим этилган текшириш дастурига мувофиқ 2018 йил сентябрь ойида уч кунлик муддатда текшириш ўтказилиши келишилди.

Текшириш коди: 000149.

**Бош прокурор ўринбосари**

**Х. Ххххххх**

Назорат қилувчи органлар томонидан тадбир-корлик субъектлари фаолиятида ўтказиладиган текширувларни келишиш ва ўтказиш тартиби ҳақидаги вақтинчалик низомга  
4-ИЛОВА

*Намуна*

**Ўзбекистон Республикаси  
Соғлиқни сақлаш вазирлиги**

Соғлиқни сақлаш вазирлигининг «Salomatlik» МЧЖ (СТИР 200300400) фаолиятида текширув ўтказишни келишиш тўғрисидаги буюртмасига текширув дастури илова қилинмаганлиги сабабли, текширув ўтказиш рад этилди.

**Бош прокурор ўринбосари**

**Х. Ххххххх**

ЎЗБЕКИСТОН АВТОМОБИЛЬ ТРАНСПОРТИ АГЕНТЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ  
ВАЗИРЛИГИНИНГ КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМ МАРКАЗИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИНИНГ  
ҚАРОРИ

**747** «Ўзбекистон Республикасида автотранспорт воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш билан шуғулланувчи таълим муассасаларини битирган ҳайдовчиликка номзодларга бериладиган ягона намунадаги гувоҳномани бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш ҳақида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил  
7 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1652-2*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 31 майдаги 408-сон «Автотранспорт воситалари ва шаҳар электр транспорт воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ҳамда уларнинг малякасини ошириш бўйича нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини лицензиялаш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон автомобиль транспорти агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Касб-хунара таълим маркази ва Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунара таълим маркази ва Ички ишлар вазирлигининг 2006 йил 27 декабрдаги 6, 48/ҚБ, 11-сон «Ўзбекистон Республикасида автотранспорт воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш билан шуғулланувчи таълим муассасаларини битирган ҳайдовчиликка номзодларга бериладиган ягона намунадаги гувоҳномани бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига (рўйхат рақами 1652, 2007 йил 9 январь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 1-2-сон, 18-модда) иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон автомобиль  
транспорти агентлиги бошлиғи**

**Д. ДЕХКАНОВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 15 август,  
70-сон

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 8 сентябрда эълон қилинган.

**Олий ва ўрта махсус таълим  
вазирлигининг Касб-хунар таълим  
маркази директори**

**М. ХОЛМУХАМЕДОВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 15 август,  
8/ҚҚ-сон

**Ички ишлар вазири**

**П. БОБОЖОНОВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 15 август,  
56-сон

Ўзбекистон автомобиль транспорти  
агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Олий  
ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Касб-  
хунар таълим маркази ва Ўзбекистон Респуб-  
ликаси Ички ишлар вазирлигининг 2018 йил  
15 августдаги 70, 8/ҚҚ, 56-сон қарорига  
ИЛОВА

**«Ўзбекистон Республикасида автомототранспорт  
воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш билан  
шуғулланувчи таълим муассасаларини битирган ҳайдовчиликка  
номзодларга бериладиган ягона намунадаги гувоҳномани бериш  
тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга  
кiritилаётган ўзгартиришлар**

1. Қарорнинг 2-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2. Ягона намунадаги гувоҳномалар Ўзбекистон автомобиль транспорти агентлигининг «Автомобиль транспорти ходимларини малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институти» ДКнинг буюртмасига асосан, «Давлат белгиси» бирлашмасининг Тошкент шаҳар босма фабрикасида, босма усулда тайёрлансин.».

2. Низомда:

а) муқаддима қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасида автомототранспорт воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш билан шуғулланувчи таълим муассасаларини битирган ҳайдовчиликка номзодларга ягона намунадаги гувоҳнома бериш тартибини белгилайди.».

б) 1-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1. Ўзбекистон Республикасида автомототранспорт воситалари ва шаҳар электр транспорти воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 31 май-

даги 408-сон қарори билан тасдиқланган Автомототранспорт воситалари ва шаҳар электр транспорти воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ амалга оширилади.»

в) 5-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«5. Гувоҳнома бланкалари Ўзбекистон автомобиль транспорти агентлигининг (кейинги ўринларда матнда — агентлик) «Автомобиль транспорти ходимларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институти» ДКнинг буюртмаси асосида тайёрланади.»

г) 6-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«6. Гувоҳнома бланкалари «Автомобиль транспорти ходимларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институти» ДКнинг тақсимотига асосан, таълим муассасаларига «махсус ҳудудий код»лар асосида агентликнинг ҳудудий бошқармалари томонидан етказиб берилади (мазкур Низомнинг 2-илоvasи).»

д) 7-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«7. Гувоҳномалар таълим муассасаси буюртмаларига асосан агентликнинг «Автомобиль транспорти ходимларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институти» ДК томонидан таъминланади.

«Автомобиль транспорти ходимларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институти» ДК буюртмасига асосан гувоҳномалар «Давлат белгиси» бирлашмасининг Тошкент шаҳар босма фабрикасида босма усулда тайёрланади.»

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ПАРВОЗЛАР ХАВФСИЗЛИГИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ  
ДАВЛАТ ИНСПЕКЦИЯСИ БОШЛИГИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**749** Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиациясининг ҳаво кемалари экипаж аъзоларининг иш вақти ва дам олиш вақтини нормалаштириш» авиация қоидаларига (ЎзР АҚ-94) ўзгартиришлар киритиш тўғрисида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 7 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2141-2*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 2 сентябрдаги 692-сон «Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ, **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлигининг 2010 йил 18 августдаги 96-сон буйруғи (рўйхат рақами 2141, 2010 йил 15 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 37-сон, 324-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиациясининг ҳаво кемалари экипаж аъзоларининг иш вақти ва дам олиш вақтини нормалаштириш» авиация қоидаларига (ЎзР АҚ-94) иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан кучга кирази.

**Бошлиқ**

**Т. ЎЛЖАЕВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 15 август,  
121-Н-сон

---

\* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 8 сентябрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш  
давлат инспекцияси бошлиғининг 2018 йил  
15 августдаги 121-Н-сон буйруғига  
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси  
фуқаро авиациясининг ҳаво кемалари экипаж аъзоларининг  
иш вақти ва дам олиш вақтини нормалаштириш» авиация  
қоидаларига (ЎЗР АҚ-94) киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Қоидаларнинг муқаддимаси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Мазкур Қоидалар Халқаро фуқаро авиацияси тўғрисидаги Конвенция-  
нинг (Чикаго, 1944 йил 7 декабрь) 6-илоvasи ва Ўзбекистон Республикаси-  
нинг Ҳаво кодексига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси-  
нинг ҳаво кемалари экипаж аъзоларининг иш вақти ва дам олиш вақтини  
нормалаштириш тартибини белгилайди.»

2. 10-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин.

3. Мазкур ўзгартиришлар Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирли-  
ги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон авиация ходимлари касаба  
уюшмаси Республика Кенгаши ва «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиа-  
компанияси билан келишилган.

*Бандлик ва меҳнат  
муносабатлари вазири*

*Ш. КУДБИЕВ*

*2018 йил 15 август*

*Соғлиқни сақлаш вазири*

*А. ШАДМАНОВ*

*2018 йил 15 август*

*Ўзбекистон авиация ходимлари  
касаба уюшмаси Республика  
Кенгаши раиси*

*Ш. МИНГАЛИЕВ*

*2018 йил 15 август*

*«Ўзбекистон ҳаво йўллари»  
миллий авиакомпаниясининг  
Бош директори в. б.*

*Б. ХАКИМОВ*

*2018 йил 15 август*

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат қўмиталари ва**  
**идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини**  
**давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида**  
**2018 йил 5 сентябрдан 7 сентябргача**  
**бўлган маълумотни маълум қилади**

**I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:**

1. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг 2018 йил 6 июлдаги 47, 20, 101, 5-сон «Қишлоқ хўжалиги экинларини оқилона жойлаштириш, ер балансиغا риоя этиш, қишлоқ хўжалиги экинларининг оқилона жойлаштирилиши бузилганлиги учун фермер хўжаликлари ва мансабдор шахсларнинг масъулиятини ошириш, етиштирилган маҳсулот сотилишининг ҳисобини юритиш, шартнома мажбуриятларининг бажарилишини таъминлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

***2018 йил 5 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3064.***

2. Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт вазирининг 2018 йил 9 июлдаги 10-мх-сон «Умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчиларидан иборат спорт жамоалари ўртасида (спорт турлари бўйича) ушбу муассасалар, туман (шаҳар)лар, вилоятлар ва республика даражасида оммавий спорт тадбирларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи.

***2018 йил 5 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3065.***

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 28 июлдаги 26/6-сон «Кўп валютали бухгалтерия ҳисоби тизимида Ўзбекистон Республикаси банклари балансининг актив ва пасивларидаги валюта ҳисобварақлари қолдиқларини қайта баҳолаш қоидаларининг II бўлими 1-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори.

***2018 йил 5 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 535-2.***

4. Ўзбекистон Республикаси электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси бошлиғининг 2018 йил 26 июлдаги 10-сон «Реактив қувват компенсацияси бўйича ишларни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

***2018 йил 5 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1864-2.***



5. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2018 йил 30 июлдаги 26, 115, 2018-59-сон «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳузуридаги тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга қўмаклашиш бўйича маслаҳат маркази намунавий низомининг 6-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори.

**2018 йил 5 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2499-2.**

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Молия вазирлигининг 2018 йил 1 августдаги 256-ум, 119-сон «Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг ФХДЁ бўлимлари фаолиятини молиялаштириш учун махсус ташкил қилинадиган шахсий фазна ҳисобварағига йўналтирилган маблағлардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

**2018 йил 5 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3066.**

7. Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлигининг 2018 йил 2 августдаги 120-Н-сон «Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси гувоҳномаларини бериш ва авиация ходимларининг турлари» Ўзбекистон Республикаси авиация қоидаларига (ЎЗР АҚ-61) ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

**2018 йил 5 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1349-11.**

8. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2018 йил 5 сентябрдаги 442-мх-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи.

**2018 йил 5 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1019-2.**

9. Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қорозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази, Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2018 йил 7 августдаги 2018-7, 02/28-10/32-сон «Устав капитали 500 миллион сўмдан ортиқ бўлган акциядорлик жамиятларини фонд биржасида мажбурий листингга қўйиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

**2018 йил 6 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1801-3.**

10. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 18 августдаги 27/7-сон «Тижорат банклари томонидан банк кафолатларини бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги қарори.

*2018 йил 6 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2364-5.*

11. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 18 августдаги 27/13-сон «Банкка алоқадор бўлган шахслар билан тузиладиган битимлар тўғрисидаги низомга қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

*2018 йил 6 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2706-2.*

12. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 18 августдаги 27/12-сон «Тижорат банклари томонидан қимматли қоғозлар билан ўтказиладиган операцияларга ва уларнинг бошқа корхоналар устав капиталида қатнашишига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

*2018 йил 6 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1894-3.*

13. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 18 августдаги 27/17-сон «Бир қарз олувчи ёки бир-бирига дахлдор қарз олувчилар гуруҳи учун таваккалчиликнинг энг кўп миқдорлари тўғрисидаги низомнинг 8-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори.

*2018 йил 6 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2707-3.*

14. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг 2018 йил 31 июлдаги 36-сон «Қимматбаҳо металл ва қимматбаҳо тошлар билан боғлиқ бўлган операцияларни амалга оширувчи шахслар учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруққа ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

*2018 йил 6 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2034-3.*

15. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 3 августдаги 116, 2018-50, 315-В-4-сон «Улгуржи савдо корхоналари томонидан ягона солиқ тўловини бўнак тўловларини ҳисобга олган ҳолда тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори.

*2018 йил 6 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2065-4.*

16. Ўзбекистон Республикаси парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғининг 2018 йил 30 июлдаги 118-Н-сон «Ўзбекистон Республикаси фуқаро ва экспериментал авиацияси аэродромларини сер-

тификатлаш қоидалари»га (ЎЗР АҚ-160) ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

**2018 йил 6 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1734-7.**

17. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2018 йил 6 сентябрдаги Б-55-сон «Назорат қилувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ўтказиладиган текширувларни келишиш ва ўтказиш тартиби ҳақидаги вақтинчалик низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи.

**2018 йил 7 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3067.**

18. Ўзбекистон Автомобиль транспорти агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Касб-хунар таълими маркази, Ички ишлар вазирлигининг 2018 йил 15 августдаги 70, 8/ққ, 56-сон «Ўзбекистон Республикасида автототранспорт воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш билан шуғулланувчи таълим муассаларини битирган ҳайдовчиликка номзодларга бериладиган ягона намунадаги гувоҳномани бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

**2018 йил 7 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1652-2.**

19. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ер қаърини геологик ўрганиш, саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекциясининг 2018 йил 15 августдаги 55, 52-сон «Портловчи моддаларни ишлаб чиқариш, сотиб олиш, сақлаш, транспортда ташиш, улардан фойдаланиш ва уларни ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги йўриқноманинг муқаддимасига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори.

**2018 йил 7 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1491-2.**

20. Ўзбекистон Республикаси парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғининг 2018 йил 15 августдаги 121-Н-сон «Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиациясининг ҳаво кемалари экипаж аъзоларининг иш вақти ва дам олиш вақтини нормалаштириш» авиация қоидаларига (ЎЗР АҚ-94) ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

**2018 йил 7 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2141-2.**

21. Ўзбекистон автомобиль транспорти агентлиги бошлиғининг 2018 йил 29 августдаги 71-сон «Йўловчилар автовокзаллари, автостанциялари тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

**2018 йил 7 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1305-4.**

## II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг «Ўзбекистон Республикасининг 16 ёшга тўлмаган фуқароси гувоҳномасини Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари томонидан расмийлаштириш ва бериш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1019, 2001 йил 22 март), шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 1019-1, 2012 йил 3 июль).

*Адлия вазирининг 2018 йил 5 сентябрдаги 442-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.*

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитасининг «Устав капитали 500 миллион сўмдан ортиқ бўлган акциядорлик жамиятларини фонд биржасида мажбурий листингга қўйиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1801, 2008 йил 1 май), шунингдек унга ўзгартиришлар (рўйхат рақами 1801-1, 2014 йил 24 апрель), (рўйхат рақами 1801-2, 2014 йил 4 август).

*Адлия вазирининг 2018 йил 6 сентябрдаги 443-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.*

**Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.**